ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ишмуҳамедов А.Э., Ҳайдаров М. Т., Раҳимова М. Р.

# МАКРОИҚТИСОДИЁТ-2

## фанидан

*(Ўқув қўлланма)*

ТОШКЕНТ-2003

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ишмуҳамедов А.Э., Ҳайдаров М. Т., Раҳимова М. Р.

# МАКРОИҚТИСОДИЁТ -2

фанидан

*(Ўқув қўлланма)*

ТОШКЕНТ-2003

Ишмухамедов А.Э., Хайдаров М. Т., Рахимова М. Р. Макроиқтисодиёт-2. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2003. - 130 б.

Бозор иқтисодиёти тамойилларини шаклланиши ва ривожланиши шароитида ҳар томонлама ва чуқур билимларга эга бўлган олий малакали мутахассисларни тайёрлаш жуда ҳам долзарб бўлиб, улар зиммасига макроиқтисодиёт каби мураккаб соҳа ишини ташкил этиш ва бошқариш тушади. Чунки, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва барқароор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратишда макроиқтисодий даражада меҳнат қилувчи мутахассислар макроиқтисодий жараёнларни тўғри таҳлил қила олиши, аниқ хулосалар чиқара билиши заруp ва бундай жараёнларни ўргатишда «Макроиқтисодиёт-2» фанидан тайёрланган бу ўқув қўлланма назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ўқув қўлланма иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган магистрлар, шунингдек, макроиқтисодиёт муаммолари билан шуғулланувчи илмий ходимлар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Б.Салимов
и.ф.н., доц. И.Иватов

© Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

## Мундарижа


| | | бет |
|---|---|---|
| Кириш | | 5 |
| 1-боб. | **Макроиқтисодий сиёсат мақсадлари, йўналишлари ва воситалари.** | 7 |
| 1.1. | Макроиқтисодий сиёсат ва унинг мақсадлари. | 7 |
| 1.2. | Дискрецион ва нодискрецион фискал сиёсат. Бюджет дефицити ва ортиқчалиги. | 7 |
| 1.3. | Бюджет ортиқчалиги ва унинг дефицитга таъсир этиш йўллари. | 10 |
| 1.4. | Пул-кредит сиёсати, мақсадлари ва воситалари | 12 |
| 1.5. | Пул-кредит сиёсатига ўтиш механизми ва унинг бюджет, солиқ ҳамда валюта сиёсати билан алоқадорлиги. | 15 |
| 2-боб. | **Макроиқтисодий сиёсатларни олиб бориш муаммолари.** | 19 |
| 2.1. | Классик ва кейнсчилар моделида фискал ва монетар сиёсат. | 19 |
| 2.2. | Иқтисодий сиёсатларни қабул қилиш ва олиб бориш жараёнларидаги вақтинчалик ҳолатлар. | 21 |
| 2.3. | Иқтисодий сиёсатларнинг олдиндан белгиланган қоидаларга амал қилиши ёки ҳаракатлар эркинлигига асосланиши. | 24 |
| 2.4. | Бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсатларини таъминлаш қоидаси. | 25 |
| 3-боб. | **Иқтисодий ўсиш мақсадидаги ташқи савдо сиёсат** | 28 |
| 3.1. | Божхона тарифларининг ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчиларга ва аҳолининг турмуш даражасига таъсири. | 28 |
| 3.2. | Импорт квоталари ва лицензияларини тақсимлаш услублари. | 30 |
| 3.3. | Савдони чеклашнинг турлари ва ҳукумат томонидан савдони чеклашнинг иқтисодий мақсадлари. | 31 |
| 3.4. | Алмашинув курсини ташқи савдога таъсири. Алмашинув курси ва инфляция. | 35 |
| 4 Боб. | **Иқтисодий ўсиш мақсадида валюта курси сиёсати.** | 39 |
| 4.1. | Валюта бозори тушунчаси. Ўзгарувчан ва ўзгармас валюта курси тушунчалари. | 39 |
| 4.2 | Узоқ ва қисқа муддатдаги номинал ва реал валюта курсининг ўсиш омиллари. | 40 |
| 4.3. | Макроиқтисодий сиёсатнинг мувозанати реал валюта курси динамикасига таъсири. | 42 |
| 4.4. | Ўзгарувчан ва ўзгармас валюта курсларининг самараси. | 44 |
| 5-боб. | **Очиқ макроиқтисодий сиёсат. Ўрнатилган (қатъий) валюта курси шароитида иқтисодиётда макроиқтисодий алоқалар. Ички ва ташқи баланс.** | 45 |
| 6-боб. | **Очиқ иқтисодиётда барқарорлаштириш сиёсати.** | 54 |
| 7-боб. | **Ўзгарувчан (сузиб юрувчи) валюта курси шароитида барқарорлаштириш сиёсати.** | 61 |
| 8-боб. | **Капитални қарз олиш муаммолари. Ташқи қарз.** | 71 |
| 9-боб. | **Молия сиёсати - иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида.** | 81 |
| 10-боб. | **Иқтисодий, молиявий ва ижтимоий хавфсизлик.** | 92 |
| **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** | | 98 |

# КИРИШ

Республикамизни бозор иқтисодиётига ўтиши билан боғлиқ ўзгаришлар умуман янги босқичдаги мутахассисларни тайёрлаш миллий дастурига кўра олий ўқув юртларида ҳар томонлама ва чуқур билимларга эга бўлган, мулоҳазали ўйлаб хулоса чиқарадиган юқори даражали, ташаббускор мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Асосий вазифа макроиқтисодиёт каби мураккаб соҳада ишлайдиган амалиётчиларга тушади. Бундан ташқари, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва барқароор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратишда макроиқтисодий даражада меҳнат қилувчи бошқарувчилар, иқтисодчилар макроиқтисодий жараёнларни яхши тушуниши, тўғри хулосалар чиқара олиши зарур. Бундай мутахассисларни тайёрлашда «Макроиқтисодиёт-2» фани катта рол ўйнайди.

Бу курснинг асосий мақсади макроиқтисодий даражадаги сиёсатларни умумлаштириб олиб боришдан иборат. Бундан ташқари, курснинг мақсади талабаларнинг иқтисодий билимини янада оширишдан иборатдир. Фанни ўқиш натижасида талабалар макроиқтисодий вазиятни моделлар ёрдамида таҳлил ва башорат қила олишлари, илмий асосланган амалий ишларни олиб боришлари керак.

Курснинг аҳамиятли томони шундаки, у иқтисодий назариянинг ютуқларига, макроиқтисодий бошқарувнинг жаҳон тажрибаларига асосланади ва тўла-тўкис жаҳон стандартларига жавоб беради, бу курс макроиқтисодий назария, макроиқтисодий ҳолатларнинг аниқ тажрибаси ва мамлакатнинг макроиқтисодий сиёсатини ўзида намоён этади.

Курс асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, уларнинг асосий муаммолари билан иқтисодий ўсиш, инфляция ва ишсизликни кўриб чиқади. Бир томондан макроиқтисодий босқичда иқтисодий жараёнларнинг бориши, бошқа томондан эса солиқ - бюджет, пул-кредит, валюта, савдо сиёсати соҳаларида олиб борилаётган ишлар ва унинг қисқа ва узоқ муддатли ўтиш даври иқтисодиётидаги оқибатлари тўғрисида тушунча берадиган замонавий макроиқтисодий моделларни ўрганади. Макроиқтисодиёт бутун бир соҳа сифатида таништирилади.

«Макроиқтисодиёт-2» фани «Микроиқтисодиёт», «Иқтисодий назария», «Жаҳон иқтисодиёти», «Ташқи иқтисодий алоқалар» ва бошқа шу каби фанлар билан бевосита боғлиқ ҳолда иқтисодиётни бутун ҳолда кўриб чиқади, яъни ҳукуматнинг макроиқтисодий сиёсатини ўргатади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ туб ўзгаришлар янги дунёқарашдаги мутахассисларни тайёрлашни талаб этмоқда. Бугунги кунда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига кўра олий ўқув юртлари ҳар томонлама чуқур билимларга эга бўлган, юқори даражадаги ташаббускор мутахассисларни тайёрлашлари керак.

Асосий талаб макроиқтисодиёт каби мураккаб соҳада ишлайдиган битирувчиларга бўлади. Бундан ташқари, мавжуд ресурслардан оқилона

фойдаланиш ва барқарор ўсишни таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратишда макроўламда меҳнат қилувчи бошқарувчилар, иқтисодчилар макроиқтисодий жараёнларни яхши тушунишлари, тўғри иқтисодий ечимлар ва хулосалар чиқара олишлари зарур. Мана шундай мутахассисларни тайёрлашда «Макроиқтисодиёт-2» фанининг аҳамияти катта.

«Макроиқтисодиёт-2» бакалавриатда ўқитилган «Макроиқтисодиёт» фанининг давоми бўлиб, у магистратура тингловчиларига ушбу фандан билимларини янада кенгайтиришга қаратилган.

«Макроиқтисодиёт-2» да асосий эътибор давлатнинг иқтисодий сиёсатни олиб бориши ва бу сиёсат самарасига кўпроқ аҳамият берилади.

«Макроиқтисодиёт-2» фанининг асосий мақсади магистратура тингловчиларига макроиқтисодий сиёсатнинг моҳиятини, унинг йўналишларини кўрсатиб бериш, уларга макроиқтисодий вазиятни моделлар ёрдамида таҳлил қилишни, илмий асосланган амалий ишларни олиб боришни ўргатади.

Ушбу фанининг аҳамиятли томони шундаки, у макроиқтисодий бошқарувнинг жаҳон тажрибаларига асосланади. У макроиқтисодий назария ҳолатларини аниқ тажрибаси ва макроиқтисодий сиёсатнинг бойликларини ўзида намоён этади.

Курс асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, уларнинг асосий муаммолари бўлган иқтисодий ўсиш, инфляция ва ишсизликни кўриб чиқади. Шунингдек, макроиқтисодий даражада иқтисодий жараёнларнинг бориши, солиқ-бюджет, пул-кредит, валюта, савдо сиёсати соҳаларида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг қисқа ҳамда узоқ муддатли ўтиш даври иқтисодиётидаги оқибатлари тўғрисида тушунча берадиган замонавий макроиқтисодий моделлар ўрганилади.

Ўқув жараёни давомида маърузалар, семинар машғулотлар ва компьютер дарслари ўтилади. Бунда талабаларга назарий асос тайёрланади, турли хил масалалар, аниқ ҳолатлар кўриб чиқилади, фанга доир компьютер дастурлари ўргатилади.

Бакалаврлардан фарқли ҳолда, магистрлар дастурдаги мавзуларининг асосий қисмларини мустақил равишда ўрганадилар ва шунинг учун ўқув дастурига алоқадор муҳим адабиётларнинг олий ўқув юрти кутубхоналарида бўлиши катта аҳамиятга эга, бунда интернет талабларга жуда маъқул келади.

«Макроиқтисодиёт-2» курси магистратуранинг иккинчи семестрида ўқитилади. «Макроиқтисодиёт-2»нинг ўқув дастури 100 соатга мўлжалланган, бундан 56 соати аудитория ва 44 соати мустақил ишларга ажратилган.

Ушбу фан ўзида «Очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат», «Барқарор валюта курси шароитида макроиқтисодий сиёсат» ва бошқа мавзуларни қамраб олади. Хусусан, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий сиёсат ўтказишга доир муаммоли мавзулар магистрлар томонидан ўрганилади.

## 1-боб.Макроиқтисодий сиёсат мақсадлари, йўналишлари ва воситалари

### 1.1.Макроиқтисодий сиёсат ва унинг мақсадлари

Макроиқтисодий сиёсат ҳукуматнинг умумий иқтисодиётга таъсири. Макроиқтисодий сиёсатнинг мақсади - барқарорлаштириш ва бу қуйидагилардан иборат:

1.Иқтисодий ўсиш. Кўпроқ товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ёки аҳолининг турмуш даражасини кўтариш.

2.Иш билан таъминлаш. Ҳар бир ишлашни хоҳлаган шахсни иш билан таъминлаш.

3.Иқтисодий самарадорлик. Минимал сарфлар билан чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларидан максимал фойдаланиш.

4.Нархлар даражасини кескин кўтарилиб ёки тушиб кетишига йўл қўймаслик. Бошқача қилиб айтганда, инфляция ва дефляцияга йўл бермаслик.

5.Иқтисодий эркинлик. Менежерлар, ишчилар ва истеъмолчилар иқтисодий фаолиятда юқори даражали эркинликка эга бўлишлари лозим.

6.Даромадларни оқилона тақсимлаш. Аҳолининг ҳеч қайси гуруҳи ўта камбағалликда яшаши мумкин эмас.

7.Савдо баланси. Дунё бозорида, ташқи савдода мувозанатни сақлаш лозим.

Макроиқтисодий сиёсатнинг йўналишлари қуйидагилардан иборат.

а) Бюджет-солиқ сиёсати (фискал сиёсат) - давлатнинг солиққа тортиш ва давлат харажатлари соҳаларидаги сиёсати. Кейнсчилар мактабининг вакиллари фискал сиёсат натижасида умумий талаб ўзгаради, бу эса бандлик даражасига ва инфляцияга таъсир этади деб ҳисоблашган.

Йигирманчи асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган таклиф назарияси мактабининг вакиллари эса фискал сиёсатни умумий таклифга таъсир этишини исботлаб беришди.

б) Пул- кредит сиёсати (монетар сиёсат) - марказий банкнинг пул таклифи, ресурслар кредити ва фоиз ставкалари соҳаларида олиб борадиган сиёсати. Умумий талаб ва умумий таклифга таъсир этади. Монетар сиёсат 70-80 йилларда фаолиятнинг энг юқори чўққисига етди.

в) Валюта курси ва ташқи савдо соҳаларидаги сиёсат - бу давлат ресурсларини олиб чиқиш ва олиб кириш шу жумладан капитални олиб чиқиш ва олиб кириш устидан назорат қилиш. Бундан ташқари квоталар, божхона тарифлари тўловлари ёрдамида товарларни олиб кириш.

### 1.2. Дискрецион ва нодискрецион фискал сиёсат Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги

Дискрецион фискал сиёсат - инфляция суръатлари, ишлаб чиқариш ҳажми, бандлик даражасини ҳукуматнинг махсус буйруқлари асосида ўзгартириш натижасида давлат бюджети қолдиғи, солиқ ва давлат харажатлари кўрсаткичларини мақсадли ўзгартириш.

Нодискрецион фискал сиёсат умумий даромаднинг даврий тебраниши натижасида санаб ўтилган кўрсаткичларни автоматик равишда ўзгартириш. Нодискрецион фискал сиёсат иқтисодиётни барқарорлаштиришга таъсир кўрсатувчи чоралар- ЯММ ўсиши (камайиши) даврида давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларини автоматик тарзда оширишi (камайтириш)ни келтириб чиқаради.

Соф солиқ тушумлари деганда бюджетга тушган умумий солиқ тушумлари ва ҳукумат томонидан тўланган трансфертлар суммаси орасидаги фарқ тушунилади.

Дискрецион фискал сиёсатда инқироз даврида умумий талабни рағбатлантириш мақсадида давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш орқали давлат бюджети тақчиллиги хосил қилинади. Шунга мувофиқ равишда бюджет ортиқчалиги хосил қилинади.

Ҳукуматнинг дискрецион сиёсати сезиларли тарзда иш вақти билан боғлиқ бўлади, сабаб- давлат харажатлари ёки солиққа тортиш ставкалари структурасини ўзгартирилиши ушбу чораларни Олий Мажлисда узоқ муддат муҳокама этишни талаб этади.

Нодискрецион фискал сиёсат бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги иқтисодиётнинг автоматик стабилизаторлари ҳаракати натижасида автоматик равишда юзага келади.

«Ичига киритилган» стабилизатор ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини кўп оширмай маҳсулот ишлаб чиқариш ва бандлик даражаларини тебраниши амплитудасини қисқартириш имконини берадиган иқтисодий механизмдир. Саноати ривожланган давлатларда бундай стабилизаторлар вазифасини солиққа тортишнинг прогрессив тизими, давлат трансфертлар тизими ва даромадларда иштирок этиш тизимлари ўтайди.

Бундай автоматик стабилизаторлар, улар парламентнинг бевосита аралашувисиз киритилиши туфайли дискрецион фискал сиёсатда узоқ муддат давом этадиган, лекин вақтинча бўлган лаглар муаммосини нисбатан юмшатади.

Иқтисодиётнинг автоматик стабиллик даражаси умумий талаб тебранишлари амортизаторлари вазифасини бажарувчи бюджет тақчиллиги ва ортиқчалигига боғлиқ.

Даврий тақчиллик(ортиқчалик) - иш фаоллигининг тушиши (кўтарилиши) фонида автоматик тарзда давлат трансфертларининг ошиши (камайиши) ва солиқ тушумларининг қисқариши (ортиши) натижасида келиб чиқувчи давлат бюджетининг тақчиллиги.




1-чизма

Даврий ўсиш даврида Y2 > Y0, шунинг учун солиқ ажратмалари автоматик равишда ошади, трансферт тўловлари эса аксинча автоматик равишда камаяди. Натижада бюджет ортиқчалиги ошади ва инфляцион бум ушлаб турилади (1-чизма).

Даврий пасайиш даврида Y2 < Y0 бўлганда, солиқлар миқдори автоматик тарзда камаяди, трансфертлар эса ўсади. Оқибатда ишлаб чиқариш ҳажми ва умумий талаб ўсиши тарзида бюджет тақчиллиги (дефицити) ўсади. Бу эса тушумни камайтиради.

Тақчиллик ва профицитнинг (ортиқчалик) даврий қийматлари солиқ ва бюджет функциялари графиклари «тик» лиги билан T солиқ функциясининг тушиш бурчаги чегаравий солиқ ставкасини t қиймати билан аниқланади, давлат харажатлари функциясининг бурчаги эса олинаётган трансферт ўзгариши ва даромад қиймати ўзгариши орасидаги муносабатни тавсифловчи катталик V орқали топилади. Шундан келиб чиқадики, даромад даражаси қанчалик юқори бўлса, киритилаётган солиқ шунчалик юқори, давлатдан олинаётган трансфертлар эса шунчалик паст бўлади.

Давлат харажатлари G ўзгармас катталик деб олинганда ҳам жорий даромад динамикасига боғлиқ бўлмаган иқтисодиётнинг ички қурилган барқарорлик даражаси солиқ ставкалари қанчалик юқори бўлса, яъни T чизиғи қанчалик тик тушса, у шунчалик юқори бўлади.

T ҳолда бюджетнинг даврий дефицити ва ортиқчалигининг катталиги T ҳолдагига қараганда катта, шу сабабли ички қурилган стабилизаторлар умумий талабнинг кўпайиши ёки камайишига янада қаттиқ таъсир этади.

Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг автоматик барқарорлиги даражасининг ошишига бюджет солиқ сиёсатининг бошқа узоқ муддатли мақсадлари - иқтисодий потенциални ўстириш ва ишлаб чиқариш омиллари чегарасини кенгайтириш ва рағбатлантиришни мустаҳкамлаш кабилар зид келади. Инвестицияга тадбиркорлик хатари ва меҳнатга бўлган манфаат солиққа тортиш ставкаларини пасайтириш йўли билан эришиш мумкин бўлган солиқ функцияси янада айрим чизиқдаги ҳолатига нисбатан кучлироқ бўлади. Бироқ бу пасайиш даврий бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги катталикларини қисқартиришга, демак иқтисодиётнинг ички қурилган

барқарорлик даражасининг пасайишига олиб келади. Фискал сиёсатнинг қисқа ёки узоқ муддатли самараларини танлаш ҳам саноати ривожланган давлатлар ҳамда ўтиш давридаги давлатлар учун мураккаб макроиқтисодий муаммо ҳисобланади.

Ички қурилган стабилизаторлар ЯММнинг потенциал даражаси атрофида тебранишп сабабларини бартараф этмайди. Даврий бюджет тақчиллиги ва профицити ҳақидаги маълумотлар асосида фискал сиёсат чоралари самарадорлигига баҳо бериш мумкин эмас, чунки даврий балансланштирилмаган бюджетнинг мавжудлиги иқтисодиёт ресурсларининг тўла бандлик ҳолатига яқинлаштирмайди, балки у маҳсулотнинг хоҳлаган даражасида ўрнатади. Шунинг учун одатда иқтисодиётнинг ички қурилган стабилизаторлари, ҳукуматнинг ресурслари тўла бандлигини таъминлашга қаратилган дискрецион фискал сиёсат чоралари билан бирлашади. Натижада давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги (ортиқчалиги), яъни тўла бандлик шароитида бюджетнинг харажатлари ва даромадлари орасидаги фарқ вужудга келади. Кўшимча даврий тақчиллик бюджет тақчиллигининг ҳақиқий таркибий даражалари орасидаги фарқ сифатида баҳоланади.

Ресурсларнинг тўла бандлик даражасини, табиий ишсизлик даражасини ва маҳсулот ишлаб чиқариш потенциал ҳажмини аниқлаш четарасини ҳам саноати ривожланган ҳамда ўтиш давридаги давлатларда таркибий тақчиллик ҳисобини қийинлаштиради, вақолангки, мана шу макроиқтисодий индикаторлар асосида фискал сиёсатнинг узоқ муддатдаги самараси баҳоланади.

## 1.3.Бюджет ортиқчалиги ва тақчиллигига таъсир этиш йўллари

Бюджет ортиқчалигининг энг юқори барқарорлаштириш самараси унинг давлат қарзлари бўйича фоизларини тўлаш, ижтимоий трансфертларни ошириш ёки ушбу воситалар ҳисобига қандайдир бошқа давлат харажатларини молиялаштиришга тўсқинлик қиладиган омили билан боғлиқдир. Давлат бюджети ортиқчалиги кўпинча инфляцияни келтириб чиқарадиган ўсиш даврида рўй бериши сабабли ушбу воситаларнинг аҳолига тўланадиган ҳар қандай қисми унумли харажатлар ўсишининг ва талаб инфляциясининг кўтарилишини келтириб чиқаради. Аксинча, бюджет ортиқчалигининг «музлатилиши» умумий талабнинг ортиқча босимини чеклайди ва иқтисодиётда инфляцион портлашни ушлаб туради.

Бюджет камомадини барқарорлаштиришга таъсири даражаси унинг молиялаштириш усулига боғлиқ бўлади.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш усуллари:

1)Кредит пул эмиссияси;

2)Заёмларни чиқариш;

3)Давлат бюджетига солиқ тушумларини ошириш.

Камомадни молиялаштириш ҳолатида сеньораж - давлатнинг пул босиб чиқаришдан оладиган даромади келиб чиқади. Сеньоражнинг нормаларининг ўртача даражасини кўтарилишини келтириб чиқарувчи ҳол, яъни пул массаси ўсиш суръатининг реал ЯММ ўсиш суръатидан

ошиб кетишида рўй беради, натижада барча иқтисодий агентлар ўзига хос инфляцион солиқ тўлашади ва улар даромадларининг бир қисми ошган нархлар орқали давлат ҳисобига ўтказилади.

Инфляция даражасини оширишш шароитида Оливер Танзи самараси келиб чиқади, яъни солиқ тўловчиларнинг давлат бюджетига тўланадиган солиқ ажратмаларининг тўлаш муддатини чўзилишидир.

Инфляцион танглигнинг ошиши солиқ тўлашни кечиктиришга ундайди, бунга сабаб бундай чўзилишлар мобайнида пулларнинг қадрсизланиши рўй беради, натижада солиқ тўловчи бундан манфаатдор бўлади Оқибатда давлат бюджетиня камомади ва молиявий тизимларнинг умумий беқарорлиги ошиши мумкин.

·Давлат бюджети камомади нафақат монетизациялаш нақд пул эмиссияси натижасида тўлдириш мумкин, балки шахслардан, масалан, Марказий банк томонидан давлат ташкилотларига имтиёзли фоиз ставкалари ёки кечиктирилган шаклдаги кредитларни камайтириш билан ҳам эришиш мумкин. Кейинги ҳолда давлат товар ва хизматларни харид қилиб ўз вақтида пул тўламаслиги мумкин. Агар товар ва хизматлар хусусий сектордан сотиб олинаётган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқарувчилар олдиндан нархларни кўтариб қўйишади. Бунга сабаб юз бериши мумкин бўлган ўз вақтида тўламасликдан суғурталаш ҳисобланади. Бу инфляция ва нархларнинг умумий даражасини ўсишига туртки бўлади. Агар кечиктирилган тўловлар давлат секторидаги корхоналарга нисбатан тўланган бўлса, у ҳолда ушбу камомадлар бевосита молиялаштирилади ёки улар тўпланиб давлат бюджетининг умумий камомадини оширади. Шунинг учун кечиктирилган тўловлар фарқли ўлароқ расман давлат бюджет камомадини молиялаштиришнинг ноинфляцион усули ҳисобланаса ҳам, амалиётда ушбу бўлиниш жудаям шартли ҳисобланади. Агар давлат бюджети камомади давлат заёмларини чиқариш билан тўлдирилса, бозор фоиз ставкаси ошади. Бу эса хусусий сектордаги инвестицияни қисқаришига, соф экспортни пасайишига ва истеъмол харажатларини қисман камайишига олиб келади, натижада келиб чиқариш самараси вужудга келади, бу самара фискал сиёсатининг рағбатлантириш самарасини сезиларли даражада пасайтиради. Бюджет камомадини молиялаштириш кўпинча камомадни монетизациялашга антиинфляцион муқобили сифатида қаралади. Бироқ молиялаштиришнинг қарзли усули инфляция ўсиш хавфини бартараф этмайди. Агар давлат заёмлари, облигациялар аҳоли ва тижорат банклари ўртасида жойлаштирилса, у ҳолда инфляция кучланиши уларни бевосита марказий банкка жойлаштирилганидан кўра пастроқ бўлади.

Аммо Марказий банк ушбу облигацияларни иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридан сотиб олиб ва кенгайтириб шу асосда ўзининг инфляцияси босими ўсишига олиб келувчи фискал фаолиятини кенгайтириши мумкин. Давлат облигацияларини бюджетдан ташқари фондларни паст ставкаларда мажбурий жойлаштириш ҳолатида,

бюджет камомадини молиялаштириш, қўшимча солиққа тортиш механизмига айланади.

Давлат бюджетининг тушушини ошириш муаммоси бюджет дефицитини хусусий молиялаштириш четарасидан чиқиб кетади, чунки бунда солиққа тортиш базасини кенгайтириш ва ставкаларни пасайтиришга қаратилган узоқ муддатда комплекс солиқ ислоҳотларини базаси ҳал қилинади. Қисқа муддатда солиқ ставкаларини пасайтириш биринчидан иқтисодиётнинг ички барқарорлик даражасини пасайтиришга, иккинчидан ўзгармас пул таклифи сақланиб, уларга бўлган талаб ошишини жонланишини келтириб чиқарувчига пул бозорини акс таъсири шаклида чиқувчи фоиз ставкаларини ошиши шароитида нодавлат секторни сиқиб чиқариш самарасига, учинчидан солиққа тортиш ставкалари ва бюджетга тушувчи солиқ тушумлари бир вақтда пасайиши натижасида бюджет камомадининг Лоффер эгри чизигига хос қонуният асосида ошиши эҳтимолига олиб келади. Давлат бюджетини камомадини молиялаштиришнинг ҳеч бир усули бошқа усуллардан ортиқ бўлмайди, уларнинг ҳеч қайсиси тўла ноинфляцион эмасдир.

## 1.4.Пул - кредит сиёсати, мақсадлари ва воситалари

Пул сиёсатининг мақсадлари ва воситаларини қуйидаги тарзда гуруҳлаш мумкин:

Якуний мақсадлари:

а)иқтисодий ўсиш;

б)тўла бандлилик;

в)баҳо барқарорлиги;

г)тўлов балансининг қатъийлиги.

Оралиқ мақсадлари:

а)пул массаси;

б)фоиз ставкаси;

в)алмашув курси;

Воситалари:

а)кредитлаш, фоиз ставкаларини тўғри бошқариш;

б)зарурий захиралар меъёрини ўзгариши;

в)ҳисоб ставкаларининг ўзгариши;

г)очиқ бозор операциялари.

Бевосита (а) ва (б,в,г)билвосита воситалар орқали бошқариш бир-биридан фарқ қилади

Билвосита воситалар орқали бошқаришдан фойдаланиш самаралилиги пул бозорининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ўтиш иқтисодиётига, асосан бевосита ва билвосита воситаларни бирини иккинчисига сингдириш орқали фойдаланилади.

Якуний мақсад пул-кредит сиёсати, иқтисодий сиёсат йўналишида валюта, ташқи савдо сиёсатининг таркибий ва бошқа кўринишлари орқалиамалга оширилади Оралиқ истеъмол марказий банк фаолиятига бевосита боғлиқ ва бозор иқтисодиётида тўғри воситалар ёрдамида амал қилади.

Мамлакатларда банк тизимини шакллантириш жараёнида, бозор алоқаларига ўтишда, Марказий банк мустақиллиги даражасини кучайишида пул-кредит сиёсати ўтказилиши, пул ҳокимлигига интилиш сўнгги мақсадга эришишга олиб келади, шунда улар оралиқ воситанал катталигини аниқлаш ҳолатини назорат қилади.

Пул тизимини билвосита воситаларини тартибга солишни кўриб чиқамиз.

Зарурий захира - бу депозитлар миқдорининг бир қисми бўлиб, тижорат банклари уни Марказий банкда фоизсиз қўйилма кўринишида сақлашлари шарт. Зарурий захира меъёри депозитлар ҳажмининг фоизларида ўрнатилади. Замонавий шароитда зарурий захиралар қўйилмаларнинг суғурта вазифасинигина бажариб қолмай, Марказий банк вазифаларини назорат қилиш ва тартибга солишни амалга оширишп учун ҳам хизмат қилади.

Банклар ортиқча захираларни сақлаши ҳам мумкин (зарурий захираларнинг айрим ортиқча миқдори) масалан, кўзланган ликвидлиги манбаларига бўлган талабнинг ошиши ҳолатларида. Шунинг учун ортиқча захиралар фоиз ставкаси ошишида одатда пасаяди.

Марказий банк томонидан зарурий захира меъёрини юқори ўрнатилиши, тижорат банклари актив операциялари учун маблағини камроқ қисмидан фойдаланиши мумкин. Захира меъёри ошиши пул мультипликаторини камайтиради ва пул массасини зарурий захира меъёрларини ўзгартирилиши йўли билан Марказий банк таклифи динамикасига таъсир ўтказилади.

Амалиётда зарурий захира меъёри кам кўриб чиқилади, бу воситаларнинг таъсир кучи мультипликатор орқали аниқланади.

Ҳисоб ставкасининг ўзгариши пул-кредитни тартибга солишнинг бошқа бир воситаси бўлиб ҳисобланади. У Марказий банк тижорат банкларига кредит беради. Агар ҳисоб ставкаси ошса, банкнинг жалб қилиш ҳажми қисқаради, тижорат банкларининг ссуда бериш операциялари камаяди. Чунки юқори кредит олиш учун тижорат банклари ўзининг фоиз ставкаларини оширади. Кредитни сиқиш ва пул қадрини ошириш барча тизимларга таъсир қилади. Иқтисодиётда пул таклифи камаяди. Ҳисоб ставкасини камайиши эса аксинча йўналишда амал қилади.

Одатда ҳисоб ставкаси банклараро бозорнинг қуйи ставкаси бўлади. Марказий банкдан кредит олиш белгиланган маъмурий чегаралаш билан тўланадиган бўлиши мумкин. Жиддий қийинчиликларни бошидан ўтказаётган тижорат банклари учун, Марказий банк баъзан охирги кредитор бўлиб ҳисобланади. Фақат Марказий банк «ҳисоб ойнаси» да барча банкларга рухсат бермайди. Заём олувчининг молиявий операциялар, характери ёки ёрдам олишнинг сабаблари, Марказий банк фикрига мос келмаслиги мумкин.

Одатда қисқа муддатли ссудалар тижорат банклари захираларини тўлдириш учун таклиф этилади. Марказий банкнинг

ўрта ва узоқ муддатли ссудалари зарурий эҳтиёж ёки оғир молиявий вазиятдан чиқиш учун берилади.

Марказий банк ссудасининг банклараро кредитдан фарқи шундаки, у тижорат банкларининг захира ҳисобига тушади. Банк тизимининг захира миқдорини оширади, пул базасини кенгайтиради ва пул таклифини мультипликатив ўзгариш асосида ифодалайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, тижорат банкларининг Марказий банкдан оладиган кредити ҳажми улар маблағларининг кичик қисмини ташкил этади. Марказий банк ҳисоб ставкасининг ўзгариши учун унинг индикатор сиёсатини тезроқ қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда Марказий банк фоизи ва хусусий банклар ставкаси орасида аниқ боғлиқлик мавжуд. Масалан, Марказий банк ҳисоб ставкасини ошириши, унинг пул-кредит сиёсатини чегаралашидан далолат беради. Бунинг натижасида банклараро кредит бозоридаги ставкалар, кейин тижорат банкларининг бошқа секторларига тақдим этадиган ссуда ставкалари ошади. Бу ўзгаришларнинг барчаси тезда занжирсимон тарзда юзага келади.

Очиқ бозордаги операция - пул массасини назорат қилишнинг учинчи йўли. Бу усул қимматбаҳо қоғозлар бозори ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади ва фонд бозорини шакллантириш жараёнида турган мамлакатларда кийин кечади. Пулни тартибга солишнинг бу воситасида Марказий банк давлат облигациясини олди-сотдисини таклиф қилади. Баъзан бу қисқа муддатли давлат облигацияси бўлади.

Марказий банк тижорат банклари қимматбаҳо қоғозларини сотиб олганда у бу банкнинг захира ҳисобига ўтказади, мос равишда «банк тизими»га қадри оширилган пуллар келиб тушади ва пул массаси кенгайишини мультипликатив жараёни бошланади.

Кенгайиш кўлами пул массаси ўсишининг нақд ва депозитларга бўлинишини пропорциясига боғлиқ. Қанча кўп маблағ нақд бўлса, пул экспансия кўлами шунча кам. Агар Марказий банк қимматбаҳо қоғозларини сотса, бу жараён тескари йўналишда юз беради.

Шу йўл билан, очиқ бозор операцияси орқали пул базасига таъсир этиш, Марказий банк пул массаси ҳажмини назорат қилади. Баъзан Марказий банкнинг қайта сотиб олиш битими шакли кула... операция бўлиб амал қилади. Банк бу ҳолатда, масалан, бир оз муддатдан сўнг белгиланган нархда сотиб олиш шарти билан қимматбаҳо қоғозларни сотади.

Кўрсатилган жараёнлар, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш орасидаги фарқ ҳисобланади. Қайта сотиб олиш битими тижорат банклари ва фирмалари фаолиятида кенг тарқалган.

Кўриб ўтилган воситалар ёрдамида Марказий банк пул кредит сиёсати мақсадларини амалга оширади. Пул массаси ёки фоиз ставкаси маълум даражада ушлаб турилади. Пул сиёсати вариантлари пул бозори графигида турлича тасвирланади. Пул массасини ушлаб туришни қаттиқ сиёсати пул массаси мақсадли кўрсаткичлари даражасидаги пул

таклифи вертикал эгри чизиққа мос тушади. Юмшоқ монетар сиёсат фоиз ставкаси натижавий даражасидаги пул таклифи эгри чизиқ билан ифодаланган бўлиши мумкин. Оралиқ вариант пул таклифи эгилган эгри чизиқ билан мос тушади.

Пул таклифи сиёсати вариантларини танлаш пул талаби ўзгаришининг кўпгина сабабларига боғлиқ. Масалан, агар талаб ўсиши инфляция жараёни билан боғланган бўлса, пул массасини ушлаб туриш қаттиқ сиёсатини қўллаш жоиз бўлади, пул таклифи вертикал ёки тик эгри чизиққа мос тушади.

Агар пул муомаласи тезлиги кутилмаган ўзгаришлар динамикасини ҳимоя қилиши лозим бўлса, инвестиция активлиги билан бевосита боғлиқ бўлган, фоиз ставкасини ушлаб туриш сиёсатини қўллаш самаралироқдир. Ls эгри чизиги тушиш бурчагига бойликликда пулга бўлган талаб асосан пул массаси (1) ёки фоиз ставкасида акс этади.

Кўриниб турибдики, Марказий банк бир вақтнинг ўзида пул массаси ва фоиз ставкасини белгилаб туриш ҳолатида эмас.

Масалан: белгиланган ставкани нисбатан ушлаб туриш пулга бўлган талаб ошиши натижасида фоиз ставкасига бўлган босимни юқорига кўтариш учун Банк пул таклифини кенгайтиришга мажбур.

### 1.5. Пул- кредит сиёсатига ўтиш механизми ва унинг бюджет, солиқ ҳамда валюта сиёсати билан алоқадорлиги

Монетар сиёсат ўзида мураккаб ўтиш механизмини мужассамлаштиради. Унинг барча бўлимларидаги ишнинг сифати сиёсат мақсадларининг фойдалилигига боғлиқ.

Пул - кредит сиёсатига ўтиш механизмини 4та бўлимга ажратиш мумкин:

1. Марказий банк сиёсати билан мутаносибликда ўтказилиши натижасида ҳақиқий пул таклифи (MP) в ҳажмининг ўзгариши;

2. Пул бозорида фоиз ставкасининг ўзгариши;

3. Жами харажатлар фоиз ставкаси динамикаси билан реакцияга кириши;

4. Ялпи талаб ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши.

Фоизнинг бозор ставкаси ўзгариши иқтисодий агентлардаги активлар портфели таркиби ўзгариши оқибатида юз беради. Бу эса ўз навбатида Марказий банкнинг кенгайтирилган пул сиёсати натижасида уларнинг қўлида керагидан кўпроқ пул йиғилиб қолиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Ҳаммага маълум бу ҳол бошқа кўринишдаги активлар сотиб олиш, кредитнинг арзонлашуви ва айниқса фоиз ставкасининг тушишига олиб келади.

Бироқ пул бозорининг реакцияси пулга бўлган талаб характерига, яъни LO эгрисини тиклашга боғлиқдир. Агарда пулга бўлган талаб ставкаси ўзгаришига етарлича сезгир бўлса, унда пул массасининг кўпайишига фоиз ставкасининг унчалик катта бўлмаган ўзгариши сабаб бўлади ва аксинча. Агар пулга бўлган талаб фоиз ставкаси

ўзгаришига мос равишда сезгир бўлса, унда пул таклифининг ошиши фоиз ставкасининг анчагина тушишига олиб келади (2а, 2б, 2в чизмалар).




Кейинги босқич якуний талабни фоиз ставкаси ўзгариши билан боғлиқ равишда тузатиш ҳисобланади. Кўпинча фоиз ставкаси динамикасига бошқа омиллардан кўра инвестицион харажатлар кўпроқ таъсир этади (шуning билан бирга истеъмол реакцияси, давлат бошқарувининг махаллий органлари харажатлари ҳақида ҳам гапириш мумкин, аммо улар унчали аҳамиятга эга эмас).

Агар пул бозорида фоиз ставкаларини бирмунча ўзгаришга учради деб фараз қилинса, ундан кейин инвестиция талабининг фоиз ставкасига нисбатан сезгирлиги ҳақидаги масала кўтарилади. Бу масалага, бошқа ҳолатлар ўзгармаганда, якуний даромаднинг мультипликатив кенгайиш миқдорига боғлиқ бўлади.

Шунинг билан бирга якуний таклифнинг якуний талаб ўзгаришига реакцияси даражасини инобатга олиш зарурлигини таъкидламоқчимиз. Бу эса AS эгри чизиғининг қиялигига боғлиқ.

Узатиш механизмининг ҳар қандай бўғиндаги камчилиги пул сиёсати натижаларига салбий таъсир этишини ҳаммага аёндир. Масалан, пул бозоридаги фоиз ставкасидан унчалик катта бўлмаган ўзгариши ёки талабни ташкил этувчиларнинг фоиз ставкаси динамикасига реакциянинг йўқлиги пул массаси ўзгаришлари ва маҳсулот чиқариш ҳажми орасидаги боғлиқликни йўқотади. Пул сиёсати узатиш механизмидаги бу камчиликлар иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларга хосдир. Иқтисодий агентларнинг фаоллиги пул бозоридаги фоиз ставкаси эмас, балки умумий иқтисодий ҳолат ва сармояларнинг ҳаракатига боғлиқдир.

Узатиш механизми ишининг сифатидан ташқари пул сиёсатини амалга оширишда бошқа қийинчиликлар мавжуд. Марказий банк томонидан мақсадли параметрлардан бирини қўллаб - қувватлаш мисол учун, фоиз ставкасини пул бозорида ўзгаришлар содир бўлганда бошқа параметрларни ўзгартиришни талаб этади, бу эса доимо ҳам иқтисодиётнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир этмайди. Бу ҳолат қуйидагича тушунтирилиши мумкин: Марказий банк инвестицияларни барқарорлаштириш мақсадида фоиз ставкаларини маълум даражада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини ушлаб туради. Аммо

қандайдир сабаблар билан иқтисодиётда ўсиш содир бўлса ва ЯММ ошса, ўз навбатида пулга трансакцион талабнинг ошишига олиб келади.

Ўзгармас пул таклифи шароитида фоиз ставкаси ошиб боради, демак, уни олдинги даражада ушлаб туриш учун Марказий банк пул таклифини ошириши лозим.

Бу эса ўз навбатида ЯММ ўсишини рағбатлантириши ҳамда шунинг билан бирга инфляцияни келтириб чиқариши мумкин.

Пулга бўлган талабнинг тушиши ва қисқариши кузатилганда Марказий банк фоиз ставкалари тушишининг олдини олиш учун пул таклифини камайтириши лозим. Бироқ бу якуний талабнинг тушишига олиб келиб, иқтисодиётдаги тушкунликни кучайтиради холос. Пул-кредит сиёсатини юритишда яна билвосита таъсирларни ҳам инобатга олган маъкул. Масалан, Марказий банк таклифини ошириш керак деб ҳисобласа, у қимматли қоғозлар бозорида облигацияларни сотиб олиш билан пул базасини кенгайтириши мумкин. Аммо пул таклифининг ошиши билан бир пайтда фоиз ставкаларининг пасайиши бошланади. Бу CR ва RR коэффициентлари миқдорида ўз аксини топиши мумкин. Аҳоли депозитлардаги бир қисм маблағларини нақд пулга айлантириш мумкин, CD = CR нисбати ошади, банклар ўзларининг ортиқча захирасини ошириши мумкин, бунда RD=RR нисбати ошади. Натижада пуллик мультипликатор камаяди, бу пул массаси кенгайишига бўлган бошланғич тенденцияни қисман сусайтириши мумкин.

Пул-кредит сиёсати анчагина катта ташқи лагга эга, чунки бу сиёсатнинг ЯММ миқдорида таъсири иқтисодиётдаги инвестиция фаоллигининг ўзгаришига боғлиқ бўлган фоиз ставкаси орқали амалга ошади ва бу узоқ жараёндир. Бу ҳолат ўз навбатида пул-кредит сиёсатини ўтказишни қийинлаштиради, чунки натижанинг кечикканлиги мавжуд ҳолатни ёмонлаштириши ҳам мумкин. Буни қуйидаги мисол билан тушунтирса бўлади. Маҳсулот ҳажми тушиши олдини олиш учун пул массасини антициклик кенгайтирилиши иқтисодиёт ўсганда натижа беради ва нохуш инфляция жараёнига олиб келади.

Пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги Марказий банк сиёсатига ишонч даражаси ҳамда унинг ижроия ҳокимиятидан қанчалик мустақил эканлиги билан белгиланади. Иккинчисини аниқ баҳолаш мумкин бўлиб, айрим расмий мезонлар ва ноқонуний вазиятларда Марказий банк ҳақиқий мустақиллигини намоён этади.

Ривожланган мамлакатларда ҳамда ўтиш иқтисодида бўлган давлатларда кейинги қонун кам кўриб чиқилади. Марказий банк қанчалик мустақил бўлса, бюджет дефицити ва инфляция шунча паст бўлади.

Пул кредит сиёсати бюджет - солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсат билан боғлиқ. Агар Марказий банк алмаштириш курсини ҳимоялашни ушлаб туришни мақсад қилиб қўйса, амалиётда ички пул сиёсатини юритиш мумкин бўлмайди, валюта резервлари ошиши ёки

NA...
...20717|1 -AT
...

қисқаришига ўхшаб алмаштириш курсининг автоматик ушлаб турилиши иқтисодиётда пул массаси ўзгаришига олиб келади.

**Таянч иборалар:**

Макроиқтисодиёт назарияси. Макроиқтисодий сиёсат. Фискал сиёсат. Монетар сиёсат. Ташқи иқтисодий сиёсат. Дискрецион сиёсат. Нодискрецион сиёсат стабилизаторлари. Бюджет камомади. Бюджет ортиқчалиги. Пул миқдори назарияси. Пул массаси. Монетар сиёсат механизми.

**Саволлар:**

1. Макроиқтисодиётнинг асосий мақсадлари нимадан иборат?
2. Фискал сиёсатнинг асосий воситалари?
3. Монетар сиёсатнинг механизми?

**Адабиётлар:**


1. Агапова Т. А., Серёгина С.Ф., Макроэкономика, 6,7,8, боб, -М., 2001.
2. Грегори Менкью Н. Макроэкономика. -М.Ж.: МГУ Ломоносов, 1996.
3. Макконел К., Брю С, Экономикс, -М., 1993.

## 2-боб. Макроиқтисодий сиёсатни олиб бориш муаммолари

### 2.1.Классик ва кейнсчилар моделида фискал ва монетар сиёсат

Макроиқтисодий сиёсатни аниқлашда классиклар ва кейнсчилар ёндашуви ҳар хил. Булар асосан нобарқарор жами талаб, жами талабни аниқлаш омиллари, ишсизлик ва инфляция омиллари, фискал ва монетар сиёсатлар воситалари ва шунингдек бошқа иқтисодий вазиятларда намоён бўлади.

Умуман олганда, фискал (бюджет-солиқ) ва монетар (пул) концепциялар давлатнинг жами талабга таъсир кўрсатиши орқали макроиқтисодий вазиятга ўз таъсирини шартлигидан келиб чиқади. Ушбу мулоҳазага ёндошадиган бўлсак, макроиқтисодий вазиятнинг асоси талаб ҳисобланар экан. Демак, талаб бўлса, таклиф ҳам бўлади.

Аммо, талабни тартибга солишда ёндашувлар турличадир.

Кейнсчиларнинг умумий услубий ёндашувлари асосан ички нобарқарор иқтисодиётни тартибга солиб туришга қаратилган фаол макроиқтисодий сиёсат, асосан муҳим меҳнат бозори йўқлиги, иш ҳақининг қаттиқлиги (турғунлиги), нархларнинг эгилувчан эмаслиги (пасайишига қараб)га боғлиқ. Классик моделда эса макроиқтисодий сиёсат пассивдир. Чунки уларнинг назарияси бўйича иқтисодиёт ички томонидан барқарор ва автоматик равишда узоқ муддатли мувозанатни сақлаб туради. Ўзини-ўзи тартибга солишнинг воситалари бўлиб, эгилувчан иш ҳақи нархи ва фоиз ставкалари ҳисобланади. Давлатнинг аралашуви иқтисодий нобарқарорликни кучайтиради, шунинг учун давлат аралашувини минималлаштириш зарур. Кейнсчилар моделида асосий эътибор жами харажатлар тенгламасига қаратилган:

$$Y=C+I+G+Xn$$

Давлат ушбу компонентларнинг бирортасига таъсир кўрсатиш орқали жами талабни оширишни ёки ушлаб туришни мумкин.

Классик моделда эса асосий эътибор алмашиш тенгламасига қаратилади:

$MV=PY$

MV- харидорларнинг жами харажатлари.

PY- сотувчиларнинг умумий даромадлари.

Кейнсчилар моделида фискал сиёсат макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги энг асосий восита сифатида қаралади. Чунки, харажатлар жами талаб миқдорига, истеъмол харажатларига, солиқлар эса истеъмол ва жамғармага бевосита таъсир кўрсатади.

Кейнсчилар ишлаб чиқаришда иқтисодий камайиш рўй берган шароитда қуйидагиларни таклиф қилишади:

а) етишмаган талабни қоплаш (бюджет камомади ва инфляциядан қўрқмаган ҳолда) товар ва хизматларнинг давлат харидини ошириш;

б) инвестицияни рағбатлантириш мақсадида шахсий даромадлар ва фойдага солинадиган солиқ ставкаларини камайтириш;

в) давлат янги иш жойларини ташкил қилиши;

г) инвестицияларни кенгайтириш ва арзон кредитлар олиш мақсадида банк фоиз меъёрларига таъсир кўрсатиши керак.

Иқтисодий ўсиш шароитида эса кейнсчилар қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб билишади.

- товар ва хизматларга бўлган жами талабни қисқартириш мақсадида давлат харажатлари ва инвестиция ҳажмини камайтириш;

- истеъмол ва инвестиция харажатлари мақсадида солиқ ставкаларини ошириш:

кредитларнинг қимматлашуви учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак.

Классиклар моделида фискал сиёсат монетар сиёсатга нисбатан иккинчи даражали деб ҳисобланади. Чунки уларнинг фикрича, фискал сиёсат инфляция даражаси ошишига олиб келади. Фискал сиёсатни ўтказишда ҳам камчиликларга йўл қўйилади. Улар орасида кўпчилик ҳолларда учраб турадиганлари қуйидагилардан иборат:

1) давлат харажатларини ошириш ёки солиқни камайтириш борасида олиб борилаётган тадбирлар давлат бюджет камомадлари ошиши ва натижада инфляция даражасининг ўсишига олиб келади;

2) давлат инфляцияси хусусий секторни сиқиб чиқаради;

3) солиқларни ошириш ёки ижтимоий дастурларни олиб ташлаш ноқулай ижтимоий оқибатлар натижасида келиб чиқади, давлат керак вақтда чора-тадбирларни қабул қила олмайди;

4) у ёки бу давлат дастурларини тасдиқлаш маълум бир гуруҳлар манфаатига хизмат қилади;

5) бошқа тадбирлар каби фискал тадбирларни ҳам керак вақтда қабул қилиш керак. Аммо амалиётда у ёки бу тадбирни қабул қилиш учун анча вақт ўтиб кетади.

Кейнсчилар моделида монетар сиёсат фискал сиёсатга нисбатан иккинчи даражали деб қаралади. Чунки пул - кредит сиёсати жуда қийин механизмдан иборат. Пул массасини ўзгартириш инвестиция харажатларини (фоиз ставкаси динамикасига таъсир қилиш орқали) ўзгартириш орқали ЯММ миқдорининг ўзгаришига олиб келади.

Классиклар моделида пул таклифининг ўзгариши жами талаб ва у орқали номинал ЯММ га бевосита таъсир кўрсатади.

70-йилларда инфляцияни тўхтатишнинг иложи бўлмай қолган шароитда кейнсчиларга қарши классиклар очиқ курашга чиқишди. Бозор механизмига давлатнинг аралашуви инфляциянинг ошиши ва иқтисодий ўсиш камайишининг асосий сабабчиси деб кўрсатилди. Уларнинг бошида Чикаго мактаби вакиллари турар эди. М. Фридман уларнинг асосий лидери бўлган. Уларнинг асосий ғояси-фақат пул аҳамиятга эга, барча иқтисодий вазиятлар мамлакатдаги пул массаси миқдорига боғлиқ. Уларнинг асосий назариясига кўра Марказий банк оддий қоидага кўра доимий равишда мамлакатдаги пул массасининг ўсиш даражасини қўллаб туриши керак. Пул массасининг доимий

равишда ўсиш даражасини сақлаб туриш қоидаси пул ҳажмининг ўсиш даражасини доимий сақлаб туриш зарурлигидан келиб чиқади. Бу ўсиш даражаси ўз навбатида катта миқдордаги инфляциядан кутилиши учун (2.5 дан 8% гача) бўлиши керак. Аммо бу паст ҳам бўлмаслиги керак, акс ҳолда ишлаб чиқаришда камайиш, пасайиш пайдо бўлади.

Монетаристлар фикрича жами талабни тартибга солиш муомаладаги пул миқдорига таъсир қилиш орқали олиб борилади.

Муомаладаги пул миқдори = ЯММ қиймати бир пул бирлигининг айланиши тезлиги

ЯММ қиймати = пул миқдори (M) x пул бирлигининг айланиши тезлиги (V)

Монетар сиёсатчиларнинг назарияси асосан пулга бўлган талабнинг барқарорлиги ва пул айланишининг тезлиги доимийлигига асосланади. Нисбатан пул массасининг муносабати ҳеч бир вақтда доимий бўлмаган деб ҳисобланади. Пол Хейне муомалада пул айланиши тезлиги ҳам тез ўзгариши мумкин, айниқса инфляция шароитида, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам бу гояни ҳамма бир хил қабул қила олмайди.

## 2.2. Иқтисодий сиёсатларни қабул қилиш ва олиб бориш жараёнларидаги вақтинчалик ҳолатлар

Иқтисодий барқарорликни амалга оширишда кўпгина амалий қийинчиликлар мавжуд, уларга биз қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1)иқтисодий вазиятлардаги вақтинчалик узилишлар:
2)иқтисодий маълумотларнинг такомиллашмаганлиги;
3)иқтисодий кутишларнинг ўзгарувчанлиги;
4)тарихий аналогларнинг ўхшамаслиги.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш республика бошқарув ташкилотлари олдида турган энг асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Макроиқтисодий сиёсатни таҳлил қилиш республиканинг етакчи макроиқтисодчи олимлари Макроиқтисодиёт Вазирлиги ходимларининг кундалик мажбуриятлари таркибига киради. Бюджет - солиқ сиёсатининг ўзгариши ёки пул сиёсати ишлаб чиқишда қурилаётган чора - тадбирлар инфляция ва ишсизликка қандай таъсир кўрсатиши мумкин ва жами солиқ миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш зарурми деган саволлар пайдо бўлади.

Бюджет - солиқ ва пул - кредит сиёсатларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш мамлакат бошқарув ташкилотларининг доимий вазифаси бўлиб ҳисобланса ҳам, давлатнинг иқтисодиётни барқарорлаштиришга аралашуви унчалик узоқ тарихга эга эмас. 1946 йили макроиқтисодий вазиятнинг жавобгарлигини давлат тўлиқ ўзига олди ва бандлик тўғрисида қонун қабул қилди. Ушбу қонунда айтилишича,«Федерал

ҳукумат тўлиқ бандликни таъминлайдиган ва ишлаб чиқаришни қўллаб - қувватлашга йўналтирилган сиёсатларни доимий олиб бориши керак». Ушбу қонун қабул қилинаётган пайтда «Улуг депрессия» хотиралари сақланиб турган эди ва кўпгина иқтисодчилар иқтисодиётга давлат аралашуви инқирозни яна такрорлаши мумкин деб таъкидлаганди.

Иқтисодий инқироз даврида ишсизлик даражаси юқори, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси эса паст бўлади. Жами талаб ва жами таклиф модели, қандай қилиб шок ҳолати иқтисодий инқирозга олиб келиши, шунингдек унинг қандай қисми пул кредит ва бюджет сиёсатлари инқирозини олдини олади ва тугатишни ҳам кўрсатади.

Юқорида кўрсатилган вазиятларга айрим иқтисодчилар қўшилмайди. Уларнинг фикрича, давлат макроиқтисодий сиёсатни олиб бормаслиги керак. Агар давлат томонидан олиб бориладиган пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати иқтисодий инқирозни енгиллаштирса ва тугатса, қандай қилиб давлат иқтисодиётга аралашмаслиги мумкин. Бу саволга жавоб бериш учун ушбу танқидчилар томонидан олдинга сурилган айрим асосларига қараб чиқамиз:

1.Иқтисодий сиёсатни қабул қилиш ва ўтказиш жараёнидаги вақтинчалик узилиш. Яъни, пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати иқтисодий очиқликларга бирдан таъсир қилмай, балки бир оз узилишлар бўлади, иқтисодий барқарорликни ўрнатишни қийинлаштиради.

2.Барқарорлаштириш сиёсатидаги узилишларнинг икки тури мавжуд. Ички узилиш иқтисодий инқироз ва уни бартараф этиш учун кўрсатилган сиёсий чора-тадбирлар ўртасидаги узилишдир. Чунки иқтисодий инқироз бўлганлигини тан олиш ва уни бартараф этиш иқтисодий инқирозни бартараф этиш учун кўрилган у ёки бу чора - тадбирлар вақти билан уларнинг натижалар бера бошлагунча бўлган вақтлардан иборатдир.

Бюджет - солиқ сиёсати учун узоқ вақт ички узилиш давом этади. Чунки бюджет харажатлари ва солиқ миқдорини ўзгартиришга аввалом бор давлат президенти ва ҳукумат аъзоларидан рухсат олиш керак. Шунинг учун ҳам қабул қилиш даври анчагача чўзилиб кетади.

Пул-кредит сиёсати учун амалга ошириш механизми асосида фоиз ставкаларини ўзгартириш орқали инвестицияга таъсир қилиш мумкин. Аммо кўпгина корхоналар инвестицияларни олдиндан режалаштириб қўйишади. Шунинг учун ЯММ миқдорини пул-кредит сиёсати орқали ўзгартириш маълум бир вақт талаб қилади.

Барқарор сиёсатни юритиш амалиётда кўпгина иқтисодий вазиятларни олдиндан айтиш мумкин эмаслигидан , у янада қийинлашади. Бу қийинчиликларни макроиқтисодий башоратлаш моделларини такомиллаштириш ёрдамида қисман бартараф этиш мумкин.

Башоратлашнинг тиничларга асосланган. Ушбу индекс статистик маълумотлардан иборат, яъни акция курси, қурилишларга берилган лицензиялар сони, янги корхона ва жиҳозларга

буюртма ҳажми қиймати, пул таклифи ва бошқалар. Бу кўрсаткичларнинг ўзгариши- кўп ҳолларда иқтисодиётнинг ўзгаришига олиб келади ва шунинг учун уларнинг камайиши иқтисодий пасайишлардан дарак беради.

Башоратлашнинг яна бир усули иқтисодий моделларни қўллаш билан боғлиқ. Компьютерда тузиладиган ўта мураккаб моделлар билан давлат ташкилотлари, хусусий корхоналар ҳам шуғулланади. Моделлар йирик ва мураккаб тенгламалардан иборат. Уларнинг ҳар бирида иқтисодий ривожланишнинг баъзи бир томони акс эттирилади. Шунингдек, улар пул, бюджет-солиқ сиёсати, нархлар ва шунга ўхшаш бошқа омилларнинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Башоратларнинг қиймати моделларнинг сифати ва ўзгарувчи кўрсаткичларнинг тўғрилигига боғлиқлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Макроиқтисодиёт - янги фандир ва унинг ҳали кўпгина очилмаган қирралари мавжуд. Иқтисодчиларнинг билимлари етишмаслиги туфайли иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар оқибатини мутлоқ ишонч билан айта олмайдилар. Шунинг учун сиёсатчиларга маслаҳатлар бераётганда эҳтиёт бўлиш зарур.

Иқтисодчиларнинг билимлари кўпгина соҳаларда чегараланган бўлса ҳам, Лукас улар орасида кутиш натижаларининг юзага келиш муаммосига тўхталиб ўтади. Иқтисоалиб ўтади. Иқтисо аҳамиятга эгадир. Кутишнинг ўзи кўпгина омилларга, жумладан давлатнинг иқтисодий сиёсатига ҳам боғлиқ. Буни у ёки бу сифатини қабул қилишда албатта эътиборга олиш керак. Лукас: «сиёсий тадбирларни баҳолашдаги анъанавий усуллар кутиш натижаларини ташкил қилишда сиёсатчилар таъсирини етарлича қамраб олмайди» деб ҳисоблайди. Бу анъанавий усуллар танқиди «Лукас танқиди» деб ном олди.

Фаол ёки суст иқтисодий сиёсатни танлаш асосан тарихга бориб тақалади. Чунки тарих кўп нарса ва кўпгина вазиятларни фаолроқ очиб беришга ёрдам беради. Масалан, олдинлари олиб борилган бирорта фаол сиёсат иқтисодиётни инқироздан олиб чиққан бўлса, албатта фаол сиёсат олиб бориш керак. Аксинча, иқтисодиётда кузатилаётган салбий ўзгаришлар иқтисодий инқирозга эмас, балки олиб борилаётган сиёсатга боғлиқ бўлса, бу пассив сиёсат олиб боришга асосдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир сиёсатчининг барқарор сиёсат тўғрисидаги фикри у қандай тарихий рол ўйнаганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам макроиқтисодий сиёсатдаги тортишувлар кўп ҳолларда макроиқтисодий тарих тортишувига бориб тарқалади.

Аммо тарихга мурожаат қилиш ҳам барқарор сиёсатни олиб бориш вариантларини танлашдаги тортишувларни тўғри ҳал қила олмайди.

## 2.3.Иқтисодий сиёсатнинг олдиндан белгиланган қоидаларга амал қилиши ёки ҳаракатлар эркинлигига асосланиши

Иқтисодчилар ўртасида тортишувларга сабаб бўладиган иккинчи бир вазият олиб борилаётган иқтисодий сиёсат барқарорлигининг мақсадга мувофиқлигидир. Уни олиб бориш ёки ўтказиш у ёки бу иқтисодий вазиятларда қабул қилинадиган чора - тадбирларни олдиндан эълон қилиш ва кейинчалик эса ушбу эълон қилинган дастурга қатъий амал қилишга асосланган. Ҳаракат эркинлиги ҳар бир аниқ иқтисодий ҳолатларга мос тушадиган иқтисодий муаммоларни баҳолаш ва ушбу вазиятга мос келадиган сиёсатни танлаш имконини беради.

Бу муаммо фаол ёки пассив иқтисодий сиёсатнинг аҳамияти тўғрисидаги саволга ўхшаш эмас. Чунки фаол ёки пассив иқтисодий сиёсат аниқ бир курсга таяниши мумкин. Масалан, пассив сиёсатнинг барқарор йўналиши сиёсати бир йилда пул таклифи ўсиши даражасини уч фоиз миқдорида ушлаб туришни қўллаб-қувватлайди. Фаол сиёсатда барқарор йўналиш қуйидагича бўлиши мумкин:

Пул таклифининг ўсиш даражаси = 3% + ишсизлик даражаси-6%.

Бундай йўналиш ишсизлик даражасининг 6 фоиз%ли шароитда пул таклифининг 3%га ўсишини таъминлайди. Аммо ишсизлик 6 фоиздан ошганда ҳар бир фоиз ишсизлик даражаси пул таклифининг қўшимча бир фоизга ошишига олиб келади. Бу йўналишга асосан ҳукумат захира тизими иқтисодиёт инқирозга учраётган вақтда пул таклифини кўпайтириш орқали уни барқарорлаштиришга олиб келади.

Сиёсатчилар ва иқтисодий сиёсатни ташкил қилиш жараёнларига ишончсизлик.

Кўпгина иқтисодчилар иқтисодий сиёсат муаммоси - сиёсатчилар ихтиёрига қолдириш учун қийин соҳа деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрлар иқтисодий сиёсатни қабул қилишда катта аҳамиятга эгадир. Чунки кишилар кучли пул - кредит ва бюджет - солиқ сиёсатлари айрим гуруҳ сиёсатчилар ихтиёрида эканлигидан қўрқадилар.

Иқтисодий сиёсатда етарли билимларга эга бўлмаслик бир нечта сабаблар билан асосланади. Айрим иқтисодчилар ҳар хил гуруҳлар манфаатидан келиб чиқадиган иқтисодий сиёсат тартибсиз равишда ташкил қилинган бўлади деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, макроиқтисодиёт мураккаб фандир ва буни ҳар қанча кучли билимга эга бўлган сиёсатчи ҳам тўлиқ била олмайди. Бу ўз навбатида товламачи ва фирибгар сиёсатчиларга қўл келади. Ҳатто уларнинг айримлари иқтисодиётни бундай сиёсатчилардан қутқариб қолиш учун конституцияга айрим ўзгартиришлар киритиш орқали, масалан, балансланш, бюджетга ўзгартиришлар киритишлар йўли билан қонунчилар қўлини боғлаб қўйиш керак деб ҳисоблашади. Шунингдек, сиёсатчилар томонидан олиб борилаётган сиёсатларнинг мантиқсизлиги кўпгина ҳолларда ишончсизликка олиб келади. Айниқса, иқтисодий сиёсатларда барқарор йўналишларни танлашса, мантиқсизликка кўпроқ тўғри келади. Масалан, кўпгина сиёсатчилар ўз манфаатини амалга ошириш учун, ўйлаб қўйилган режалар ва қўлланиладиган чора тадбирлар тўғрисида кўплаб ваъдалар беришади. Аммо ўз мақсадларига

эришганларидан кейин эса, масалан, бизнесмен ва тадбиркорлар берилган ваъдаларга ишониб ишни бошлагандан кейин ўз ваъдаси устида ўйланиб қоладилар, бунга мисол қилиб давлат билан террорчилар ўртасидаги муносабатни келтириш мумкин, бундай ҳолатда гаровдагилар ҳаётини сақлаб қолиш учун террорчиларнинг талабини маълум миқдорда қондиришга ҳаракат қилинади.

## 2.4. Бюджет - солиқ ва пул-кредит сиёсатларини танлаш қоидаси

Макроиқтисодий сиёсат тўғрисидаги тортишувлар олиб борилаётган бирор-бир иқтисодий сиёсатнинг имкониятлари тўлиқ очиб берилган тақдирда ҳам тўхтамайди. Давлат захира тизими биронта йўналишни қўллаб-қувватлаганда ҳам у қандай кредит сиёсатини олиб борганда қўлланиладиган чора - тадбирларнинг уч хил йўналишига тўхталиб ўтамиз.

1. Монетаристлар фикрига кўра захира тизими пул таклифи ўсишини доимий равишда қўллаб туриши лозим. Чунки улар пул таклифида бўлаётган ўзгаришлар орқали бутун иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришларни кўришади ва шунинг учун пул массаси ўсиши қўллаб турилса, ишлаб чиқариш ҳажми ва инфляция каби кўрсаткичлар барқарорлашади деб ҳисоблашади.

2. Иқтисодчилар ўртасида кенг тарқалган иккинчи қоида бўлиб, ЯММ номинал ҳажми ўсиш даражасини маълум миқдорда қўллаб турадиган пул-кредит тадбирларини ташкил қилишни талаб қилишдан иборатдир. Бунга амал қилган ҳолда давлат захира тизими режалаштирилаётган иқтисодий ўсиш даражаларига олдиндан эълон қилиши керак. Агар ҳақиқий ўсиш даражаси режалаштирилган ўсиш даражасидан ошиб кетса, пул массаси ўсишини секинлаштириш орқали талабнинг кенгайишини ушлаб турилади, аксинча бўлса рағбатлантирувчи сиёсат олиб борилади. Монетаристлар бундай назарияларда муомаладаги пул тезлигининг ўзгаришига мослашган пул сиёсатини олиб бориш имконияти ва иқтисодиёт ҳамда нархлар барқарорлашувига йўл очади деб ҳисоблашади.

3. Иқтисодчилар томонидан пул-кредит сиёсати тадбирларини танлашдаги учинчи қоида ташкил қилинган ҳисобланади. Ушбу қоидага амал қилган ҳолда давлат захира тизими нархларнинг режа бўйича ўзгаришларини эълон қилиши шарт ва пул таклифини шундай тартибга солиш керакки, токи нархлар олдиндан эълон қилинган мақсадларга мос равишда ўзгарсин. Ушбу йўналишни қўлловчилар фикрича пул сиёсатининг энг асосий вазифаси бўлиб нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Шунга ҳам эътибор бериш керакки, юқоридаги санаб ўтилган йўналишларнинг барчаси номинал кўрсаткичларга асосланади.

У ёки бу йўлни танлашда бўлаётган тортишувлар асосан пул кредит сиёсатига тегишли бўлса, иқтисодчилар ва сиёсатчилар ўртасида бюджет - солиқ сиёсатини танлаш муаммоси ҳам музокараларга асос бўла олади. Бу жиҳатдан балансланган бюджетни танлаш қоидаси

кўпроқ эътиборга лойиқдир. Бунга асосан давлат харажатлари солиқ тушумлари миқдоридан ошмаслиги керак.

Олдинги саволларда кўриб ўтганимиздек, балансланган бюджетни таъминлаш учун айрим иқтисодчилар конституцияга маълум бир модда киритиш зарурлигини уқтиришган. Кўпгина иқтисодчилар эса бунга қарши, уларнинг фикрича, айрим ҳолларда бюджетни ижобий ёки салбий қолдиқларда сақлаб туришга кўпгина сабаблар мавжуд.

Биринчидан, бюджетнинг балансланштирилганлиги, иқтисодиётни барқарорлаштириш нуқтаи назаридан фойдали ҳам бўлиши мумкин. Чунки мажбурий балансланштириш солиқ - бюджет тўловлари каби автоматик барқарорлаштирувчи омиллар ҳаракатининг йўққа чиқариши мумкин. Иқтисодиётда иқтисодий пасайиш бошланган шароитда солиқ автоматик равишда ўсади. Шундай қилиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш бюджет камомади ҳисобига таъминланади. Аксинча балансланган бюджет бўлганда эса иқтисодий камайиш вақтинча солиқлар ошиши ва давлат харажатларини камайтиришни талаб қилган бўлар эди. Бу эса кейинчалик жами талабнинг камайишига олиб келган бўлар эди.

Иккинчидан, бюджетнинг ижобий ёки салбий қолдиқлари миқдоридан иқтисодий рағбатлантириш, солиқларнинг салбий таъсирини камайтиришда фойдаланиш мумкин. Солиқларнинг юқори ставкалари иқтисодий фаолликни йўқотади ва улар қанчалик юқори бўлса, у жамият учун шунчалик қимматга тушади. Солиқлар миқдорини йиллар бўйича ўзгартирмасдан барқарор ушлаб туриш камроқ йўқотишларга олиб келади. Бундай сиёсатни иқтисодчилар солиқларни текислаш деб аташади.

Учинчидан, бюджет камомадидан маълум миқдордаги солиқларни келажак авлод ихтиёрига юклашда фойдаланиш мумкин. Масалан, айрим иқтисодчилар «агар бугун озодлик учун уруш бўлаётган бўлса, унинг фойдасини келажак авлод олади ва шунинг учун бугунги харажатларда улар ҳам қатнашиши керак» деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги авлод уруш харажатларини бюджет камомади ҳисобига молиялаши мумкин. Натижада давлат уруш вақтидаги қарзларини келажак авлоддан солиқлар йиғиш орқали тўлаши мумкин.

Ушбу мулоҳазалар орқали улар бюджетга қарши туришади. Бюджет солиқ сиёсатларини ишлаб чиқишда иқтисодий вазиятлардан келиб чиқиб амалга ошириш зарур деб ҳисобланади.

**Таянч иборалар:**

Ички вақт оралиғи (лаг). Ташқи вақт оралиғи (лаг). Олдиндан кўрсатадиган индикаторлар индекси. «Лукас танқиди». Макроиқтисодиётнинг фаол ва суст сиёсати. Макроиқтисодиёт сиёсатининг қоидалари (қатъий курс). Макроиқтисодиёт сиёсатида эркин фаолият. Макроиқтисодий сиёсат. Сиёсий бизнес даври. Макроиқтисодий сиёсатга турли ўзгаришларни киритиш. Ҳукумат ва Марказий банк сиёсати.

**Саволлар:**

1.Макроиқтисодиётнинг асосан қандай турлари бўлади?
2.Барқарорлик сиёсатини олиб боришда қандай муаммолар туғилади?
3.Фаол ва суст сиёсатларнинг фарқи қандай?
4.Қатъий курс сиёсати нимадан иборат?
5.Эркин макроиқтисодий сиёсат тушунчаси қандай?
6.Макроиқтисодиётни тартибга солишда қандай қарама-қарши мақсадлар туғилади?
7.Фискал сиёсатни монетар сиёсат билан бирлаштиришда туғиладиган муаммолар?

**Адабиётлар:**

1. Агапова Т.А. Серёгина С. Ф. Макроэкономика. Гл.№12, -М.: МГУ Ломоносов, 2001.
2.Менкью Н.Г. Макроэкономика. Гл.№12, -М.: МГУ Ломоносов, 1996.
3.Макконел К., Брю С. Экономикс, Гл.№14,17, 18, 20, -М., 1993.

## 3-боб. Иқтисодий ўсиш мақсадидаги ташқи савдо сиёсати

### 3.1. Божхона тарифларининг ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва аҳолининг турмуш даражасига таъсири

Савдо сиёсати - давлат томонидан халқаро савдога солиқ, субсидия, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғри чеклаш сиёсатини олиб бориш орқали таъсир кўрсатиш ҳисобланади.

Мамлакат ташқи савдосини чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи-назардан олиб қарасак, эркин ташқи савдо сиёсати фойдалироқ бўлиб ҳисобланади. Ташқи иқтисодий савдони тартибга солишнинг энг асосий усулларидан бири бўлиб божхона божлари ва тарифлари ҳисобланади.

Тариф, яъни импортга божхона божи савдо сиёсатининг энг қадимий усулларидан бири бўлиб ҳисобланади ва доимий равишда нафақат давлат ғазнасини тўлдиришда, балки миллий ишлаб чиқарувчиларни импорт рақобатидан ҳимоя қилишда ҳам фойдаланилади. Тарифларни ўзгартириш орқали давлат импортни рағбатлантиради ва шу йўл билан ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Божхона божи- бу мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чиқилаётган маҳсулотга солинадиган мажбурий солиқдир. Халқаро амалиётда божхона божларининг турли хиллари қўлланилади ва уларни ҳисоблаш йўллари, ифодаланиши ҳамда ҳаракат соҳасига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

| Божхона божлари | | |
|---|---|---|
| Уларни ҳисоблаш йўлига кўра | Улардан фойдаланиш ва ҳаракат соҳасига кўра | |
| Савдо мақсадлари-мақсадлари қиймати фоиз ҳисобида олинади; ўзига хос мақсадлари оғирлиги . ҳажми ёки бирлигидан пул миқдори 0 олинади; аралаш - юқоридаги кўрсатилган 2та турлар мувофиқлаштирилади. | Белвосита таъсир кўрсатувчи: импорт божлари а) энг кам миқдорда б) , энг кўп миқдорда экспорт божлари. | Билвосита таъсир<br>-мавсумий<br>-махсус<br>-демпингга қарши<br>-компенсацион<br>-қайтариладиган |

Жадвалдан кўриниб турибдики, амалиётда қўлланиладиган божхона божлари турлича. Агар уларни ҳисоблаш бўйича гуруҳланишини кўрадиган бўлсак, маҳсулот нархига нисбатан фоизда белгиланадиган адвалер божлари жаҳонда кўпроқ тарқалган. Божхона

божларининг ифодаланиши ва фаолият соҳаси бўйича бирлаштирилган иккинчи гуруҳи аввало импорт божлари ва экспорт божларга ажралади.

Импорт божлари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Экспорт божлари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигини олдини олиш мақсадида белгиланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек божхона божлари ставкаси, яъни уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифларининг вазифаси аввалом бор импорт билан рақобатлашадиган миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилишдан иборат. Агарда тарифларни жорий қилиш орқали импорт чекланса, миллий ишлаб чиқариш сотилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва тарифни жорий қилиш орқали нархларнинг ошиши ҳисобига сотади. Миллий ишлаб чиқариш тарифини жорий қилиш орқали сотишни биз графикда ҳам кўришимиз мумкин. (3-чизма)




3-чизма. Тарифнинг ишлаб чиқарувчилар манфаатига таъсири

Тариф миллий ишлаб чиқаришни Pw дан Pw+t гача оширишга олиб келади. Миллий ишлаб чиқарувчилар бу ўсишни улар учун қулай бўлган вазиятгача, яни S1 дан S2 гача давом эттиради. Аннан S2 нуқтадан ишлаб чиқариш харажатлари бозор нархига Pw+t тенглашади.

Ундан юқориси миллий ишлаб чиқарувчилар учун фойдали ҳисобланмайди. Чунки ишлаб чиқариш харажатлари бозор нархидан ошиб кетади. Ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаси ялпи тушум билан харажатлар ўртасидаги фарққа тенг.

Миллий ишлаб чиқариш билан хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ички нархларни ҳам халқаро нархларга тенглаштириб қўяди. Тарифларнинг истеъмолчиларга, ишлаб чиқарувчиларга ва давлат хазинасига таъсирини умумлаштириб импорт қилаётган мамлакатга таъсирини аниқлаш мумкин. Жамият учун тарифларни жорий қилишдан келадиган соф йўқотишлар В+Д чегарасидан иборат. Д чегараси (кўпроқ тарифнинг истеъмол самараси деб аталади) импорт қилаётган мамлакат истеъмолчиларнинг ушбу товарларни истеъмол қилишни камайтириши натижасида йўқотишларини кўрсатади. В чегараси (тарифнинг ишлаб чиқариш

самараси) мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқаришнинг кўпайиб кетиши натижасида вужудга келади. Умуман божхона тарифлари амалда аҳоли турмуш даражасини камайтиради. Чунки, истеъмолчилар ишлаб чиқарувчилар ва давлат ютуқларига нисбатан кўпроқ йўқотадилар. Тарифлар истеъмолчиларнинг импорт қилинаётган маҳсулотларидаги даромадларини бошқа ижтимоий гуруҳлар манфаатига қайта тақсимлайди.

### 3.2.Импорт квоталари ва лицензияларини тақсимлаш услублари

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усулларига қараганда бевосита усулларидан кенгроқ фойдаланилади. Билвосита усуллар ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёрий-ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади. Лицензиялаш - бу ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ҳамда молия операцияларини ўтказиш, хорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш кабилар киради. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган, ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчиларга берилади. Бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган. Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солишга баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралашга ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишининг тўхташига ҳамда савдо балансини тенглаштиришга имкон беради.

Маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ва импортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга: Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек Марказий банк. Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан республика Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан ўз ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар молия-кредит муассаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарисида чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириши, хорижий молия кредит муассасасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари маҳсулотлар, ишчи кучи экспорти ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегараларини белгилайди. Квоталаш фақат маҳсулот оқимларини эмас, балки ишчи кучи оқимларини тартибга солишда ҳам қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

## 3.3. Савдони чеклашнинг турлари ва ҳукумат томонидан савдони чеклашнинг иқтисодий мақсадлари

Савдони чеклаш воситалари. Савдони чеклашларнинг асосий воситалари бўлиб тариф тўсиқлари (барьери) деб аталадиган божхона пошлинаси ҳисобланади. У чегарадан ўтказиладиган товарни соликқа тортишдан иборат, бу товарлар ўз навбатида экспорт каби импортга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.




4-чизма. Божхона пошлинасини импортга таъсир механизми (катта бўлмаган мамлакат учун).

Графикда «А» деб белгилаб олинган, яъни таҳлил қилинаётган мамлакатнинг талаб ва таклиф («S» таклиф, инглизча «supply») ва талаб, (инглизча «demand») чизиқлари кўсатилган. А мамлакат биз танлаган маҳсулотнинг халқаро баҳосига P t ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди, чунки у нисбатан «кичкина» мамлакат ҳисобланади (агар унинг қаралаётган маҳсулотга тааллуқли имкониятларини ҳисобга олса). Бунда эркин савдо шароитида АВ кесмага мос келувчи импорт юзага келади. Агар ҳукумат импортга маълум божхона пошлинасини солса, унда шу мамлакат ичидаги харидор учун баҳо Pt гача ўсади. Бундай баҳода мамлакатда ишлаб чиқарилган чиқим харажат нуқтаи назаридан ҳатто камроқ фойдали маҳсулотлар ҳам бозорда ушланиб туриши мумкин. Натижада мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг ҳажми сотилиши А миқдорига, яъни НЕ кесмагача кўпаяди. Бироқ, юқори баҳо туфайли харидорларнинг талаби GB миқдорга, яъни GF гача камаяди. Импорт АВ дан EF гача қисқаради. Давлатнинг божхона тўловлари (Pt-Pw) EF ни ташкил қилади. Лекин, божхона пошлинасининг солиниши умуман олганда бутун иқтисодиёт учун даромад келтирмайди. Миллий даромад фақат давлат ва бир томондан иқтисодиётнинг имтиёзли секторлари, бошқа томондан имтиёзли бўлмаган секторлар ўртасида қайта тақсимланади.

Агарда биз «йирик», яъни танланган товарнинг халқаро баҳоси таъсир кўрсата оладиган мамлакатни олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда халқаро баҳога, яъни импорт қилувчи мамлакатнинг харид қилиш баҳосига бўлган таъсирнинг қўшимча фойдали самараси юзага келарди. Бу самарани шундай тушунтириш мумкин: чет эллик сотувчилар баҳонинг кўтарилиши натижасида А мамлакатдаги мижозлардан ажраб

қолмаслик учун баҳони пасайтиришга интиладилар, яъни импортга солинадиган божхона пошлинасининг бир қисмини ўзларининг зиммасига оладилар.

Халқаро савдони эркинлаштиришнинг узоқ жараёни давомида кўпчилик саноати ривожланган мамлакатлар ўзларининг тариф чеклашларини пасайтирадилар. Айни вақтда у мамлакатлар ҳукуматлари тарифсиз чеклашлар деб аталадиган савдо чеклашларининг бошқа турини яратиш бўйича катта ихтирочилик қиладилар. Бундай турдаги энг муҳим чеклашларга тўхталамиз. Импорт квотаси (шунингдек "экспорт квотаси) ўзининг таъсири бўйича божхона пошлинасига жуда ўхшайди. Баҳонинг божхона тарифи ҳисобига P дан Pt гача кўтарилиши ўрнига, ҳукумат фақат EF миқдорида товар киритилишига йўл қўяди. Тарифсиз чеклашларнинг яна бир янги воситаси сифатида ўзини - ўзи чеклаш пайдо бўлади. Бу терминни асил мақсадга кўра қўштирноқ ичида ёзиш керак эди. Экспорт қилувчи мамлакат ўзини бундай чеклашга расмий равишда интилса ҳам, барибир, кўпчилик ҳолларда бундай чеклашлар гояси импорт қилувчи мамлакатдан чиқади. Ўзини - ўзи чеклашнинг моҳияти шундан иборатки, экспорт қилувчи мамлакат ҳукумати ўзининг экспорт қилувчи корхоналаридан савдо ҳамкорлари бозорига экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг маълум йиллик ҳажмидан (қиймати ёки миқдорида) олиб кетмасликни талаб қилган ҳолда уларга таъсир кўрсатади.

Яна бир савдо чеклаши бўлиб мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланиш лимитини белгилаш ҳисобланади. Бу чеклаш аллақачон ривожланаётган мамлакатлар томонидан ўйлаб чиқилган эди ва уларни кенг амалиётидан ўтган эди. Бугунги кунда бу ташқи савдо сиёсий ихтиросидан кўпгина саноати ривожланган мамлакатлар ҳам фойдаланадилар. Бу чеклашнинг таъсири шундан иборатки, импортга аввало маълум саноат товарларига рухсат бериладики, қачонки импорт қилинадиган товар ўз ичига мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг минимал ҳиссасини олса.

Ва ниҳоят, савдо чеклашлари ролини субсидиялар (субвенция, дотациялар) ўйнайди, уларни ҳукумат ўзининг импортчилари билан халқаро рақобатда бўлган корхоналарига тўлайди. Бундай турдаги дотациялар (сунъий равишда бўлса ҳам) мамлакат корхоналарининг рақобат бардошлигини оширади ва бунинг ҳисобига субвенциясиз пайдо бўладиган импортни қисқартиради.

Савдони чеклаш (лар)нинг мақсадлари.

Савдони чеклашларнинг воситаларини тушунтириш билан, биз бир неча марта уларнинг кўзлаган самараларини, яъни мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички бозорда сотилишини ошириш мақсадида бўлган мамлакат ишлаб чиқариши учун мусбат самарани эслатдик. Бу эса чеклаш тадбирларининг муҳим мақсади саналади. Юзаки қараганда бу мақсадга эришишга интилиш ўз-ўзидан ҳукуматнинг маълум мажбурияти ҳисобланади. Агар бу жиҳатга

мукаммалроқ тўхталсак, у ҳолда бу мақсад бундай ўз-ўзидан англанадиган бўлиб кўринмайди.

Бунга қатор сабаблар бор. Биринчидан, ихтисослаштириш имкониятлари тўла фойдаланилмайди. Савдо чеклашларида миллий даромад керак бўлган даражадан паст. Иккинчидан, шуни ҳисобга олиш керакки, А мамлакат импорти бошқа мамлакатнинг савдо экспорти ҳисобланадики ва айни вақтда унинг импорт имкониятларининг ўсишига ва бу билан А малакат экспорт имкониятларининг ошишига имкон яратади. Бунинг негизида шундай хулоса келиб чиқадики, савдо чеклашлари савдоси чекланган мамлакат экспорт имкониятларини бой берганлигини билдиради, у мамлакат бунинг эвазига охир оқибатда ўзига ўзи зарар етказади.

Учинчидан, мамлакат экспортининг бу мамлакат томонидан савдога киритилган чеклашлар эвазига пасайиши бошқа занжирлар орқали ҳам юз бериши мумкин. Агар импорт экспорт товарларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилса, у ҳолда импортга бўлган юқори баҳолар экспортга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Импорт товарларига бўлган юқори баҳолар ишлаб чиқариш омилининг реаллокациясини вужудга келтириши ва экспорт товарлари таклифини пасайтириши мумкин. Экспортга таъсир этувчи айирбошлаш курсини тебранишлари (ўзгаришлари) ҳам импортга бўлган юқори баҳолардан келиб чиқиши мумкин. Умуман олганда ташқи эркин савдо талабларини келтириб чиқарадиган бундай мулоҳазалар, одатда, кундалик иқтисодий-сиёсий ҳаётда охирги ўринга қолдирилади. Биринчи ўринга бошқа аргументлар чиқади. Бу аргументлар ёрдамида ҳукуматлар ўзларининг савдо сиёсати санкцияларини асослайдилар. Булар қандай аргументлар?

1.Муҳим аргументлардан бири сифатида миллий хавфсизлик юзага келади. У савдода чеклашлар ва халқаро рақобат шароитидаги имтиёзларга асосланади. Аввало бу қишлоқ хўжалиги, мудофаа ва асосий материалларни ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларига тегишлидир. Ўзининг принципиал шаклида бундай аргумент, ҳақиқатдан ҳам, мавжуддир. Лекин, бу хавфсизликка биринчисидан кўра арзонроқ, бошқа йул (савдони чекламасдан) билан эришиш мумкин эмасмикан, деган масала устида ўйлаш (ҳукумат ҳам ўйлаши) керак.

2. Савдо чеклашлари фойдасига бўлган бошқа аргументнинг моҳияти шундан иборатки, ривожланаётган саноат тармоқларини халқаро рақобатдан вақтинчалик сақлаш керак, масалан импортга бўлган божхона пошлинаси ҳисобидан. Ушбу аргументни 19-аср бошида таниқли немис иқтисодчиси Фридрих Лист «рағбатлантирадиган божхона пошлинаси» деб атади.

Бу стратегия мувофиқ мамлакатга импорт қилинадиган товарлар тизимли равишда мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан алмаштириб борилиши керак. Бу мақсадга юқори божхона божи ҳисобига эришилади. Бу маҳсулотларга бўлган юқори баҳолар туфайли бошқа секторлар истеъмолчиларига ва ишлаб чиқарувчиларга

етказилган зарар шу тадбирларнинг миллий стратегик мақсадлари, яъни индустрлаштириш билан оқланади. Бундан ташқари юқори баҳолар мамлакат саноати халқаро рақобатбардошликка эришгунга қадар бўлган вақтинчалик ҳодиса ҳисобланади.

Систематик миллий-иқтисодий изланишларнинг бой тажрибаси ва кўп сонли натижалари бундай импортни алмаштириш сиёсати самарадорлиги ҳақидаги саволга жавоб беришга имкон туғдиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фақат баъзи ҳолларда гина бу индустрлаштириш стратегияси кўзланган мақсадга олиб келади. Аслида 20 ёки 30 йил давомида фақат саноатнинг бир неча ҳимояланган тармоқларигина ва фақат саноқли мамлакатлардагина жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладилар. Кўпчилик ҳолларда божхона ҳимоясига яна қўшимча йирик дотациялар ҳам тўланади, бунда давлат бюджетининг имконияти деярли бўлмай қолади. Саноатнинг бу тармоқларида эришилиши ва мамлакатнинг бутун иқтисодиётига тарқалиши керак бўлган ўсишнинг кутилган самараси фақат секинлашган даража билан тавсифланади, баъзида эса салбий таъсирга эга бўлади.

Бундай қониқарсиз натижанинг сабаби нима? Биринчи навбатда иккита сабабни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, рақобатбардошликка фақат рақобат кураши ва таъсиридагина эришиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳақиқат инобатга олинмади, яъни, рақобат курашининг барча бозор иштирокчиларига кўсатадиган таъсирисиз рақобатбардошликка эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, аниқ бўлдики, божхона божи ставкасида ифода қилинган номинал божхона саноатнинг у ёки бу тармоғи фойдаланадиган самараси божхона ҳимояси ҳақида хеч нарса билдирмайди. Номинал божхона ставкаси билан бирга (А) тармоқ учун унинг самарали божхона ҳимояси (Z) мол етказувчи - тармоқлар номинал божхона ставкасига. А ва Z тармоқлар бир-бири билан қанчалик мустаҳкам боғланганлигига боғлиқ. Самарали ҳимоя формуласи:

$$EP = (VA - Va) / VA$$

EP - самарали ҳимоя

Va - қийматнинг божхона божи билан яратилиши.

VA - қийматнинг божхона божисиз яратилиши.

Божхона божисиз мамлакат ўз қийматини яратиш (VA), пировард маҳсулот (бирлиги) қиймати ва бунинг учун зарур бўлган импорт қиймати ўртасидаги фарқни англатади:

$$VA = (Pe - a\,P\,v)$$

Бунинг асосида бож киритиш билан қуйидаги формулага дуч келамиз:

$$EP = ((Pe\,(1 + te) - a\,P\,v\,(1 + te) - (Pe - aPv)) / (Pe - aPv)$$

Бунда P - баҳо; e - пировард маҳсулот; V - дастлабки маҳсулот (ярим фабрикат) ; «e» - бирликни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган «V» нинг улуши; t - божхона ставкаси. a, v- коэффициентлар.

3.Савдони чеклашларнинг кейинги аргументи иқтисодий характердан кўра кўпроқ сиёсий характерга эга. Унинг дастлабки жиҳати бўлиб ҳукуматларнинг давлатни ушлаб туришга ва ҳокимият жиловини бошқа гуруҳларга ёки партияларга бермасликка интилишлари ҳисобланади, шунинг учун ҳам ҳукуматлар жамиятнинг сиёсий жиҳатдан обрўли гуруҳларига (масалан, металчиларга, қишлоқ хўжалик ишчиларига, X тармоқ корхоналарига, Y - тармоқ касаба уюшмаларига ва камдан - кам қўллардагина истеъмолчиларга) қулай шароитлар яратадилар.

4.Пировардида зарурий шартлар мавжуд бўлганда иқтисодий ва миллий истиқболни ҳисобга олувчи муҳим аҳамият касб этадиган савдо чеклашлари фойдасига бўлган яна бир аргументни келтириш керак. Агар гап бозорда маълум маҳсулотга нисбатан (сотувчи ёки харидор сифатида) катта ҳиссага эга бўлган «катта» мамлакат ҳақида борса, у жаҳон (халқаро) баҳосига маълум чекланган тарзда таъсир кўрсата олади. Унда импортга бўлган божхона божи оферентларининг сотув баҳосини тушира олади, бу билан эса ушбу мамлакат учун (юқорида кўрсатилгани каби) харид баҳосини ҳам пасайтиради. Агар халқаро савдони бошқа товарларига бўлган баҳолар ўзгаришсиз қолса, у ҳолда «tearms of Trade», яъни бу мамлакат учун экспорт ва импорт баҳолари нисбати яхшиланади.

## 3.4.Алмашинув курсини ташқи савдога таъсири

### Алмашинув курсı ва инфляция

Миллий валютанинг чет эл валютасига алмаштирилиши мумкин бўлган курси алмаштириш курси дейилади. Мисол тариқасида Ўзбекистон пул бирлиги бўлмиш «сўм»ни ва Америка долларини (қисқача $) оламиз. Бундай ҳолда сўм ва доллар ўртасидаги алмаштириш курси сўмларда ифодаланган доллар қийматини долларда ифодаланган сўм қийматини билдиради. Алмаштириш курси экспорт товарнинг миллий оферентлари учун ва импорт товарларининг миллий харидорлари учун муҳим ҳисоблашиш катталиги бўлиб хизмат қилади, чунки иш ҳақини, солиқларни, фоизларни ва мол етказувчилар ҳисобини тўлаш учун миллий экспортёрлар чет эл импортерларидан доллар оладилар, уларга эса сўм керак. Олинган долларни улар сўмларга алмаштиришлари керак, бунда уларга ўзларининг долларларини қанча сўм(лар)га олиши жуда муҳим. Миллий импортёрларга ўз мамлакатида сўм(лар)ни доллар(лар)га алмаштириш орқали сотиб оладиган ва чет эл товарларига тўлашлари учун доллар керак бўлади, улар учун керакли миқдордаги долларни сотиб олиш учун қанча сўм кераклиги жуда муҳим ҳисобланади.

Юқорида қўйилган саволни қуйидагича шакллантирамиз. Миллий валюта қадрсизланганда (а) мамлакат импортининг қиймати қандай ўзгаради? б) бўлимда биз саволни инфляция шароитларида ўзгаришини қараб чиқамиз ва бу боғланишда реал айирбошлаш (алмаштириш) курси концепциясида тўхталамиз.

а)Девальвациянинг экспортга ва импортга таъсири.

Миллий экспортёрлар ва импортёрлар алмаштириш курсининг ўзгаришига қандай қарайдилар? Аввало, назарда тутилаётган мамлакат экспорти бозорини кўриб чиқамиз, (4-чизма) Уларда мос равишда АҚШ доллари (5-чизма) ёки сўм (6-чизма).




Мамлакат импорти АҚШ $
5-чизма




Мамлакат экспорти АҚШ $
6-чизма

Мамлакат бозори билан солиштирганда чет эл талаби шунчалик юқорики, мамлакат таклифи баҳосининг ўзгариши сотилган миқдорга сезилмайди. Чет эл талаби баҳога нисбатан «эластик» ҳисобланади, шунинг учун хорижий талаб миқдор ўқига паралел тасвирланган. Унга қарши экспорт товарларининг ўз мамлакати ичида таклифи чизиги ўсди, чунки ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан богланган. (аниқроқ айтганда: энг кам харажатларининг ўсиши билан) 5-чизма S оферт чизиқларига асос қилиб маълум алмаштириш курси олинган, масалан, 1$ = сўм. Ҳукумат (марказий банк билан биргаликда) сўмни 50% га девальвация қилиш ҳақида қарор қилади. Бу хорижий импортёрлар ва мамлакат экспортёрлари учун нимани англатади? Хорижий импортёрларнинг талаб чизиқи (Д) доллар диаграммасида ўзгармайди, чунки улар ўзларининг ҳисоб-китобларини доллар (лар)да олиб борадилар ва уларга сўм (лар) да қанча сумма олишнинг фарқи йўқ. Мамлакат экспортёрлари учун бошқача ҳол рўй беради. Уларга, биринчи навбатда сўм керак, ҳар бир ишлаган доллар учун улар энди олдингига нисбатан 50% кўп сўм олади. Агар бу вақт ичида уларнинг харажатлари (сўмдаги) ўзгаришсиз қолган бўлса, улар долларда ифодаланган анча паст баҳода товарларни сотиши мумкин. Диаграммада баҳо янги алмаштириш курсига мос келувчи таклиф чизиги ҳолатида жойлашади, вертикал бўйича масофа (оралиқ) алмаштириш курсининг ўзгариши мос келади. Муҳими берилган ҳолда талаб ва таклиф чизиқлари кесишган (В) нуқтада кўрсатилганидек, долларда ифодаланган баҳо ўзгармайди Сотишнинг кўпайиши рўй беради, чунки экспортнинг доллардаги қиймати девальвация ҳисобига ўсади.

Энди сўм(лар) да ифодаланган диаграммага қараймиз. Мамлакат экспортининг оферт чизиги алмаштириш курси таъсири остида жойлашмайди, чунки экспортёрларга ўзларининг харажатларини

қоплаши учун сўм керак, уларга мос келадиган долларда ифодаланган сумма иккинчи даражали ролни ўйнайди. Ҳисоб-китобларини долларда олиб борувчи чет эл импортерлари учун бошқа ҳол рўй беради. Уларнинг мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулоти учун долларда маълум баҳони тўлашга тайёр туриши сўм (лар) диаграммасида шуни билдирадики, улар сўмни девальвациясидан сўнг худди шундай маҳсулот миқдори учун сўмда ифодаланган анча юқори баҳо тўлаши мумкин (50% дан юқори). Девальвациядан кейин уларнинг талаб чизиги аввалги ҳолатидан юқорида жойлашади. Бу ерда ҳам экспортнинг миқдорий кўпайиши ва сўмларда ифодаланган баҳоларнинг кўтарилиши рўй беради, шундай қилиб, экспортнинг сўмдаги қиймати девальвация туфайли ўсади.

Ушбу таърифимиздан (график тарзида акс эттирилган ўзгаришларда) келиб чиқадики, девальвация ўзининг фонига мос равишда экспортнинг доллар қийматини кўтариши ва импортнинг доллар қийматини тушириши мумкин. Умуман олганда, импортнинг дастлабки ортиши (импортнинг доллар қиймати экспортникидан юқори) кучли девальвация туфайли экспорт ортиқчасига айланиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қандай ҳолда ҳам товар савдоси баланси яхшиланади (экспорт-импорт).

Бундай оптимистик хулосага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Бунда маълум шартлар ва ҳолатлар бўлиши керак. Масалан, экспорт миқдорий кўпайишининг ҳақиқий имконияти. Одатда, бунинг умуман олганда иложи бор. Аммо у маълум вақтни талаб қилади. Иккинчидан, импортни чеклаш имконияти мавжуд бўлиши керак, бу эса ижтимоий сабабларга кўра мураккаб масала бўлиши мумкин. Баъзида экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун импорт талаб қилинади. Доим бозорнинг конкрет шартларини ҳисобга олишга тўғри келади. Бу шартлар талаб ва таклиф баҳоларининг (баҳолар ўзгаришига бўлган миқдорий муносабат) эластиклиги тушунчаси билан белгиланади. Бундан ташқари барча бозорлар бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган. Девальвация таъсирининг профессионал прогнозларини тузишда бозорларнинг барча ўзаро алоқаларини (порционал таҳлил ўрнига тўлиқ таҳлил) ҳисобга олиш зарур.

Бизнинг изланишимизнинг бошқа муҳим хулосаси шундан иборатки, девальвация амалга оширилаётган (кичик) мамлакат учун харид қилиш баҳоси ва сотиш баҳоси ўзгармайди, чунки бундай мамлакат учун девальвация экспорт ва импорт баҳолари нисбатининг (terms of trade) ўзгаришига олиб келмайди.

**Алмашинув курси ва инфляция**

Биз мамлакатда инфляция жараёни ҳукм сураётган даврни қараб чиқамиз. Биз яна диаграммалардан (4-чизма) фойдаланишимиз мумкин. Экспорт бозорига (доллардаги) эътибор қиламиз. Инфляция туфайли экспорт товарларини ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар (сўмда) доимо ўсади. Бу товарларнинг сотиладиган баҳоси (сўмда)ортади. Бу алмаштириш курси ўзгармас бўлган ҳолда шуни,

билдирадики, экспортёрларнинг долларда ифодаланган бахолари ўсади, шунинг учун инфляция туфайли мамлакат экспортёрларнинг оферт чизиги доллар диаграммасида юкорига кўчади. Долларда ифодаланган бахо (дунё бозори бахоси) ўзгармай колса хам, экспорт килинадиган махсулотнинг микдори, у билан бирга экспортнинг доллар (даги) киймати ўзгаради. Бу жараённи тўхтатиш учун доимо миллий валютани (сўм.ни) кадрсизлантиришга тўгри келади. Диаграммада бу таклиф чизигининг пастга силжишида ва экспортнинг микдорий кўпайишини акс эттиради.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, мамлакатда сўмнинг инфляция жараёни, миллий валютанинг мос равишдаги девальвацияси экспортнинг доллардаги кийматининг пасайишига, савдо балансининг ортиб кетишига олиб келади. Бунга карши туриш учун доимо миллий валютанинг тегишли кадрсизланишини олдини олишни амалга ошириб бориш керак. Бошкача килиб айтганда, девальвация инфляция даражасига мос келиши керак. Агар шундай бўлса, у холда куйидаги формула бўйича хисобланадиган доимий алмаштириш курси амал килади:

$$WKr = WKn/Pi$$

WKr - реал алмаштириш курси.

WKn - номинал алмаштириш курси.

Pi - миллий бахолар индекси.

$WKr = WKn + Pt/Pi$

Pt - ўзгаришларида миллий инфляция хам акс эттирилган. Агар чет элда хам инфляцион жараён кетаётган бўлса, бизнинг формуламиз куйидагича бўлади:

Pi хорижий бахолар индексини билдиради (яъни унинг ўсишида хорижий инфляцияни). Агар миллий ва чет эл валюталари ўртасидаги алмаштириш курсининг ўзгариши чет элдаги ва мамлакатдаги инфляция даражалари ўртасидаги фарк̧а мос келса, у холда кўрилаётган мамлакат учун реал алмаштириш курси ва халкаро ракобатбардошлик ўзгармай колади. Буни айникса (2) тенгламада, у иш даражаларини хисобга олган холда яккол кузатиш мумкин.

$(WKr) = (WKn) + (Pf)-(Pi)$

**Таянч иборалар:**

Савдо сиёсати. Таклиф (талаб). Химоя тарифининг амалий даражаси. Тарифнинг ишлаб чикариш самараси. Тарифнинг оптимал ставкаси. Ишлаб чикариш субсидиялари. Экспортни субсидиялаш. Ўрнини тўлдириш тижорат тўловлари. ХСБ (халкаро савдо бирлашма) - тарифлар ва савдода бош келишувлар. Тарифдан ташкари тўсиклар, квота. Лицензия. Экспорт чоралари. Савдони эркинлаштириш (либерализация). Протекционизм. Божхоналар иттифоклари (эркин савдо зоналар).

**Саволлар:**

1.Тарифларни киритиш кандай окибатга олиб келади?

2.Нима учун тарифларни киритиш керак?

3.Субсидия, демпинг савдо сиёсати нима учун керак?
4.Халқаро савдода қандай чеклашлар ишлатилади?
5.Протекционистик сиёсатнинг самараси?

**Адабиёт:**

1. Агапова Т.А., Серёгина С.Ф. Макроэкономика, 14 боб. -М., 2001
2. Макконел К., Брю С. Экономикс, 39 боб, -М., 1993.
3. Фишер С., Дорибуш Р., Шмалензи Р. Экономикс, 37 боб. -М., 1996.
4. Эклунд К. Эффективная экономика, 7 боб. -М., 1995.

## 4-боб. Иқтисодий ўсиш мақсадида валюта курси сиёсати.

### 4.1.Валюта бозори тушунчаси. Ўзгарувчан ва ўзгармас валюта курси тушунчалари

Халқаро савдо валюта бозорида маълум бир ўзаро нисбатларда бир-бирига алмашинувчи турли хил миллий валюталардан фойдаланади. Номинал алмаштирув курси - 2 мамлакат валютасининг нисбий нархи ёки бир мамлакат валюта нархини бошқа валюта бирлигида ифодаланиши. «Валюта алмаштириш курси» термини қоида бўйича номинал валюта курсини ифодалаш учун фойдаланилади.

Бир мамлакатдан товар ва хизматлар экспортини кўпайиши мамлакат миллий валютасига хорижда талаб ўсишини кўрсатади ва шу мамлакат ичида хорижий валюта таклифини пайдо қилади. Шунга мувофиқ давлатларда товар ва хизматлар импортини кўпайиши уни хорижий валютага бўлган талабини пайдо қилади ва хорижликлар томонидан миллий валюта таклифини келтириб чиқаради. Хорижий валютага ички талабнинг ўсиши мамлакат марказий банкларида, экспортнинг кўпайиши ҳисобига яратилган валюта захираларини камайтиради. Шундай қилиб мамлакат экспорти импортни қоплаш учун зарур бўлган хорижий валютани «ишлаб топади».

Ўзгарувчан валюталар курси тизимида алмаштириш курси валюта бозоридаги валютанинг мувозанат нархи сифатида аниқланади. Ўрнатилган валюта курси тизимида миллий валюта курсини марказий банк белгилайди. Бундай ҳолда марказий банк ўрнатилган курс бўйича хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Одатда МБ миллий валютани чегаравий эркин тебраниш курсларини ўрнатади. Валютанинг нархлари чегаранинг юқори ёки қуйи нуқтасига яқинлашса МБ интервенция ўтказади. Қуйи чегаравий нуқтага яқинлашиш МБ томонидан шу валютани хорижий валютага ёки олтинга алмаштиришни талаб этади ва аксинча.

Валюта курси
доллар ф
стер-ги




7-чизма. Фунт стерлинглар бозори.

Агар фунт стерлинг учун ё доллар даражасига пасайса, ҳамда Буюк Британия мб 1 ф.ст. учун 1,22 дан 1,88 атрофида тебранувчи 1 ф.ст. учун 1,2 дол. ўрнатилганини қўллаб - қувватламоқчи бўлса, бундай ҳолда МБ ф. стерлинги қўшимча талабни пайдо қилиш ва уларни долларга сотиб олиш керак.

Агар ф.ст. таклифи 300 млрд. дол. 250 миллиардгача қисқарса, у ҳолда курс тебранишнинг қуйи чегарасигача кўтарилади ва 1 ф.ст. учун 1,18 долл. даражаси ўрнатилади.

## 4.2.Узоқ ва қисқа муддатдаги номинал ва реал валюта курсини ўсиш омиллари

Реал валюта курси бир мамлакат товарларини бошқа мамлакат товарларига алмаштириш ҳисобига сотиш бўйича ўзаро нисбатлари билан характерланади. Номинал ва реал алмаштирув курси ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги кўринишга эга.

$$Er = En \times \frac{Pd}{Pf}$$

Er= реал валюта курси;
En- номинал валюта курси;
Pd- ички нархлар даражаси (миллий валютада);
Pf - хорижий нархлар даражаси (хорижий валютада);

Реал валюта курси икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий нархи, шу билан бирга реал валюта курси икки томонлама ёки самарали бўлиши мумкин.

Реал алмаштириш курси қанчалик паст бўлса, маҳаллий товарлар нисбатан арзонроқ бўлади ва соф экспорт кўпаяди. Реал алмаштириш курсини аниқлашда бир қатор ёндашувлар мавжуд. Реал алмаштириш курсини экспорт ва импорт учун ярокли бўлган товарлар нархини

халқаро савдо объекти бўлиб ҳисобланмаган товарлар нархига нисбати сифатида аниқлаш мумкин:

$$Er = \frac{Pt}{Pn}$$

Бу ерда:

Pt - экспорт ва импортга яроқли бўлган товарлар нархи;

Pn - халқаро савдо объекти бўлмаган товарлар нархи.

Бу кўрсаткич маъносига кўра мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини баҳолашга ёрдам беради.

REF нинг пасайиши ёки реал қимматлашиш халқаро алмаштириш учун яроқли бўлган товарларни ишлаб чиқаришда ички харажатларни ўсишида акс этади. Баъзан REF мамлакат ичида маҳсулот бирлигидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини худди шу кўрсаткич бўйича хорижникига нисбати билан аниқланади.

$$Er = En \frac{W}{Wt}$$

Бу ерда:

Er - реал алмаштирув курси.

W - мамлакат ичидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг чегаравий харажатлари;

Wt - хорижда меҳнатга ҳақ тўлашнинг чегаравий харажатлари.

En - номинал алмаштирув курси.

Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида маҳсулот ишлаб чиқариш қимматроқ ва рақобатбардошлик пастроқ бўлади.

Узоқ муддатли алмаштирув курсининг динамикасини аниқловчи асосий омиллар бўлиб пул массаси динамикаси (M), реал ЯММ (Y) ва ҳақиқий коэффициентлар (K) бўлиб хизмат қилади.

$$R = \left(\frac{M}{M_f}\right) \cdot \left(\frac{Y_f}{Y}\right) \quad \left(\frac{K_f}{K}\right)$$

Бунда R - маҳаллий валюта бирлигида хорижий валюта нархи. Бу тенгламадан келиб чиқадики, мамлакат ичидаги пул массасининг ўсиш суръати хорижникига қараганда юқори бўлса, реал хорижни ЯММ ўсиш суръати мамлакат ичидагидан баландроқ бўлса ҳамда хориж харакатдаги коэффициентлар ўсиш суръати мамлакат ичидагидан баландроқ бўлса хорижий валюта нархи маҳаллий валютага нисбатан кўтарилади. Харакатдаги коэффициентлар динамикаси (K) чет элдаги ва бозор фоиз ставкалари даражасидан (I ва If ўзаро муносабати), хорижда ва мамлакат ичида кутилаётган инфляция даражасидан (re ва ref) ҳамда берилган мамлакат савдо баланси динамикасига боғлиқ (TB). Бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда хориж валютасини маҳаллий валюта

бирлигидаги нархи ўсиб боради (яъни хориж валюта курси ўсиб боради) агар, берилган мамлакатда пул таклифи ошаса (яъни «ички» пул массаси (M) ўсиб боради);

- Хорижий давлатдаги пул таклифи тушиб кетади (Mf) хориждаги реал ЯММ кўпаяди (Yf);

Берилган мамлакатдаги реал ЯММ кўпаяди (Y);

Хорижда фоиз ставкаси ошади (Kf);

Берилган мамлакатда фоиз ставкаси пасаяди (K);

Берилган мамлакатда кутилаётган инфляция ошади (Re);

Хорижий мамлакатда кутилаётган инфляция пасаяди (Ref);

Берилган мамлакат савдо баланси камаяди (TB).

Харид қобилияти концепциясига мувофиқ халқаро рақобат борган сари халқаро савдода қатнашувчи товар ва хизматларга ички ва хорижий нархларни тенглаштиришга қараб боради. Агар берилган мамлакатдаги инфляция хорижий инфляция суръатидан юқори бўлса, у ҳолда мавжуд тенг шароитларда миллий валютани арзонлаштириб бориш тенденцияга эга бўлади. Берилган концепцияга мувофиқ валюта курси доим турли мамлакатлардаги нарх даражалари динамикасидаги фарқни компенсациялаш учун қанча зарур бўлса, шунча тенг миқдорда ўзгаради. Чунки,

$$Pd = r^*Pf$$

Бу ерда r - миллий валюта бирлигидаги хорижий валюта нархи.

Pd - «ички» нархлар даражаси;

Pf - хориждаги нархлар даражаси;

Номинал алмаштириш курси динамикасини прогнозлаштириш учун фойдаланиладиган харид қобилияти паритети концепцияси нархларнинг беҳосдан ўсиши мавжуд бўлмаган узоқ муддатли даврда (10 йилдан бошлаб) реалистик натижалар беради.

### 4.3.Макроиқтисодий сиёсатнинг мувозанатли реал валюта курси динамикасига таъсири

Мувозанатли реал алмаштириш курсини аниқловчи омиллар.




8-чизма. Мувозанатли реал валюта курси.

Мувозанатли реал алмаштириш курси пастга унга этилган соф экспорт графиги ва инвестиция ҳамда жамғармалар ўртасидаги фарқларни ифодаловчи вертикал чизма инфляциялар кесиб ўтувчи нуқтага мос келувчи даражада ўрнатилади. Бу нуқтада хорижга бериладиган кредитлар сифатидаги миллий валюта таклифи берилган мамлакатдан соф экспортни харид қилувчи хорижликлар томонидан кўрсатилаётган миллий валютага бўлган талаб билан тенглашади.

Бу шуни билдирадики, реал валюта курси жорий операциялар учун кўрсатиладиган капитал ва унга талаб операциялари бўйича миллий валюта таклифини тенглаштиради.

Берилган мамлакатдаги рағбатлантирувчи фискал сиёсат мувозанатли реал алмаштирув курсини ошишига шароит яратади.




9-чизма. Фискал экспансиясини реал валюта курсига таъсири.

Давлат харажатлари кўпайганда ёки солиқ камайганида миллий жамғармалар камаяди ва ($S_1$-I) эгри чапга силжийди. Бу силжиш хорижий инвестициялар учун миллий валюта таклифи пасайишини билдиради. Валютанинг янада паст таклифи уни реал алмашув курсини оширади. Натижада маҳаллий товарлар хорижликларга нисбатан қимматлашади. бу эса экспортни қисқариши ва импортни ошишига олиб келади. Пировард жорий операциялар бўйича дефицит пайдо бўлади.

Агар солиқлар камайиши инвестициявий ўсишини келтириб чиқарган ҳолда миллий валюта ҳажми камайганда, (S-I) эгриси яна чапга силжийди. Инвестицион солиқ кредити хорижликлар учун берилган мамлакатда инвестицияларни қизиқарлироқ қилади

Бу эса ўз навбатида мувозанатли реал валюта курсини оширади ва жорий операциялар бўйича тўлов баланси дефицитини келтириб чиқаради. Хорижий мамлакатлардаги рағбатлантирувчи бюджет - солиқ сиёсати мавжуд тенг шароитларда чет элда жамғармалар даражасини қисқаришига олиб келади. Бу жаҳон фоиз ставкасини оширади ва кичик очиқ иқтисодиётдаги инвестиция даражасини пасайтиради.




10-чизма. Рағбатлантирувчи фискал сиёсатнинг валюта курсига таъсири.

Бу ҳолатда хорижий инвестициялар учун миллий валюта таклифи кўпаяди. ($S_1$-I) эгриси ўнга силжийди. Реал алмаштириш курсини мувозанатли ахамияти пасаяди, маҳаллий товарлар нисбатан арзонлашади ва соф экспорт кўпаяди.

Протекционистик савдо сиёсати (импортга тариф ва квоталарни киритиш) соф экспортни кўпайишига шароит яратади бу NX $(ε)_2$ ҳолатида NX $(ε)_1$, эгрисини силжишида акс этади. Протекционистик чоралардан келиб чиқиб соф экспортнинг бошланғич ортишини акс эттириб мувозанатли валюта курси ортади. Маҳаллий товарлар нисбатан қимматлашади ва соф экспорт пасаяди.

Шундай қилиб протекционистик савдо сиёсати капитал ҳаракати жорий операция ҳисобига таъсир этолмайди. Бироқ у мувозанатли реал валюта курсини оширади ва ташқи савдо ҳажмини мутлақ қисқартиради. Соф экспорт ҳажми ўзгармасада В нуқтадаги экспорт ва импорт умумий ҳажми А нуқтасидагига қараганда мутлақ оздир.

### 4.4. Ўзгарувчан ва ўзгармас валюта курсларининг самараси

Ўрнатилган валюта курсини қўллаб-қувватлаш учун, даврий пайдо бўлаётган тўлов баланси камомадини қоплаш учун тегишли заҳиралар етарли бўлмаса мамлакат протекционистик савдо чораларини қўллаши ёки валюта назоратини киритиши керак.

Ўзгарувчан алмаштириш курслари қоидасига мувофиқ қисқа муддатда кўрсатилган чоралар кам самарали, бироқ узоқ муддатли режада улар зарурий самарадорликка эга.

Аксинча, ўзгармас алмаштириш курси қисқа муддатли барқарорлик нуқтаи назаридан самаралидир, лекин узоқ муддатли истиқболда нозластиқдир.

Бу тизимлардан ҳеч қайси бири нархлар даражасини барқарорлигини ва тўлиқ бандликни амалий таъминлашга қодир эмас.

**Таянч иборалар:**

Валюта бозори. Валютага талаб ва таклиф. Номинал валюта курси (алмашинув курси). Самарали номинал валюта курси. Ўрнатилган валюта курси. Ўзгарувчи валюта курси. Олтин стандарт. Валютани

қимматлаштириш ва арзонлаштириш. Девальвация. Ревальвация. Валюта интервенцияси. Реал валюта курси. Самарали реал валюта курси. Мувозанатли реал валюта курси. Валюта назорати.

**Саволлар:**

1.Валюта бозорида талаб ва таклиф мувозанати ўрнатилишига қандай омиллар таъсир этади?

2.Қисқа ва узоқ муддатли номинал ва реал валюта курслари нисбати қандай ўрнатилади?

3.Мувозанатли реал валюта курсига макроиқтисодий сиёсатни таъсири нимадан иборат?

4.Ўзгармас ва ўзгарувчан валюта курсларини солиштирма самараси.

**Адабиёт:**


1. Агапова Т.А., Серёгина С.Ф. Макроэкономика.16-боб. -М.: МГУ Ломоносова, 2001.
2. Менкью Н.Г. Макроэкономика, 7 боб. -М.: МГУ Ломоносова, 1996.
3. Макконел К., Брю С. Экономикс, 40 боб. -М., 1993.
4. Долан Э. Макроэкономика, 21-боб. -М., 1993.
5. Хейне П. Экономический образ мышления, -М.: Прогресс, 1992.


## 5-боб. Очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий алоқалар. Ички ва ташқи баланс

### 5.1.Ёпиқ ва очиқ иқтисодиётда миллий ҳисобларнинг асосий ўхшашликлари

Миллий ҳисобларни асосий ўхшашликларида ёпиқ иқтисодиётдаги ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати истеъмол (C), инвестиция (I), ва давлат харажатларини (G) ўз ичига олувчи ички харажатлар суммасига тенглиги тушунилади. Очиқ иқтисодиётда C,I ва G барча товар ва хизматларга харажатларни, шунингдек, берилган мамлакат норезидентлари томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни ўзида намаён қилади. Шунга мувофиқ биз миллий ҳисобларни асосий ўхшашликларини ўзгартиришимиз ва берилган мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга резидентларни қилган харажатларини топиш учун C+I+G умумий харажатлардан импортни айриб ташлашимиз керак. Лекин берилган мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга умумий талабнинг қўшимча манбаи ҳам мавжуд бўлиб, улар ташқи дунё томонидан талаб ва экспортдир. Уни умумий ички харажатлар суммасига киритиш ўринлидир. Шундай қилиб, биз қуйидагиларга эга бўламиз.

$$Y= C+I+G+(X-M) \quad (1.1)$$

$$(X-M)=NX = \text{соф экспорт}$$

Ушбу ўхшашлик даромадларнинг резидентлари жами харажатларига (G+I+G) плюс соф экспортга тенглигини тасдиқлайди.

Агар Y ўзида ЯИМ ни намоён қилса, у ҳолда соф экспорт (NX) товарлар ва нофактор хизматларни ўзига киритади.

Агар Y ўзида ЯММ ни намоён қилса, NX товарлар, нофактор хизматлар ва хориждаги соф фэкторли даромадларни (YF) киритади ва булар каттэлиги бўйича тўлов балансидаги товар ва хизматлар балансига мос келади.

$$GNP = Y = C + I + G + (X - M + YF) \quad (1.2)$$

Агар (1.2) ичи ўхшашликни иккала қисмига хориждаги соф трансфертларни (TRF) қўшсак биз жамғариш ва истъемолга кетувчи резидентлар умумий даромадларини ўзида намоён қилувчи ялпи миллий мавжуд даромадларга (GNDI) эга бўламиз.

$$GNDI = C + I + G + (X - M + YF + TRF) \quad (1.3)$$

Бу ерда (X-M+YF+TRF) тўлов баланси ҳисобдаги жорий операциялар балансига мос келади.

Ташқи-мувозанатга 2 хил нуқтаи назар.

Биз миллий ҳисобларни асосий ўхшашликларини қуйидаги кўринишда кўрсатишимиз мумкин.

$$Y - (C + I + G) = NX \quad (1.4)$$

Бу ҳолатда NX резидентлар ва давлатни харажатлари билан миллий даромад ўртасидаги фаркни ўзида намоён қилади.

Мусбат соф экспорт миллий даромадни харажатлар умумий йиғиндисидан ортиқроқ эканлигини кўзда тутса, манфий соф экспорт эса харажатлар умумий йиғиндисини миллий даромаддан юқорироқ бўлишига гувоҳлик беради. Бу тасдиқ шуни англатадики, ташқи мувозанатга эришиш муаммолари макроиқтисодий ҳолатга эга бўлиб, уларни ҳал этилиши миллий даромад ва харажатлар умумий йиғиндиси ўртасидаги мувозанатни ўрнатишга ёрдам берувчи воситаларни танлашни талаб этади.

Агар биз (1.3) ўхшашликни ўнг томонидан соф солиқлар T ни айирсак ва қўшсак (трансфертлар айириб ташланган солиқлар), биз қуйидагига эга бўламиз.

$$GNDI = C + I + G + T - T + (X - M + YF + TRF)$$

Шахсий жамғарма аниқлиги S = GNDI - C - T, давлат бюджети ортиқчаси аниқлиги BS = T - G ва жорий операциялар ҳисоби NX = X - M + YF + TRF дан фойдаланиб, биз қуйидаги ўхшашликка келамиз.

$$NX = (S - I) + (T - G) \quad (1.5)$$

Шундай қилиб, жорий операциялар баланси (Nx) хусусий сектор жамғармаси (S) ва инвестициялар (I) ўртасидаги фарқ плюс бюджет ортиқчалигига тенг.

Жорий опреациялар балансидаги мусбат сальдо хусусий сектордаги жамғармаларни инвестициялардан юқори бўлиши ёки давлат секторидаги соф солиқларни харажатлардан кўп бўлишини талаб қилади. Шу сабабли жорий операциялар баланси камомади миллий жамғармаларни инвестициялар ва давлат харажатларига нисбатан етмаслигини акс эттиради.

## 5.2. Тўлов баланси ва пул ҳисоблари

Ҳар қандай мамлакат тўлов баланси -бу унинг резидентлари ва ташқи дунё ўртасидаги барча иқтисодий муносабатлар ҳақидаги статистик ҳисоботдир. Тўлов баланси ўзига уч хил балансни киритади: жорий операциялар ҳисоби (NX), капитал харажати ҳисоби (KA) ва расмий захира активларини ўзгариши (ΔR)дир. NX ва KA суммасини одатда расмий ҳисоб-китоблар баланси деб аталади (BP).

$$BP = NX + KA$$

Расмий ҳисоб-китоблар баланси жорий товарлар, хизматлар ва активлар соф сальдосини акс эттирган вақтда валютани мувофиқлаштириш органлари дисбалансини МБ да сақланувчи хорижий валюта резервларидан фойдаланиши ёки ташқи молиявий бозорлардан қарз олиш йўллари билан молиялаштириши керак.

$$NX + KA = \Delta R \qquad (2.1)$$

Расмий резерв активларини киритувчи тўлов баланси суммада нолни ташкил қилиши керак. Жорий операциялар ҳисоби (NX) ни уни молиялаштирувчи суммаси сифатида кўрсатиш мумкин бўлганлиги учун, биз қуйидагиларга эга бўламиз.

$$NX = \Delta R - \Delta KA = \Delta NFA \qquad (2.2)$$

ΔR - хорижий валютаси соф резервларидаги ўзгаришлар.

ΔKA - хорижликларга бўлган соф ликвидлик мажбуриятларидаги ўзгаришлар.

ΔNFA хорижликларга бўлган ликвид талабларнинг соф кўпайиши.

Nx - мамлакатнинг соф ташқи активлари умуман олганда қанчалик кўпайишини кўрсатади.

Агар мамлакат харажатлари даромадларидан кам бўлса, у ҳолда унинг хорижликларга бўлган ликвид талаблари кўпаяди. Жорий операциялар ҳисоби мусбат сальдоси хорижий валюта резервларини соф кўпайиши ва мамлакатдан капиталнинг оқиб кетишини билдиради.

(1,5) чи тенгламани ўзгартириб, биз қуйидагиларга эга бўламиз.

$$(S-I) + (T-G) = \Delta NFA \qquad (2,3)$$

Фараз қилайлик, хусусий сектордаги жамғарма инвестицияга тенг. Давлат бюджети ортиқчаси хорижликларга нисбатан ликвид талабларни соф кўпайишини билдиради. Бу давлат ташқи қарзларини камайиши ёки расмий хориж резервларини кўпайишида ифодаланади.

МБ пулни тартибга солиш органларини соф расмий валюта захираларидаги ўзгаришлар пул таклифи ва ички кредит билан боғлиқдир. Бу МБ баланс ҳисоботида ўз аксини топади. МБ баланс ҳисоботида биз қуйидагиларга эга бўламиз.

$$\Delta R + \Delta DC = \Delta MB$$

Δ R - МБ расмий валюта захираларидаги ўзгаришлар.

Δ DC - ҳукумат ва тижорат банкларининг ички кредитлардаги ўзгаришлар.

ΔMB - пул базаси ёки оргтирилган куч пулларидаги ўзгаришлар.

Мамлакат тўлов баланси дефицитига эга бўлган вақтда, уни МБ ўз валютасини сотиб олиши ва хорижий валюта захираларини сотиши керак. Агар бундай ҳолда МБ бошқа бирор-бир тадбирлар амалга оширмаса, пул базаси камаяди. Тўлов баланси ҳисобидаги мамлакат расмий ҳисоб-китоб баланси (BP) маъносига кўра МБ нинг расмий валюта захираларини ўзгариши катталигини акс эттиради.

$$BP = \Delta R$$

Агар захиралар ҳажмига камайса, натижада мамлакат тўлов баланси дефицит сезса, ички кредит (ДС) ўзгармаса, у ҳолда пул базаси (MB) худди шундай ҳажмга камаяди. Пул базасини бундай автоматик камайишини олдини олишнинг битта усули мавжуд - бу стериализациядир.

МБ расмий валюта захираларидаги ўзгаришларни мос равишда ички кредит ўзгариши билан нейтраллаштиради. МБ расмий валюта захиралари ўзгаришларга қарамай ўзгаришсиз қолади. Бу тўлов баланси дефицитсиз эга мамлакатда МБ расмий валюта захираларини сарфланишини билдиради, лекин бир вақтнинг ўзида пул массасини бошланғич даражасида қолиши учун кредитни кўпайтириш ёки очиқ бозорда операциялар орқали кенгайтирилган пул сиёсатини ўтказади.

Бундай стериализация сиёсати ўзгармас пул таклифи ёки ўзгармас фоиз ставкасини қўллаб - қувватлашга йўналтирилган пул сиёсатини амалга оширувчи мамлакатларда кўпроқ учрайди.

### 5.3. Ички ва ташқи мувозанат модели

«Фараз қилайлик ҳукумат ўз олдига 2 та мақсад қуйди. Биринчи мақсад ички мувозанатга эришиш, яъни «тўлиқ бандлик даражасидаги жами ишлаб чиқариш ёки потенциал ишлаб чиқариш».

Иккинчи мақсад - ташқи мувозанатга эришиш: Соф экспортни 0 га тенглиги.

Биз ички ва ташқи мувозанат моделидан иккала мақсадга эришишнинг янада самаралироқ йўлини кўрсатиш учун фойдаланамиз. Бу масалани ечиш учун сиёсатчилар ички мувозанатга қандай бўлса ташқи мувозанатга шундай таъсир этувчи чораларни ҳисобга олишлари зарур. Берилган модель кичик очиқ иқтисодиёт учун ишлаб чиқилган. Кичик очиқ иқтисодиёт бир томондан бошқа давлатларнинг иқтисодий ривожланишига ўта катта таъсир кўрсатса, бошқа томондан иқтисодиётнинг ташқи дунёга таъсири деярли мавжуд эмас. Бу яна жаҳон фоиз ставкаси I• даражаси берилган иқтисодиётдаги фоиз ставка даражасини белгилашни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, очиқ иқтисод шунчалик кичикки, жаҳон молия бозорларидан олаётган ёки бераётган қарзлари кредит ўлчамларидан қатъий назар жаҳон фоиз ставкаси даражасига таъсир эта олмайди. Биз биламизки давлат харажатлари (G) ни кўпайиши даромадлар (Y) ўсишига олиб келади, лекин импортни кўпайтиради, қадрсизланган миллий валюта эса (RER- реал валюта курсини пасайиши) Nx ни яхшилайди ва Y ни

кўпайтиради. Фараз қилайлик, I= I•, Y• - берилган ҳажмдаги нархлар даражаси P, P• - доимий.

$$IB : Y = C(Y) + I(i) + G + Nx\ (RER,\ Y;\ Y^{*})\ \text{ёки}$$

$$Y = Y\ (RER,\ GEB\ ;\ Nx = X\ (RER,\ Y)^{*}\ - M\ (RER, Y)$$

$$Nx = Nx\ (RER,\ G\ ).$$

Ушбу вазиятда биз иқтисодий сиёсатни 2 хил чорасини кўрсатамиз: – Валюта курсига таъсир этувчи чоралар масалан, девалвация, давлат харажатлари ҳажмига таъсир этувчи чоралар.

-Ҳукуматнинг рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқаришни кўпайтирса, бироқ Nx ни ёмонлаштиради.

Валюта курсининг пасайиши (ёки девальвация) ҳам ишлаб чиқаришни кўпайтиради, лекин Nxни яхшилайди. Ташқи ва ички мувозанатга эришиш учун иккала сиёсатни биргаликда амалга оширишни керак.

Қуйида RER ва G координаталарида жойлашган 2 та диаграмма келтирилган. 10 - чизмада берилган даромад даражаси учун ички мувозанат (IB) графиги чизилган. 11 -чизмада берилган N x даража учун ташқи мувозанат (EB) графиги келтирилган.




11-чизма




12-чизма

13-чизмада ички (11) ва ташқи, мувозанат (EE) чизиқлари биргаликда кўрсатилган. Бу график СВОНА диаграммаси номи билан машҳур.




13-чизма.

Бу диаграммада 4 та соҳа белгиланган. I соҳа инфляцион талаб ва жорий операциялар баланси мусбат сальдосини, II соҳа инфляцион талаб ва жорий операциялар баланси дефицитини, III Соҳа тўлиқсиз бандлик ва жорий операциялар баланси мусбат сальдосини кўрсатади. А нуқта - умумий мувозанатга эришиш учун икки хил иқтисодий сиёсат чораларда (давлат харажатларини ўзгартириш ва валюта курсига таъсир ўтказиш) фойдаланиши муҳимдир (масалан Р нуқтадан).

Савол шундан иборатки, қайси расмий ташкилот МБ (валюта курсини қўллаб - қувватлашга жавобгар) ёки Молия Вазирлиги (G ҳажмини назорат қилувчи) ички мувозанатга эришиш учун ва қайси бири ташқи мувозанатга эришиш учун жавоб бериш керак. Бу савол «ролларни тақсимлаш муаммоси» сифатида машхурдир. Роллар тақсимоти IB ва ED чизиқларини нисбий огишига асосланиши керак.

Мавжуд қоидалардан бири қуйидагилардан иборат: Молия вазирлиги ички мувозанатга эришиш мақсадида давлат харажатлари даражасига, МБ эса ташқи мувозанатга эришиш мақсадида давлат харажатлари даражасига, МБ эса ташқи мувозанатга эришиш мақсадида алмашиш курсига таъсир этиш мажбуриятига киришади. Бу қоида «ишлаши мумкин» шундаки, қачон соф экспорт алмаштириш курси (RER) га нисбатан боғланувчан ишлаб чиқариш ҳажми давлат харажатлари (G) га ташқи мувозанатга эришиш мақсадида таъсир қилади. Бу қоида «ишлаши мумкин», қачонки, ишлаб чиқариш ҳажми G га нисбатан боғланувчан бўлмаса. (5-чизма).

**Очиқ иқтисодиёт учун IS LM модели**

Биз кичик очиқ иқтисодиётни, яъни бунда I = I ва қисқа даврдаги иқтисодий фаолиятни назарда тутамиз (нархлар даражаси Р қатъий ўрнатилган). Ички (I) ва жаҳон фоиз ставкаси (i•) ўртасидаги фарқ капитал ҳаракати йўналишини аниқловчи ягона омил. Агар капитал ҳаракати соф ҳисоби А билан белгиланса, у ҳолда




14-чизма

$K_2$ = КА + к ( I - I•);

Агар кичик очиқ иқтисодиётда ички фоиз ставкаси I жаҳон фоиз ставкаси I• дан юқори кўтарилса хориж инвесторлари шу

мамлакат ички активлари ўзлариникига қараганда маъқулроқ деб билишади ва уларни харид қилиш имкониятини қидиришади.

Шу даврда берилган мамлакат резидентлари хориж активларини сотиб олишдан тўхтайдилар ва чет элдан анча пастроқ фоиз ставкаларда қарз олиш мақсадга мувофиқ деб топишади.

IS эгриси даромад Y ва фоиз ставкаси I ўртасидаги ўзаро алоқани шу билан бирга товар бозорида мувозанат сақланаётганини тасвирлайди.




15-чизма

$$IS.Y = C(Y-N) + I(i) + G = Nx(Y.RER);$$

IS эгриси манфий огишга эга, чунки фоиз ставкаси I ни кўпайиши асосий ишлаб чиқариш фондлари ва асбоб ускуналарга инвестицияларни камайтиради ва мультипликатив самара орқали иқтисодиётда ишлаб чиқаришни камайтиришга олиб келади.

Экзоген ўзгарувчилар сифатида бу ерда соф солиқлар ва харажатлар намоён бўлади. Бу компонентларнинг биридаги ўзгаришлар IS эгрисини силжитади. Шунингдек, соф экспорт Nx ўзгаришида ўз аксини топувчи харажатлар томонидан ички товарларга экзоген ўзгаришлар натижасида эгрисини силжиши имкониятини ҳисобга олмоқ керак. IS эгрисини силжиши алмашиш курсини ўзгаришига олиб келади. LM эгриси пул бозоридаги мувозанатга фоиз ставкаси I ва даромад ўртасидаги ўзаро алоқани тасвирлайди.

$$LM: M/P = L(I,Y)$$

LM эгриси мусбат огишга эга, чунки I ва Y пулга бўлган талабга қарама-қарши таъсирга эга. Y ўсиши пулга бўлган талабни кўпайтиради, чунки инсонлар кўпроқ иқтисодий келишувларни амалга оширадилар. Агар пул таклифида тегишли кўпайиш бўлмаса фоиз ставкаси кўтарилади ва бу пулга бўлган талабни бошланғич даражага қайтаради. Пулларнинг номинал таклифидаги ўзгаришлар LM эгрисини силжитади. 3-чи эгри чизиқ (BP эгриси) тўлов баланси расмий ҳисоб-китоблар балансини (0) нолга тенг бўлганида фоиз ставка I ва даромад Y ўртасидаги ўзаро алоқани тасвирлайди.

$$BP = Nx + KA = 0$$

BP жорий операциялар баланси сифатида Nx ни киритади. У KA капитал ҳаракати ҳисоби ва алмашиш курси ҳамда даромадларга

манфий боғлиқдир. Бу эса ички ва жаҳон фоиз ставкаси ўртасидаги фарқларга мусбат боғлиқдир.(i-i*)

$$BP : BP = Nx + KA = 0$$

$$BP = \bar{X} - \bar{M} - mY + K\bar{A} + K(i - i^*) = 0$$

BP эгриси мусбат оғишга эга, чунки Y даромадни кўпайиши жорий операциялар баланси дефицити ва импортни ўсишга олиб келади (манфий Nx га). N x + KAA = 0 мувозанатини тиклаш хорижк капитални жалб қилиш мақсадида ички фоиз ставкасини кўпайтиришни талаб қилади (манфий Nx ни молиялаштириш учун). RER ёки бошқа бир параметрда ўзгариш экзоген ўзгараётган Nx BP эгрисини силжишга олиб келади.

Иқтисодиёт доимо IS ва LM эгриларини кесиб ўтиш нуқтасида жойлашган бўлиб, яъни товар ва пул бозорида мувозанат мавжуддир. Кейинги муҳокамада соддароқ бўлиши учун биз шуни келтириб чиқарамиз бошланғич ҳолатда иқтисодиёт тўлов баланси сальдоси 0 га тенг нуқтага мос келади. Шунинг учун учала эгри бир нуқтада кесишади. IS-LM-BP моделида BP эгри оғмаси капиталнинг халқаро жамланиш даражасига боғлиқ.




16-чизма




17-чизма. Капитални паст ҳаракатчанлиги.




18-чизма. Капитални юқори ҳаракатчанлиги.




19-чизма. Капиталнинг мукаммал харакатчанлиги.

Капиталнинг паст жамланувчилик холатида (17-чизма) BP эгриси нисбатан қия ва коэффициент кичикдир. Коэффициент қанчалик кичик бўлса хорижий валюта зарурий оқимини таъминлашни хосил қилувчи ички фоиз ставкаларини кўпайиши шунчалик кўп бўлиши керак. Капиталнинг юқори жамланувчан холатида (18-чизма) BP эгри чизиги нисбатан қияроқ (LM эгрисига қараганда қияроқ), коэффициент эса каттароқдир. Коэффициент қанчалик катта бўса, хорижий капитални зарурий оқимини таъминлаш учун етарли фоиз ставкасини кўпайиши шунчалик камроқдир.

Капитални мукаммал жамланувчанлик холатида (19-чизма) BP эгриси горизонтал, K эса чексизликка тенг. Капитал қуйи жамланувчанлигидан юқорисига хақидаги мантиқ. либерализация каби аста - секин мамлакатлар ўтасидаги тўсиқларни четлаштириш каби халқаро тараққиётни акс эттиради.

IS-LM-BP моделидан энди валюта курси турли тизимларидаги бюджет солиқ ва пул сиёсати оқибатларини ўрганиш учун фойдаланиш мумкин.

**Таянч иборалар:**

Ички баланс (ички мувозанат), ташқи баланс (ташқи мувозанат), ролларни тақсимлаш қоидаси, учта мақсад, учта восита. Ички қарама-қарши эмаслик. ЯММда қарздорлик қисмини динамикаси.

**Саволлар:**

1. Очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсатнинг мақсадлари нималардан иборат?
2. Қандай макроиқтисодий алоқалар мавжуд?

**Адабиёт:**

1.Агапова Т.А. Серёгина С.Ф. Макроэкономика, 16боб. -М.: МГУ Ломоносова, 2001.
2.Менкью Н.Г. Макроэкономика, 7боб. -М.: МГУ Ломоносова, 1996.
3.Макконел К., Брю С. Экономикс, 46боб. -М., 1993.
4.Долан Э. Макроэкономика, 16-боб. -М., Прогресс, 1993.
5.Хейне П. Экономический образ мышления, 21-боб. -М., Дело, 1992.

## 6-боб. Очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат Ўрнатилган валюта курси шароитидаги баланс

### 6.1. Ўрнатилган валюта курсида ички ва ташқи баланс Капиталнинг қуйи ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ҳолатида солиқ-бюджет сиёсатини ўтказиш

Маблағларнинг халқаро ҳаракатчанлиги макроиқтисодий сиёсатга катта таъсир кўрсатади. Масалан, саноати ривожланган мамлакатларнинг ўзаро алоқадорлигига 80-йиллардаги энг жиддий ўзгаришлар АҚШ савдо балансида катта камоматнинг вужудга келиши савдо сиёсати ёки рақобат кучайишида ўзгаришлига асосланган эмасди. Бунинг асосида АҚШга кириб келаётган ташқи капитал ётади. Ўз навбатида капитал оқимининг сезиларли даражада кўпайиши Вашингтонда ўтказилган пул-кредит ва бюджет солиқ сиёсати томонидан чиқарилган эди.

Капиталларнинг халқаро оқимига кўплаб омиллар таъсир қилади. Уларнинг энг муҳими бўлиб даромад ҳисобланади, уни турли мамлакатлар ўзларининг активларига таъминлайдилар. Биз содда ёндашувдан фойдаланамиз ва мамлакатда барча активларга (пулдан ташқари) бўлган даромад ставкаси тахминан бир хил ва шунинг учун ягона номинал фоиз ставкаси деб кўрсатишни тахмин қиламиз. Бошқача айтганда, биз миллий ва жаҳон фоиз ставкаси орасидаги фарқ, капиталнинг кириб келиши ёки чиқиб кетишини аниқловчи ягона омил деб тахмин қиламиз.

Аввало, биз қатъий белгиланган валюта курси режимини, кейин эса сузиб юрувчи валюта курсини кўриб чиқамиз. Ҳар бир босқичда макроиқтисодий сиёсатнинг таҳлили нафақат капитал мобиллигини (K>0) маълум даражада мавжудлиги сиёсатга қандай таъсир кўрсатиши билан эмас, балки мобилликнинг турли даражалари- қуйи, юқори ва такомиллашган капиталнинг халқаро ҳаракатчанлиги билан боғлиқ бўлади.

Бизнинг таҳлилда иқтисодиётнинг аҳволи IS-LM эгри чизиги кесишувига ҳар доим мос келади деган тахминдан чиқиб кетамиз, яъни пул ва товар бозорларида ҳар доим мувозанат мавжуддир (ички мувозанат ҳолати). Товарларга бўлган талаб ишлаб чиқарилган товарлар тахминига тенг, пулга бўлган талаб эса пуллар тахминига тенгдир. Лекин иқтисодиётда ташқи мувозанатни назорат қилиш шарт эмас. Агар тўлов баланси сальдоси нолга тенг бўлмаса IS-LM эгри чизиқлари кесишган нуқтаси BP' графикдан ташқарида жойлашади. Бироқ, соддалаштириш учун биз иқтисодиётда бошланғич ҳолат тўлов баланси сальдоси нолга тенг бўлган нуқтага мос келади, шунинг учун учала эгри чизиқлар ҳам бир нуқтада кесишади деб тахмин қиламиз.

IS-LM-BP модели биринчидан бюджет-солиқ, иккинчидан пул-кредит сиёсатини таҳлил қилишда фойдаланилади.

Капитални паст мобилли бўлган иқтисодиётда давлат харажатларининг ошиши мисолини кўриб чиқамиз.

IS эгри чизиги IS 2 ҳолатидан ўнгга жойлаштирилади, ички мувозанат нуқтаси A нуқтадан B нуқтага кўчирилади. Y даромад Y 2 даражасигача ўсади ва шартномани амалга оширищ учун керак бўлган пулларга бўлган талаб фоиз ставкасини $I_2$ гача юқорига сўради.




20-чизма

Капиталнинг халқаро ҳаракатчанги йўқ бўлган шароитда давлат харажатларнинг ўсишы ташқи балансга фақат импортнинг ўсиши орқали ва савдо тўлов баланси дефицити пайдо бўлиши орқали таъсир кўрсатган бўларди.

Бироқ ҳозир биз капитал ҳаракатини ҳисобини кўриб чиқишни ҳам маъқул билдик. Нисбатан юқори фоиз ставкалари тўлов баланси умумий ҳолатга ижобий таъсир кўрсатадиган капитални мамлакатга жалб қилади. Бошқа тарафдан даромаднинг юқорироқ даражаси импортнинг ошишига ва савдо балансини ёмонлашувига олиб келади ҳамда тўлов балансига салбий таъсир кўрсатади. Қайси омил тўлов балансига кучлироқ таъсир кўрсатади, фоиз ставкасининг ўсишими ёки даромадларнинг кўпайишими? Бу капиталнинг мобиллик даражасига боғлиқдир. Берилган ҳолда, капитал оқими фоиз ставкасидаги ўзгаришларга унчалик боғлиқ бўлмаса, капитал ҳаракати ҳисобининг ҳолатини яхшиланиши сезиларли бўлмайди ва тўлов балансининг умумий танқислиги сақланиб қолади. Ушбу ҳолат 1-чизмада кўрсатилган. Ижобий қияликка эга бўлган BP эгри чизиги LM эгри чизигига қараганда, кескин, яъни капиталнинг ҳаракатчанлиги паст. Ушбу ҳолатда IS ва LM чизиқларнинг янги кесишиш нуқтаси B ўнг тарафида жойлашган ёки BP графикдан пастроқда. Ўнг тарафдан ислаган нуқта ёки BPдан паст бўлган нуқталар тўлов балансининг дефицитини кўрсатади ёки даромад даражаси ва шу билан бирга импорт тўлов балансининг мувозанати учун жуда ҳам юқори ёки фоиз ставкаси ва шу билан бирга капитал оқими жуда ҳам паст. Шундай ҳолатдан келиб чиқиб 20-расм бюджет экспансияси тўлов балансининг тақчиллигига олиб келади, бироқ капитал оқими савдо балансидаги тақчилликни қисман қоплаб туради.

Бюджет-солиқ экспансияси тўлов балансини танқислигига олиб келса, валюта курси пасайишига интилади. Қатъий белгиланган валюта курсини ушлаб туриш зарурияти Марказий банкни валюта бозорига аралашишга мажбур қилади ва бу билан пул массасини камайтиради. Пул массасини қисқариши LM эгри чизигини чапга суради ва фоиз ставкаси ўсади. $IS_2$

эгри чизиғи бўйича юқорига силжиш эса харажатларнинг қисқаришини, фоиз ставкаси ўзгаришига таъсир қиладиган харажатлар қисқаришини билдиради. Харажатлар қисқариши билан импорт камаяди ва савдо балансидаги ҳолат яхшиланади. Ушбу жараён иқтисодиётда тўлов баланси (С нуқта) сальдоси нолга тенг бўлмагунча давом этаверади. Шундагина биз ички ва ташқи мувозанатга эришамиз.

Шундай қилиб, қатъий белгиланган валюта курси шароитида маълум миқдорда рағбатлантирилаётган бюджет-солиқ сиёсати мажбуран қисқартирилаётган пул массаси билан мукофотлантирилади ва муомалага чиқариш даражаси сезиларсиз даражада кўпайтирилади ($Y_1$ дан $Y_3$ гача). Даромад С нуқтада бюджет-солиқ экспансиясига қараганда юқори бўлишига қарамасдан, умумий тўлов баланси сальдоси нолга тенг, юқорироқ бўлган фоиз ставкаси юқори даражада даромадни жалб қиладиган, катта ҳажмда импортни молиялаштириш учун етарли бўлган капитални жалб қилади.

## Пул - кредит сиёсати

20-чизмада капиталнинг паст даражасида ҳаракатланиши шароитида пул-кредит сиёсатини рағбатлантириш натижалари кўрсатилган. Бошланғич мувозанатдан пул экспансияси LM эгри чизиғини ўнгга суради (LM 2 ҳолатигача). Фоиз ставкаси I пасаяди, харажатлари рағбатлантирилган ҳолда ва шу йўлида Y даромадни ички мувозанатни В янги нуқтага мос келадиган даражагача оширади. Юқорироқ бўлган даромад катта миқдордаги импорт ва савдо баланси дефицитини англатади.

Бироқ, капиталнинг халқаро ҳаракати тўлов балансига ҳам шундай таъсир кўрсатади. Бу ҳолда, фоиз ставкасининг $I_1$ $I_2$ гача пасайиши натижасида капиталнинг чиқиб кетиши юз беради. Капитал ҳаракати ҳисоби шу йўналишда ўзгаради, жорий операциялар ҳисоби каби умумий тўлов балансида сезиларли танқислик вужудга келади.



21-чизма.

Агар мамлакат тўлов баланси танқислигига дуч келса ва қатъий белгиланган валюта курсини қўллаб - қувватлашга интилса, у ҳолда у вақт ўтиши билан хорижий валюта бозорида интервенция ўтказган ҳолда вақт ўтиши билан ўзининг хорижий валютадаги захираларини камайтириб қуяди. Мамлакатнинг захиралари чекланган ва узоқ вақт пул массасини $LM_2$ эгри чизиғига мос даражада ушлаб туролмайди, акс ҳолда барча валюта захиралари харажат қилиниб юборилади. Охир оқибатда мамлакат бундай шароитларга мослашиши керак.

Ушбу ҳолатда қатъий белгиланган валюта курсини ушлаб туришда (валюта бозорида интервенция ўтказиш) пул массаси қисқаради, бу дегани LM эгри чизиги вақт ўтиши билан чапга ўзининг биринчи ҳолатига сурилади $LM_1$. Пул массасининг қисқариши билан фоиз ставкаси кўтарилади, инвестиция ва бошқа фоиз ставкаси ўзгаришига боғлиқ бўлган харажат компонентлари қисқаради.

Бундай жараён тўлов баланси сальдоси салбий бўлгунча давом этади. Маълум вақтдан сўнг иқтисодиёт шировард ҳолатга тушиб қолади. Пул массасининг пул - кредит сиёсатини рағбатлантириш натижасида вужудга келган барча ортишлар даромадга ҳеч қандай доимий таъсир кўрсатмасдан тўлов баланси орқали «қайтиб кетади».

Корректировканинг бошқача йўли алмашув курсининг ўзгариши ҳисобланади. Валюта девальвацияси соф экспортни рағбатлантиради ва BP эгри чизигини ўнгга силжитади.

## 6.2.Капиталнинг юқори ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ҳолати. Солиқ-бюджет сиёсати

22-чизма BP эгри чизиги нисбатан LM эгри чизигига қараганда бошқачароқ. Бу капиталнинг юқори ҳаракатчанлиги ҳолатидир.

Рағбатлантирилаётган бюджет - солиқ сиёсати капиталнинг паст ҳаракатчанлиги ҳолатига ўхшаб IS эгри чизигини ўнгга силжитади ва Y ва I ни худди шундай ошишига олиб келади. Бироқ капиталнинг юқори ҳаракатчанлиги шароитида I нинг ошиши Y нинг ошиши натижасида ўсган импортни молиялаштириш учун зарурлигига нисбатан капитални кўпроқ жалб қилади. Ушбу ҳолда умумий тўлов баланси ижобий сальдога эга бўлади (энди IS ва LM эгри чизиқларнинг янги кесишиш нуқтаси B дан чапроқда ёки BP дан юқорироқда бўлади) ва у валюта курси кўтарилишига интилади. Марказий банкнинг қатъий белгиланган алмашув курси тартиби шароитида интервенцияни ўтказган ҳолда хорижий валютада захираларни тўплайди ва уларни капиталнинг паст ҳаракатчанлиги ҳолатига ўхшаб йўқотмайди.




**22-чизма**

**Агар Марказий банк назорат қилмаса ва пул массасининг ошишига йўл қўйса, LM эгри чизиги $LM_2$ ҳолатига қараб ўнгга силжийди. Иқтисодиёт B нуқтасидан $IS_2$ эгри чизиги бўйича BP эгри чизигини кесишишгача ўнгга қараб жойлашади, қайсики пул массасининг катта миқдори фоиз ставкасининг жаҳон ставкаси I даражасига пасайтиради ва харажатларни рағбатлантиради.** Капитал

оқими савдо танқислигини молиялаштириш талабидан ошмаганда мувозанатнинг янги ҳолатига С нуқтада эришилади.

Капиталнинг паст ҳаракатчанлиги ҳолатидан фарқ қилган ҳолда бюджет - солиқ сиёсатини рағбатлантириш натижасидаги даромад даражаси сезиларли даражада кўтарилади. С нуқтада даромад А нуқтага қараганда сезиларли даражада юқори бўлади. Шу йўсинда капиталнинг юқори ҳаракатчанлигида бюджет экспансиясининг солиқ даромадга таъсири пул массасининг ортиши билан тўлдирилади.

### Пул - кредит сиёсати

23-чизмада рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати пул массасини кўпайтириб, LM эгри чизигини ўнгга $LM_2$ гача фойдани кўпайтириб ва фоиз ставкасини тушириб сурилади. Жуда юқори фоиз импорт ҳажмини кўпайтиришини ва товар баланси танқислигини билдиради. Яна, капитални паст мобиллиги (сарфланиши) ҳолатидаги каби, фоиз ставкаси ҳажмининг L дан $L_2$ $I_2$ гача пасайиши натижасида капиталнинг чиқиб кетиши вужудга келади. Бироқ капитал ҳаракатнинг ҳисоби жорий операциялар ҳисоби йўналишида ўзгариши оқибатида умумий тўлов балансида аҳамиятга эга дефицит пайдо бўлади.



23-чизма

Тўлов балансида дефицит мавжудлиги натижасида миллий валюта курси пасайиши керак. Ўзгармас валюта курсини ушлаб туриш учун Марказий банк миллий валютани сотиб олиб, валюта бозорида интервенция ўтказади. Пул массаси қисқаради, бу шуни билдирадики LM эгри чизиги вақт ўтиши давомида чапга ўзининг бошланғич жойига $LM_1$ сурилади.

Шундай қилиб, капитални сарфлаш юқори бўлган ҳолатда пул-кредит сиёсатининг натижалари капиталнинг паст даражада сарфланиши ҳолатида кўринади. Шу билан бирга капиталнинг чиқиб кетиши жаҳон фоиз ставкалари билан ички фоиз ставкаларининг фарқлари кўп эканлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатда валюта захираларини камайиш сурати юқори бўлади ва узоқ муддат мувозанатга қайтиши тезроқ юз беради.

### 6.3.Капиталнинг мукаммал ҳаракатчанлиги ҳолатида фискал ва монетар сиёсат ўтказиш

ВР чизигининг қиялиги m/к тенг эканлигини эсга оламизу чексизликка интилганда, қиялик О га тенг бўлади. Бошқача айтганда, ВР чизиги горизонтал бўлиб қолади. Бу горизонтал чизиқ I фоиз даражасида ўтказилади, бу жаҳон фоиз ставкаси I' га тенг бўлганда юз

беради. Агар i* юқорига кўтарилса (оз муддатга бўлса ҳам), бу фарк даҳол йирик капитал оқимини ўзига жалб қилган бўлар эди. Барча хорижий инвесторлар ўз мамлакатларига қараганда шу мамлакатда даромадлироқ активларга эга бўлишни хоҳлайдилар; маҳаллий қарз олувчилар эса пастроқ фоиз ставкасида хориждан кредит олишга интилган бўлар эдилар. Капиталнинг бундай оқимлари фоиз ставкаларидаги бу фарқни чегаралаган, аникроғи улар умуман бунинг пайдо бўлишига йўл қўймаган бўлар эдилар. Шундай қилиб, К коэффициентни чексиз катта дейиш ўрнига I - I* фарқи ҳар доим нолга тенг дейиш мумкин.

### Солиқ-бюджет сиёсати

23-чизмада ВР эгри чизиги горизонтал ҳисобланади. Бу капиталнинг бутунлай сарфланишидир. Рағбатлантирилаётган бюджет-солиқ сиёсати Is эгри чизигини ўнга IS 2 ҳолатига ҳаракатлантиради. Пулга бўлган талабнинг ошиши фоиз ставкасини $IS_2$ гача оширади ва капиталнинг сезиларли оқимига олиб келади. Аниқроғи, агар иқтисодиёт В нуқтада ушлаб турилса, унда юқорироқ бўлган фоиз ставкаси капиталнинг оқимига олиб келинган бўлур эди ва бу Марказий Банкка қатъий белгиланган валюта курси шароитида одатдаги қарорни қабул қилиши керак бўлар эди. Шу билан бирга капитал оқими имкониятлари шунчалик каттаки, Марказий банкнинг бошқа йўли йўқ. Миллий валюта ўрнига сотиб олишга тўғри келадиган хорижий валюта миқдори шунчалик кўпки, у маҳаллий активлар захирасидан фойдаланмаслиги керак.




24-чизма

Капитални халқаро мобиллигини ҳисобга олганда бизнинг мулоҳазамизда нима ўзгаради? Юқори фоиз ставкаси ($I_2$) чет элдан капитални жалб қила бошлайди. Капитал ҳаракатини ҳолати яхшиланади, бу эса савдо балансининг ёмонлашишини қисман қоплайди (компенсация қилади). Лекин капитал мобиллиги даражаси нисбатан паст бўлганлигининг сабаби тўлов баланси SY бўлади

Агар Марказий Банк қатъий валюта курсини ушлаб туришни инкор қилмаса пул массасини кўпайишига йўл қўйишига тўғри келади. Муомалада пул массасини кўпайиши LM эгри чизигини ўнга $LM_2$ ҳолатига суради. Бу силжиш С нуқтасининг $IS_2$ янги чизиги билан

кесишиши BP чизигида жойлашиши учун етарли даражада кўп бўлиши керак.

Шундагина I фоиз ставкаси даражасига келиши мумкин ва у капитал оқими чексиз бўлмаслиги учун зарурдир. С нуқтада даромад А нуқтага қараганда сезиларли юқори. Кўриб турганимиздек, капиталнинг юқори сарфланишида рагбатлантиралаётган бюджет-солиқ сиёсатининг даромадга таъсири узоқ муддатли истиқболда пул массасининг ошишини тўлдиради. Капиталнинг бутунлай сарфланишида бу таъсир янада кучлироқ, чунки биринчидан пуллар бир зумда оқиб кела бошлайди, Марказий банк бу оқимни «стериллашга» ҳаракат қиладими ёки йўқми бунда қатъий назар, иккинчидан, пул массасининг ошиши аҳамиятлироқдир.

### Пул-кредит сиёсати

Энди пул кредит сиёсатини рагбатлантирилишини кўриб чиқамиз. 25-чизмада пул массасини кўпайиши LM эгри чизигини ўнгга $LM_2$ гача суради ва фоиз ставкасини пасайтиради. Аниқроги, фоиз ставкаси тушиб кетган ва капитални чиқиб кетиши кўпаяр эдики, агар иқтисодиёт В нуқтасида қола олганда эди (24-чизма).




25-чизма.

Агар Марказий банк бир вақтнинг ўзида қатъий белгиланган валюта курси ва пул массасининг янги ҳажмини ушлаб туришга ҳаракат қилса, у тез орада валюта захираларидаги бўлган захирани тўлов баланси танқислигини молиялаштиган ҳолда сарфлаб қўярди. Агар у фақат қатъий белгиланган валюта курсини ушлаб туришни афзал кўрса, у миллий валютани қайта сотиб олишга ва пул массасини қисқартиришга мажбур бўлади. Пул массасининг камайиши LM эгри чизигини қайта чапга суради ва унинг олдинги ҳолатига олиб келади. Пул массаси ўзининг А нуқтадаги пул-кредит экспансияси даражасига қайтгандагина, фоиз ставкаси жаҳон даражасига қайтади ва шундагина маҳаллий инвесторлар мамлакатдан капитални олишни тўхтатишади. Натижада пул-кредит сиёсати даромадга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Шундай қилиб, қатъий белгиланган валюта курси шароитида пул массаси муомалада бўлган исталган кўтарилишлар эртами, кечми тўлов баланси орқали чиқиб кетади, Марказий банк бу чиқиб кетишини «стериллаш»ни рад этишга қарор қилганда, бу жараён капитал

сарфланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик тез рўй беради. Капитални бутунлай сарфланиш ҳолатида Марказий банк бу чиқиб кетишини «стериллаш»тира олмайди, қисқа вақтга бўлса ҳам, агар у ўзи хоҳласа ҳам. Бу ерда В нуқтаси гипотетик ҳолат ҳисобланади.

22, 23 ва 24 чизмаларда пул экспансиясидан кейин худди шундай кўринса ҳам, барибир битта қисми ўзгарган. Маълумки, муомаладаги пул массаси мавжуд валюта захираларига ва ички кредит ҳажмига боғлиқдир. Марказий банк пул массасини ички кредитни кенгайтириш орқали амалга оширади.

### Таянч иборалар:

Очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсат. Ўрнатилган валюта курсида барқарорлик сиёсати. Иқтисодий сиёсат ўтказишда қайта ишлаб чиқаришни пойдевори тамойили. Иккита мақсад. Иккита восита. ВР - эгри чизиги. Мендел - Фишер модели. Монетар сиёсат.

### Саволлар:

1. Ўрнатилган валюта курси шароитида макроиқтисодий сиёсат қандай олиб борилади?
2. Солиқ-бюджет сиёсатини ўтказишда IS-LM модели қандай ўзгаради?
3. Монетар сиёсатни ўтказишда Хикс модели қандай ўзгаради?
4. Капиталнинг юқори мобиллигида фискал ва монетар сиёсат оқибатлари қандай бўлади ?
5. Турли мобилликларда фискал ва монетар сиёсат қандай ўтказилади?

### Адабиёт:

1. Агапова Т.А. Серёгина С.Ф. Макроэкономика,16-боб, -М., 2001.
2. Меньюо Н.Г. Макроэкономика, 7-боб, -М.: МГУ Ломоносов, 1996.
3. Макконел К., Брюс. Экономикс, 40-боб, -М., 1993.
4. Долан Э. Макроэкономика, 21-боб. -М.: Прогресс, 1993.
5. Хейне П. Экономический образ мышления, -М.: Дело 1992.

## 7-боб. Ўзгарувчан валюта курси шароитида барқарорлаштириш сиёсати.

### 7.1. Ўзгарувчан валюта курси шароитида макроиқтисодий сиёсат

Юқорида таъкидлаб ўтилдики, қатъий айирбошлаш курсида тенглик кўпинча тўлов балансининг ижобий салдоси ёки дефицити билан кўринади, бироқ, ташқи тенгликни тузиш охир оқибатда давлат сиёсатининг ўзгартирилиши ёрдамида тўғриланиши керак. Шу билан бир қаторда, тўлов балансининг дефицитида Марказий банк валюта захираларини йўқотади ва оқибатда пул массасини қисқартиришга тўғри келади, агар у қатъий айирбошлаш курсини сақлаб қолмоқчи бўлса.

Пулларни таклифини қисқартиришнинг альтернатив варианти бўлиб Марказий банкнинг қатъий айирбошлаш курсини ушлаб туришдан бош тортиши бўлади. Марказий банк тўлов балансини тақчиллиги йўқолмагунча миллий валюта курсини пасайишига имкон беради. Бу мамлакатда ўзгарувчан валюта курси бўлганда автоматик равишда рўй беради.

Ўзгарувчи айирбошлаш курсида ва Марказий банк аралашмаганда умумий тўлов баланси ВР ҳар доим нолга тенг.

$$BP = NX + KA = X - M - mY + KA + K(i - i^*) = 0$$

Алгебра тилида кўрсатилган тенглик ҳар доим адолатли бўлиб қолиши шарт.

График кўринишида иқтисод доим BP графигида бўлиши керак. Агар қандайдир ҳодиса уни бу нуқтадан силжитиш хавфини солса, айирбошлаш курси BP графигини ички мувозанат нуқтасига қадар силжитиш автоматик тарзда бўлади. Аввал кўриб ўтилганидек, миллий валютани арзонлашиб кетиши (нарх пасайиши) BP эгри чизигини ўнга, қимматлашиши (нархни ўсиши) - чапга силжитади. Ўзгарувчан валюта курсида миллий валюта қиймати мувозанатга эришиш учун етарли бўлган даражада доим пасайиб ёки кўтарилиб туради.

Шуни эсда тутиш керакки, ўзгарувчан валюта курсида тўлов баланси нолга тенг бўлиши савдо балансини албатта нолга тенг бўлишини англатмайди. BP эгри чизигини юқори қисмидаги ҳар қандай нуқтадаги юқори фоиз ставкаси капитални жалб қилади, яъни савдо дефицитини молиялаштиради. BP эгри чизигининг пастки қисмида капитални чиқиб кетиши савдо балансининг мусбат сальдоси эвазига қопланади.

Капиталнинг кучли ҳаракатчанлиги.




26-чизма.

Бюджет-солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи натижаларини давлат харажатларини кўпайтиришни ёки солиқларни камайтиришни кўриб чиқамиз.

26-чизмада кўриниб турибдики бюджет-солиқ экспансияси IS эгри чизигини $IS_2$ эгри чизигига суради ва даромадни $Y_2$ даражасига кўтаради. Бундан ортиқ бўлган импорт даражаси савдо балансининг дефицитига олиб келади. Иқтисодиётнинг бу ҳолатига 24-чизмадаги BP графигидаги ўнгроқда жойлашган B нуқтасига тўғри келади. Қатъий ўрнатилган курсда тўлов балансининг танқислигига олиб келувчи ҳолат ўзгарувчан курсда автоматик равишда миллий валюта қийматини пасайишига олиб келади. Бундай пасайиш экспортни кўпайишини рағбатлантиради. Бизга маълумки, BP эгри чизигини ва IS эгри чизигини ўнга ($BP_2$ ва $IS_2$ эгри чизиқларига қадар) сурилишига олиб келади. Шу билан бизга маълумки, валютани қадрсизлашуви BP эгри чизигини IS эгри чизигига нисбатан ўнга тезроқ суришига сабаб бўлади.

Капиталнинг халқаро мобиллигини ҳисобга олганда бизнинг мулоҳазамизда (фикримизда) нима ўзгаради? Юқори фоиз ставкаси ($I_2$) чет элдан капитални жалб қила бошлайди. Капитал ҳаракатининг ҳолати

яхшиланади, бу эса савдо балансининг ёмонлашишини қисман қоплайди. Лекин, капитал мобиллигининг даражаси нисбатан паст бўлганлиги сабабли, тўлов баланси танқислиги сақланиб қолади. Шу билан бирга капитални оқиб келиши шуни билдирадики, рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати натижасида пайдо бўлувчи тўлов балансининг потенциал танқислиги унга аҳамият бермайди, демак, валюта қийматини зарурий пасайтириш даражаси камроқ бўлади. Охир оқибатда валюта қийматини пасайиши BP графигини ўнгга анча масофага суради, бунинг натижасида у IS-LM кесишмасига етиб олади. 24-чизмадаги барча 3 эгри чизиқ С нуқтасида кесишади. Фақат бу ерда ўзгарувчан курсда бўлгани каби тўлов баланси нолга тенг бўлади.

Умуман валюта қийматини пасайтириш кўринишидаги қўшимча рағбатлантиришнинг мавжудлиги бюджет-солиқ экспансиясини сузиб юрувчи курсда, белгиланган курсдагига қараганда даромадни кўп ўсишига олиб келади.

Пул - кредит сиёсатинг ўтказиш.

Ўзгарувчан курсда пул-кредит сиёсатини рағбатлантирувчи натижаларини кўриб чиқамиз (27-чизма).




27-чизма

Пул таклифининг ўсиши LM эгри чизигини ўнгга $LM_2$ гача суради. Даромадни юқори даражаси $Y_2$ импорт маҳсулотга харажатларни ўсишини рағбатлантиради.. Бу эса савдо балансини тақчиллигини олиб келади. Шу билан бирга миллий фоиз ставкаси даражасини пасайиши капитални мамлакатдан чиқиб кетишига олиб келади. Натижада умумий тўлов баланси жуда катта тақчиллик ҳолатига келади.

Ўзгарувчан валюта курсида тўлов баланси тақчиллигини чеклаш учун валюта курси пасайиши керак. Бундай валюта курси қобилиятини пасайиши соф экспортни ўсишини рағбатлантиради ва даромадни ўсишига олиб келади.

Шундай қилиб, BP ва IS эгри чизиқлари Т нуқтада 3та график С нуқтада бир-бири билан кесишмагунча ўнгга сурилади.

Натижада халқаро капитални ҳаракатчанлиги пул сиёсатини самарадорлигидан ошиб кетади.

Пул-кредит сиёсати экспансияси, ўзининг одатдаги роли бўлмиш инвестицияни ва бошқа миллий талаб компонентларини рағбатлантиришдан ташқари, миллий валюта қийматини пасайишини ҳисобига ташқи талабни ҳам рағбатлантиради.

## 7.2. Капиталнинг юқори мобиллиги ҳолатида фискал ва монетар сиёсат ўтказиш

Бюджет-солиқ сиёсати. Капитални юқори мобиллиги шароитида сезиларли даражада ўзгарувчан курс томонидан ҳосил бўладиган қўшимча рағбатлантиришлар йўқотилади (26-чизма). Рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати (IS эгри чизигини $IS_1$ га суриллиш) фоиз ставкасини $I_2$ гача ўсишига олиб келади. Натижада капиталнинг юқори мобиллиги шароитида капитал ҳаракатининг ҳолатини яхшиланиши, савдо балансини ёмонлашувини қоплаш учун етарли ҳисобланади. Тўлов баланси мусбат сальдо билан чиқади В нуқтаси ВР эгри чизигидан юқорида ётади. Бу шуни билдирадики, ўзгарувчан айирбошлаш курсида валюта қиймати тўлов баланси қолдигини тўгрилаш мақсадида ошиб боради. Валюта курсини ошиши натижаси бўлиб, экспортни қисқариши бўлади. IS ва ВР эгри чизиқлари чапга сурилади. Улар ўз ҳаракатини ВРчизиги IS-LM кесишмаларига «етиб» олмагунча ёки график бир нуқтада кесишмагунча давом эттиради. Ички ва ташқи мувозанат С нуқтасида тикланади. Рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати даромадга кам таъсир қилади.

Пул-кредит сиёсати

Капиталнинг юқори мобиллигида пул-кредит сиёсатини рағбатлантириш ҳолатини кўриб чиқамиз (28-чизма)




28-чизма

Аммо мана шундай фоиз ставкаларининг камайишига жавобан капиталнинг мамлакатдан янада кўпроқ чиқиб кетишига олиб келади ва шунга биноан умумий тўлов балансининг янада тақчиллиги пайдо бўлади. Шу тариқа валюта нархининг пасайиши ва экспорт кўпайтиришга рағбатлантирувчи омилларнинг, бундан чиқ. даромаднинг ҳам камайиши В нуқтада капиталнинг паст мобиллиги ҳолатида янада кўпроқ бўлади. IS ва ВР эгри чизиқлари ўнгга силжийди. Ички ва ташқи мувозанат С нуқтада қайта тикланади. Пул массасининг ошиши ҳамда миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида даромад кескин кўпаяди.

Капиталнинг паст харакатчанлиги ҳолатига ўхшаш пул экспансияси LM эгри чизигини $LM_2$ ҳолатига ўнга суради ва бунда фоиз ставкаси I ни пасайтиради ва даромад Y ни ошириб боради.

## 7.3.Капиталнинг мукаммал мобиллиги ҳолатида фискал ва монетар сиёсат ўтказиш.

29-чизмада бюджет -солиқ сиёсатини рағбатлантирувчи ҳолатни кўриш мумкин.




29-чизма

IS эгри чизиги $IS_2$ эгри чизиги ҳолатигача ўнга силжийди. В нуқтада фоизнинг энг юқори ставкаси билан жалб қилувчи капиталнинг келиши чегараланмагандир. Лекин ўзгарувчан курсда миллий валюта қиймати ошади. Бу эса соф экспорт ҳажмини камайтиради ва IS эгри чизигини яна чапга суради. Бу капиталнинг юқори мобиллиги туфайли пайдо бўлган худди ўша ҳолдир. Лекин ҳозир капиталнинг эҳтимол тутилган тушуми ҳамда миллий валюта курсининг кўтарилиш даражаси шунчалар юқорики IS эгри чизиги ўзининг бошлангич А нуқтасига қайтмоқда ва шунинг билан ички ставка фоизининг халқаро ставкадан ошиб кетишига йўл қўймайди. Бу шундан далолат берадики, даромадга хеч қандай таъсир ўтказилмайди. Валюта курсининг чайқалиши пайтида бюджет-солиқ сиёсати бор кучини йўқотиб боради. Ўзгариб турувчи валюта курси пайтида капитал мобиллиги қанча юқори бўлса, бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги шунча паст бўлади. Бу умумий қоидадан ажралиб чиққан энг сўнгги ҳолатдир.

Бироқ, рағбатлантирувчи бюджет - солиқ сиёсатининг ўтказилишидан олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича хеч нарса ўзгармади деган гап эмас. Миллий валюта курсининг кўтарилиши содир бўлди, демак бу савдо баланси аздан балансланган бўлса, ҳозир унда тақчиллик пайдо бўлган. Шу тариқа ЯММнинг умумий ҳажми ўзгармаган бўлса ҳам, унинг таркиби ўзгаради. Ундаги соф экспортнинг улуши камаяди. Давлатнинг харажатлари улуши кўпаяди, чунки агар рағбатлантирувчи солиқ - бюджет сиёсати солиқларнинг камайтирилиши ҳисобига ўтказилганда эди, эҳтиёжга ишлатиладиган тегишли даромад ва ЯММ улуши кўпаяр эди. Инвестициялар сиқиб чиқарилмаганди, чунки фоиз ставкаси ўсмади.

Ўзгарувчан турган курс пайтида капиталнинг юқори мобиллиги бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини пасайтиради деган хулоса мустаҳкам курс ҳолатига умуман қарама-қарши.

**Пул-кредит сиёсати.**

Ўзгараётган валюта курси пайтидаги рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсатини бир ҳолатини кўриб чиқамиз, (30-чизма). LM эгриси $LM_2$ эгриси ҳолатига сурилганда, фоиз ставкаси пасаяди ва B нуқтадаги капиталнинг сезиларли қайтиши ҳамда тўлов балансининг тақчиллиги пайдо бўлади. Айни вақтда даромаднинг ўсиши билан бирга Y соф экспорт қисқаради, бу ҳам тўлов балансининг тақчиллигини кўпайтиради.




30-чизма

Шу билан бирга соф экспорт рағбатлантирилса валютанинг нархи тушади, IS эгри чизиги $IS_2$ эгри чизиги ҳолатига урилиб янада даромадни кўпайтиради. Капиталнинг мукаммал бўлмаган мобиллиги пайтида ҳам шундай бўлган, лекин ҳозир эса мазкур силжиш давом этмоқда.

Шундай қилиб, пул сиёсатида ўзгарувчан валюта курси ва капиталнинг мутлақ (абсолют) мобиллиги шароитида ўз самарадорлигининг энг баланд даражасига эришар экан.

Даромадларнинг сезиларли ўсишдан ташқари капиталнинг мутлақ мобиллигининг яна бир муҳим натижаси бўлиб пул тежамининг ва фақат халқаро сектор орқали намоён бўлиши ҳисобланади. Пул экспансиясининг ҳеч бир омили бу ҳолатда ўзининг одатдаги ички таъсир йўллари орқали намоён бўлиши кузатилмайди, яъни фоиз ставкаларини пасайтириш ва инвестицияларни рағбатлантириш йўлидан фойдаланилмайди.

## 7.4.Макроиқтисодий сиёсатни ўрнатилган ва ўзгарувчан валюта курси шароитларидаги натижаларини таққослаш

Амалда қай бир шароит кўпроқ реал ҳисобланади капитал мобиллигининг мутлақ (абсолют) бўлиши ёки мутлақ бўлмаслиги ё валюта курсининг белгиланган ёхуд эгилувчан бўлишими ?

Албатта, деярли ҳар бир мамлакат қандайдир даражадаги капитал ҳаракатига эга. Аммо, ҳалигача кўпгина давлатлар ўз молиявий

бозорларини эркинлаштириш жараёнидан ортда қолмоқда, ҳаттоки булар ичида индустриал ривожланган давлатлар ҳам борлиги аниқланган. Буларга мисол қилиб Буюк Британия ва Японияни келтириш мумкин, лекин бу давлатларда валютани белгиланган алмашув курси қўлланилади. Европанинг континентал давлатлари Европа валюта системасининг аъзолари (ЕВС) бир-бири билан бўлган муносабатларда нисбатан белгиланган алмашув курсларини ушлаб турдилар ва бу давлатларда капитал ҳаракати учун тўсқинлик қиладиган чеклашларнинг кўпчилиги бекор қилинган. Тўлалигича белгиланган алмашув курслари кўплаб ривожланаётган давлатларга хосдир. Лекин одатда, катта бўлмаган давлатларнинг импортга мойиллиги жуда баланд бўлади, шунинг учун рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати савдо балансида сезиларли танқисликка олиб келади (айниқса, агар давлат ўз маблағларини кўпроқ импорт қилиб олиб келадиган унсурлардан иборат ва фойдаланиши кутилаётган мудофаа воситалари ҳамда йирик инвестицион лойиҳаларга сарфласа).

Кўпчилик ривожланаётган давлатлар, табиий ҳолки кам ривожланган молиявий бозорларга эгадир. Шунинг учун солиқ бюджет экспансияси натижасида фоиз ставкаларини етарли даражада ўсиши кузатилмайди. Лекин агарда фоиз ставкалари жаҳондаги фоиз ставкалари даражасидан ошиб кетса ҳам бу давлатлардаги капиталнинг мобиллиги даражаси одатда жуда ҳам паст бўлади, натижада эса бу тўлов балансининг ҳолатини яхшиланишига эмас, балки ёмонлашувига олиб келади.

Очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат таҳлилини асосий натижаларини кўриб чиқайлик. Жадвалда умумлаштирилган ҳолда рағбатлантирувчи пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларининг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларига, яъни мамлакатнинг даромади мувозанатлаштирилган даражаларига, фоиз ставкасига, валюта курсига, шунингдек, соф экспортга ва валюта резервларига таъсири кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш керакки, макроиқтисодий сиёсат натижалари асосан валюта курсининг тизими ва капиталнинг халқаро мобиллиги даражасига боғлиқ бўлади. Сезиларли натижалар олиш учун керак бўладиган асосий омил жами таклиф эгри чизиғининг кўринишини аниқлашдир. Шуни эслатиб ўтамизки биз иқтисодиётни қисқа муддатдаги давр ичида макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча моделига мос равишда кўриб чиқмоқдамиз, яъни бу ерда биз жами таклиф эгри чизиғини горизонтал деб оляпмиз.

**Капитал мобиллиги паст даражада бўлган давлатларда солиқ бюджет ва пул-кредит сиёсатининг натижалари**

| Таъсир кўрсатиши: | Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати | | Рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати | |
|---|---|---|---|---|
| | Белгиланган Е | Эгилувчан Е | Белгиланган Е | Эгилувчан Е |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Даромадга (Y) | + | ++ | 0 | ++ |
| Фоиз ставкасига (I) | ++ | ++ | 0 | + - |
| Валюта курсига (E) | 0 | - | 0 | - |
| Соф экспортга (NX) | - | + | 0 | + - |
| Валюта резервларига (ΔR) | - | 0 | - | 0 |

**Капитал мобиллиги юқори даражада бўлган давлатларда солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатининг натижалари**

| Таъсир кўрсатиши: | Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати | | Рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати | |
|---|---|---|---|---|
| | Белгиланган E | Эгилувчан E | Белгиланган E | Эгилувчан E |
| Даромадга (Y) | + | + | 0 | ++ |
| Фоиз ставкасига (I) | + | + | 0 | + - |
| Валюта курсига (E) | 0 | + | 0 | - |
| Соф экспортга (NX) | - | - | 0 | + - |
| Валюта резервларига (ΔR) | + | 0 | - | 0 |

**Мутлақ капитал мобиллиги мавжуд бўлган давлатлардаги солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатларининг натижалари**

| Таъсир кўрсатиши: | Рағбатлантирувчи солиқ-бюджет сиёсати | | Рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати | |
|---|---|---|---|---|
| | Белгиланган E | Эгилувчан E | Белгиланган E | Эгилувчан E |
| Даромадга (Y) | +++ | 0 | 0 | +++ |
| Фоиз ставкасига (I) | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Валюта курсига (E) | 0 | + | 0 | - |
| Соф экспортга (NX) | - | - | 0 | + - |
| Валюта резервларига (ΔR) | + | 0 | - | 0 |

Маълумотларни таҳлил қилиб кўрсак шундай бир асосий натижани кўришимиз мумкин: ўзгарувчан (сузувчи) валюта курси шароитида пул-кредит сиёсатининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмини (даромадни) ўзгаришига таъсир даражаси капитал мобиллиги даражаси қанчалик юқори бўлса шунчалик юқори бўлар экан. Шуни эътиборга олиш керакки, белгиланган валюта курси шароитида эса аксинча, пул-кредит сиёсати қарама-қарши натижаларга олиб келар экан.

Марказий банк белгиланган валюта курси тизимини қўллаб-қувватлашга қарор қилаётганида капитал мобиллигининг юқорироқ даражада бўлиши шуни англатадики, ички кредит ҳажмининг ҳар қандай ўсиши капиталнинг тўлов баланси орқали мамлакатдан «оқиб» чиқиб кетишини англатади.

Ҳар қайси давлат муомаладаги пул массасини белгиланган даражада ушлаб туриш йўлини танласа ва валюта курсини назорат қилинишига йўл қўйса, бу ҳолда капитал мобиллиги даражасини юқорилиги шуни англатадики, ҳар қандай пул-кредит экспансияси миллий валюта курсини пасайишига олиб келиши орқали қўшимча натижа беради. Шу сабабли бу ҳолат молиявий бозорларини ривожланиши тезлашган ва жаҳон бозорлари билан интеграция жараёни интенсив бораётган давлатларда белгиланган валюта курси тизимидан ўзгарувчан (сузувчи) валюта курси тизимига ўтишнинг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади, агарда шу давлат ўзини мустақил пул-кредит сиёсатини юридик имкониятига эга бўлишни хоҳласа.

Мутлақ капитал мобиллиги шароитида пул-кредит сиёсатининг натижалари солиқ-бюджет сиёсати натижаларига қарама-қарши бўлади. Бунга сабаб фоиз ставкасининг ўзгариши ҳисобланади. Яъни пул массасини ўсиши фоиз ставкаларини пасайтирилиши орқали амалга оширилади ва мамлакатдан капитални оқиб кетишига олиб келади. Бундай натижа белгиланган валюта курси тизимида даромаднинг ўсишидан айириб ташланади ва аксинча агарда валюта курсини ўзгариши назарда тутилса, даромаднинг ўзгаришига қўшилади. Бошқа тарафдан эса, солиқ-бюджет экспансияси фоиз ставкасини ошириш орқали амалга оширилади ва капиталнинг давлатга оқиб келишига сабаб бўлади. Шунинг учун солиқ-бюджет сиёсати натижалари пул-кредит сиёсати орқали эришилган натижаларга қарама-қарши бўлади; яъни белгиланган валюта курси шароитида даромаднинг қўшимча кенгайиши юз беради ва сузувчи валюта курси шароитида даромадлар ўсишини пасайиши кузатилади.

Агарда капитал мобиллиги мутлақ даражада бўлса, ўзгарувчан валюта курси шароитида солиқ-бюджет сиёсати ўз самарадорлигини чўққисига эришади, лекин пул-кредит сиёсати ўз самарасини йўқотади ва бунда капитал мобиллиги даражаси аҳамиятга эга бўлмайди. Бундай хулосага келишимизга сабаб шундаки, капиталнинг ҳар қандай чексиз оқимлари потенциал равишда фоиз ставкасини даражасини жаҳон миқёсидаги фоиз ставкаси даражасидан четлашига йўл

қўйилмаслигидадир. Иккала ҳолатда ҳам фақатгина IS эгри чизигини даромад даражасини белгилаб беради ва LM эгри чизигини ички кредитларни ошириш орқали силжитиш ҳеч қандай самара бермайди, чунки вужудга келган янги пуллар дарҳол мамлакатдан «оқиб» чиқиб кетиши кузатилади.

Ўзгарувчан валюта курси шароитида ва мутлақ капитал мобиллиги шароитида эса, аксинча, солиқ-бюджет сиёсати тўлалигича ўз кучини йўқотиб, пул-кредит сиёсати эса ўз самарадорлигини чўққисига эришади. Ўзгарувчан валюта курслари мамлакатга ўз пул мустақиллигини тиклаб олиш имкониятини беради, ҳаттоки мутлақ капитал мобиллиги шароитида ҳам, LM эгри чизиги эса фақат Марказий банк атайин ўз пул сиёсатини ўзгаришига қарор қилсагина силжиши мумкин.

**Таянч иборалар:**

Ўзгарувчан алмашув курси. Савдо баланси ва капиталнинг ўзгарувчанлиги. Фискал сиёсат. Монетар сиёсат. Даромаднинг ўсиши. Тўлов балансидаги ўзгаришлар. Вақт оралиги. Ноаниқлик омили. Кутиш омили. Сиёсий чегаралар.

**Саволлар:**

1.Ўзгарувчан валюта курси шароитида қандай макроиқтисодий сиёсат ўтказилади ?

2.Капиталнинг қуйи мобиллиги ҳодисаси қандай бўлади?

3.Солиқ-бюджет сиёсатини ўтказишда IS-LM модели қандай ўзгаради?

4.Монетар сиёсат ўтказишда Хикс модели қандай ўзгаради?

5.Капиталнинг юқори мобиллиги шароитида фискал ва монетар сиёсат қандай олиб борилади?

6.Капиталнинг мутлақ мобиллиги нима?

**Адабиёт:**

1.Агапова Т.А. Серёгина С.Ф. Макроэкономика. 16 боб, -М., 2001.

2.Менкю Н.Г. Макроэкономика, 7 боб, -М.: МГУ Ломоносова, 1996.

3.Макконел К., Брю С. Экономист. 40 боб, -М., 1993.

4.Долан Э. Макроэкономика. 16 боб, -М.: Прогресс, 1993.

5.Хейне П. Экономический образ мышления. 21 боб. -М.: Дело, 1992.

## 8-боб. Капитални қарз олиш муаммолари

### 8.1.Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзи: миқдорий баҳолашнинг таърифи, кўрсаткичлари ва муаммолари

Давлат қарзи - бу мамлакатнинг давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғоз эгаларига бўлган қарзларининг умумий миқдори бўлиб, у олдинги бюджет дефицитлари йиғиндисидан олдинги бюджет йиғиндисининг айирмасига тенг. Ички давлат қарзи давлатнинг ҳукумат томонидан чиқарилган қимматли қоғоз эгалари бўлган ушбу мамлакат фуқаролари, фирмалари ва корхоналарига бўлган қарзи. Ташқи қарз-давлатнинг чет эл фуқаролари, фирмалари ва корхоналарига бўлган қарзи. Хусусий қарз нодавлат секторининг хусусий қимматли қоғоз эгаларига бўлган қарзларининг умумий миқдори.

Давлат қарзи ва хусусий қарз «даромад харажат» доиравий айланиш унсурлари ҳисобланади. Даромадларнинг ўсиши билан уй-хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё томонидан фойдаланиши керак бўлган жамғармалар ҳам ўсади. Қарзни ҳосил қилиш бу шундай механизмки, унинг ёрдамида харажат қилувчи шахсларга жамғарма берилади. Агар истеъмолчи ва бизнес қарз олишга мойил бўлмаса ва хусусий қарз керакли даражада ўсмаса, бу функция давлат қарзини кўшилгча ўсиши билан бажарилади. Акс ҳолда иқтисодиёт ресурсларнинг тўла бандлиги ҳолатидан чекланади.

Бюджет тақчиллиги давлат харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқни ифодалайди. Бюджет тақчиллиги ва қарзни миқдорий баҳолаш қуйидаги омиллар ҳисобига объектив тарзда қийинлашади:

1) датда давлат харажатлари миқдорини ҳисоблашда иқтисодиет секторидаги амортизация ҳисобга олинмайди. Бу эса бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини объектив тарзда юқори кўтарилишига олиб келади.

2) Давлат харажатларининг муҳим моддаси бўлиб, қарз фоизини тўлаш ва аста-секин қарзларнинг асосий қисмини узиш амалга оширилади.

Давлат харажатлари ҳисобига давлат қарзи бўйича номинал фоиз, «$R_n$ Д» ни эмас, балки реал фоиз «$R_r$ Д» ни киритиш керак. Бу ерда $R_r$ - реал, $R_n$ номинал фоиз ставкаси. Д - давлат қарзи миқдори. Ҳисоботлари эълон қилинган расмий бюджет кўп ҳолларда Д катталикка эга бўлади. Инфляциянинг юқори суръатларида ушбу хатолик катта бўлиши мумкин, чунки инфляцияни юқори ўсиш суръатларида реал фоиз ставкаси қуйидагига тенг.

$$R_r = \frac{R_n - \pi}{1 + \pi}$$

Бюджет тақчиллигини юқори кўрсатилиши давлат харажатлари миқдорининг қарз бўйича инфляция фоиз тўловлари ҳисобига катталашуви билан боғлиқ. Шундай вазиятлар ҳам бўлиши мумкинки.

бунда давлат бюджети номинал тақчиллиги ва номинал қарзи ўсади, реал ва қарз эса пасаяди, бу эса бюджет - солиқ сиёсатини самарадорлигини баҳолашни қийинлаштиради. Шунинг учун бюджет тақчиллигини ҳисоблашда инфляцияга доир тузатиш киритиш керак.

Давлат бюджетининг реал дефицити = Давлат бюджетининг номинал дефицити — Йил бошидаги давлат қарзи миқдори X Инфляция ўсиш суръати

3) Давлат бюджетининг тақчиллигини макро даражада баҳолашда, одатда маҳаллий бюджетлар ҳолати ҳисобга олинмайди. Зеро, улар бюджет ортиқчаликларига эга бўлиши мумкин. Кўпинча маҳаллий ҳокимият органлари давлат бюджетига солиқ чегирмаларини камайтириш учун маҳаллий бюджетнинг ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотларни бузиб кўрсатишади. Ушбу қонуният ҳамма ўтаётган иқтисодиётларга хос бўлиб, бунда фискал реализиацияси тенденцияси бор. Бу қонуният фискал марказлаштиришдан четлаштириш тенденциясига эга бўлган ўтиш иқтисодиётига хосдир. Натижада, давлат бюджети тақчиллигини баҳолашда бюджет тақчиллигини юқорироқ кўрсатиш юзага келади.

4) Ўлчанадиган (расмий) давлат бюджети тақчиллиги билан бир қаторда тақчиллик ҳам бор. У Марказий банкнинг, давлат корхоналарининг ва тижорат банкларининг квази фискал фаолиятига боғлиқ.

Квази фискал фаолиятга қуйидагилар киради:

а) Марказий банкдан, иқтисодий ислоҳотларни бошлангич босқичда, чиқиб кетган тижорат банкларидан ишламайдиган ссудаларнинг (давлат корхоналарини муддати ўтган қарз мажбурийятлари, уй хўжаликларига имтиёзли кредитлар) катта портфелини йиғилиши.

б) Давлат корхоналари томонидан ортиқча бандликни молиялаш ва иш ҳақи ставкаларини тўлаш бозордагидан банк ссудалари ёки ўзаро қарзнинг тўланиши ҳисобига баландроқ бўлади.

в) Марказий банкнинг валюта алмашинув курсини мувозанатлаш тадбирларидан кўрилган зарар давлатга фоизсиз ва имтиёзли кредитларни ва ўз кучини йўқотган қарзга хизмат кўрсатиш бўйича тижорат банкларига ҳисоб ставкаси бўйича кредитларни молиялаши, шунингдек, Марказий банкнинг имтиёзли ставкалар бўйича қишлоқ хўжалигини, саноатни ва уй хўжалиги дастурларини молиялаши ва ҳ.к.

Яширин бюджет тақчиллиги амалдаги бюджет тақчиллиги камайтиради. Бу нарса кўп ҳолларда маълум бир мақсадни кўзлаб қилинади. Масалан йиллик баланслашган бюджетни тузишга қаратилган ҳужжатнинг «қаттиқ» курси чегарасида ушбу ҳолат амалга оширилади.

Шундай қилиб, бюджет ва давлат қарзининг мутлақ миқдори ишонарли макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлиб хизмат қила олмайди.

Шунинг учун нисбий қарз кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

| | | |
|---|---|---|
| 1) | Қарз / ЯММ | Узоқ муддатли даврда қарз оғирлигини характерлайдиган захира кўрсаткичлари, яъни миллий иқтисодиётнинг ўтган даврдаги чет эл капиталининг кириб келиши оқимига боғлиқлиги даражаси. |
| 2) | Қарз / Товар ва хизматлар экспорти | |
| 1) | Қарзга хизмат кўрсатиш суммаси / ЯММ | Оқим кўрсаткичлари: у қанчалик катта бўлса, шунчалик тўлов балансини мувозанатлаб турувчи ташқи савдо ва валюта сиёсатлари активи, қисқа муддатли корректировка қилиниши керак. |
| 2) | Қарзга хизмат кўрсатиш суммаси / Товар ва хизматлар экспорти | |

Макроиқтисодий таҳлилда шунингдек, солиштирма динамик кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади:

ЯММ / Мамлакат аҳолисининг сони ва Қарз / Мамлакат аҳолисининг сони

## 8.2.Барқарор бюджет тақчиллиги ва давлат қарзини кўпайишининг асосий сабаблари

Барқарор бюджет тақчиллигининг ва давлат қарзи ўсишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) давлат харажатларини уруш вақтида ёки бошқа ижтимоий зиддиятлар даврида ўсиши. Бюджет тақчиллиги бўйича молиялаш қисқа муддатли даврда инфляцион тенгликни қисқартирилиши имконини беради.

б) даврий тушиш ва иқтисодиётга ўрнатилган стабилизатор.

в)солиқларни иқтисодиётни мувозанатлаш мақсадида қисқартириш.

Давлат бюджетига солиқ тушумларини Т ва солиқ миқдори кўрсаткичлари V узоқ муддатли истиқболда пасайиши тенденцияга эга.

Чунки:

1)Иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида солиқ «юнаси» камайтирилади.

2)Солиқ тўлашнинг ҳамма тизимлари сезиларли даражада солиқлар имтиёзларини ўзида мужассамлаштиради.

3) Кўп ҳолларда йиғиб олинган солиқ ҳажми солиққа тортишни ёмон ташкил қилиниши туфайли пасаяди. Ушбу омил ўтиш иқтисодиётларида яққол кўринади.

4) Ўтаётган иқтисодиётларда бюджет - солиқ тушумлари, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳаларидаги инқирози натижасида ҳам пасаяди.

5) Сиёсий бизнес циклининг охирги йилларда таъсирини кучайиши.

6) Бюджет - солиқ соҳасида узоқ муддатли зиддиятли ошиши натижасида:

- Ижтимоий таъминотга ва соғлиқни сақлашга қаратилган давлат харажатларининг ўсиши.

- Таълим соҳасига ва янги иш жойларини ташкил қилишга қаратилган давлат харажатларининг ўсиши.

### 8.3.Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги ва қарзни ўзидан - ўзи кўпайиш механизми. Давлат қарзи, солиқлар, инвестициялар ва иқтисодий ўсиш

Иқтисодий ўсишнинг омилларидан бири бўлиб қуйидаги нисбат ҳисобланади:

$$\frac{\text{Қарз}}{\text{ЯММ}}$$

Ушбу нисбат динамикаси қуйидаги омилларга боғлиқ:

а) Қарз бўйича фоиз тўловларининг миқдорини белгилайдиган реал фоиз ставкаси миқдори.

б) Реал ЯММ ни ўсиш суръати.

в) Давлат бюджетининг бирламчи дефицити миқдори.

Давлат бюджетининг бирламчи дефицити миқдори билан қарз бўйича фоиз тўловлари ўртасидаги фарқни ифодалайди. Бирламчи дефицит узоқ муддатли молиялашда қарзни асосий миқдори ва қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти ҳам ўсади, яъни иқтисодиётдаги қарз миқдори ўсади, бирламчи ортиқчани ўсиши қарзни ўз-ўзидан ишлаб чиқаришни олдини олиш имконини беради:

$$\text{ВД ум} = (G + N + F) - T$$

G - давлат харажатлари

N - қарзга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар;

F - трансферт тўловлари;

T - бюджетга солиқ тушумлари.

$$\text{Бирламчи ВД} = (G + F) - T$$

$$N = D \times Rr$$

D - қарз миқдори.

Rr - реал фоиз ставкаси.

Давлат қарзини ўз-ўзидан ўсиш механизми:
Бирламчи ВД => давлат заёмлари => давлат қарзи => N => янги давлат заёмлари => ва х. к.

Агар реал фоиз ставкаси реал ЯММнинг ўсиш суръатидан юқори бўлса, унда давлат қарзини ўсишни бошқариб бўлмайдиган ҳолатга тушади, яъни реал ЯММнинг ўсиши қарзга хизмат кўрсатиш бўйича фоизларни тўлашга кетади ва қарз оғирлигини характерлайдиган қарз ЯММ га нисбатан ўсади.

Қарз динамикасини прогнозлаш учун қуйидаги тенгликдан фойдаланилади.

$$\Delta \Lambda = \Lambda \left( Rr - \frac{\Delta Y}{Y} \right) G$$

Бу ерда:
$\Delta \Lambda$ - қарз ЯММ нисбатининг ўзгариши;
$\Lambda$ - қарз ЯММ нисбатининг бошланғич ҳолати;
$Rr$ - реал фоиз ставкаси;
$\frac{\Delta Y}{Y}$ - реал ЯММнинг ўсиш суръати.
$G$ - ЯММ даги бирламчи бюджет ортиқчалиги салмоғи.

Қарзни ЯММ нисбатини пасайтириш учун қуйидаги 2 та шарт бўйилиши керак:
1)Реал фоиз ставкаси ЯММнинг ўсиш суръатидан паст бўлиши керак.
2)ЯММда бирламчи бюджет ортиқчалиги салмоғининг ўсиши доимий бўлиши керак. Давлат бюджетида бирламчи дефицитнинг бўлиши қарз оғирлиги ўсишининг омили ҳисобланади.

Солиқларни кўпайтириш давлатнинг қарзга хизмат кўрсатиш бўйича фоизларини тўлаш ва унинг асосий қисмини сўндириш учун керакли кўп маблағни олиш усулларидан бири ҳисобланади. Қарзга хизмат кўрсатиш графигига риоя қилиш учун давлат N дан кичик бўлмаган солиқ кўринишидаги кўп маблағлар суммасини йиғиши керак. Бу нарса N: ЯММ нисбати даромад солиғи ставкаси қуйи чегараси эканлигини англатади:

$$\frac{N}{Y} < \frac{T}{Y}$$

Бу ерда:
Y - жами даромад;

Бу ерда давлатнинг қарзга хизмат кўрсатишдан ташқари яна бошқа харажатларини мобилизациялаш ҳисобига оладиган бўлсак, унда шарт қуйидаги тенглик кўринишига эга бўлади:

$$\frac{T}{Y} < \frac{G}{Y} + \frac{N}{Y} + \frac{P}{Y};$$

Бу нарса бюджет V солиқ соҳасидаги тенгликнинг ўсиши ҳақида далолат беради.

Солиқларни ўсайтган қарзга хизмат кўрсатиш воситаси сифатида ўсиши меҳнатга, инновацияга ва инвестициялашга бўлган иштиёқини сусайтиради. Шунинг учун катта миқдордаги давлат қарзи иқтисодий ўсишни билвосита чегаралайди.

Ушбу чеклашларни ва солиқларнинг ўсишини олдини олиш учун давлат қарзини янгидан молиялаштириш керак, яъни янги давлат заёмларини чиқариш ва ундан тушган маблағларни эски қарзлар бўйича фоизларни тўлашга сарфлаш керак. Давлат ҳар доим солиқларни оширишни давлат қарзини янгидан молиялаштириш ва бюджет тақчиллигини янги пул чиқаришдан монетизация бирини танлаш имкониятига эга бўлгани учун, банкрот бўлиши хавфи қарз салмоқли бўлганда ҳам бўлмайди.

Давлат бюджети дефицитининг қарз билан боғлиқ бўлган молиялаш фоиз ставкасини оширади ва инвестиция харажатларини камайтиради. Хусусий сектор истеъмол товарлари ёки инвестиция товарлари ишлаб чиқарилиши мумкин. Агар давлат харажатларининг ўсиши хусусий сектордаги инвестицияга оид товарларни ишлаб чиқаришни сиқиб чиқарса, унда ҳозирги авлоднинг истеъмол даражасига таъсир қилмайди.

Ушбу самара қуйидаги ҳолатда, яъни давлат харажатларининг кўпинча ўсиши истеъмол характеридаги харажатларининг ўсиши ҳисобига бўлса.

Давлат инвестициялари хусусий инвестициялар каби иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлайди. Агар давлат харажатларининг кўпинча ўсиши инвестиция харажатлари кўринишида бўлса, унда келажак авлод қўлида бўладиган ишлаб чиқариш потенциали камаймайди, балки уларнинг тузилиши давлат капитали салмоғининг ўсиши томонига ўзгаради. Бироқ бунда хусусий инвестициялар сиқиб чиқарилиши мумкин. Бу эса аҳолининг жорий истеъмол имкониятларини чеклаб қўяди.

*Истеъмолчиларнинг давлат қарзларини ўсиш шартларидаги хатти-ҳаракатлари бир-бирига зид бўлиб, бу нарса қарзига нисбатан анъанавий қарашлар билан Рикардоча қарашлар тарафдорлари ўртасидаги баҳс, мунозарада ўз аксини топади.*

Анъанавий қарашга кўра давлат заёмлари ҳисобига молиялаштирилайотган солиқларни пасайиши ва қарзларни тўпланиши жамғармаларининг қисқаришига ва истеъмол харажатлари ўсишини рағбатлантиришга олиб келади. Истеъмолнинг ўсиши қисқа муддатли даврда ялпи талабнинг ўсишига, жамғармаларининг камайишига ва иқтисодий ўсишнинг чегараланишига олиб келади.

Рикардочилар қарашларига кўра давлат харажатларининг ўсиши ҳисобига молиялаштирилайотган солиқларнинг пасайиши истеъмол

харажатларининг ўсишини юзага келтирмайди, балки фақат қандайдир маънода, солиқ оғирлиги ҳозирги авлоддан келажак авлодга қайта тақсимланади.

Ушбу 2 концепциянинг ҳар бирини тўлалигича рад қилиб бўлмайди ва улар бюджет - солиқ сиёсатини аниқ моделларини шаклланишига ўз таъсирини ўтказади.

Шунинг учун давлат қарзини ўсиши шароитидаги бюджет - солиқ сиёсатининг фаолиятини баҳолаш чуқур макроиқтисодий таҳлилни талаб қилади.

### 8.4.Ички ва ташқи қарзларнинг ўзаро боғлиқлиги. Давлат қарзи ва тўлов балансининг тақчиллиги

Қачонки рағбатлантирилган фискал сиёсат инфляция даражасини пасайтириш мақсадида пул таклифини чегаралаш билан олиб борилса, бюджет тақчиллигини қарз бўйича молиялашда фоиз ставкалари сезиларли даражада кўтарилади. Давлат бюджет тақчиллиги қарз ҳисобига молиялаш пулга талабни оширади, Марказий банк эса пул таклифини чегаралайди. Ушбу чора тадбирларни бирга олиб борилиши фоиз тўловларини тез ўсишини рағбатлантиради

Ички бозорда фоиз ставкаларини ўсиши ушбу мамлакатнинг қимматли қоғозларига бўлган чет эл талабини оширади, бу нарса капитал келиши оқимини ҳосил қилади ва ташқи қарз миқдорини оширади. Ташқи қарзга хизмат кўрсатиш реал махсулот ишлаб чиқаришнинг бир қисмини бошқа мамлакатлар қарамоғига беришни талаб қилади, бу эса келажакда миллий ишлаб чиқаришни қисқаришига олиб келиши мумкин.

Мамлакат қимматли қоғозларини ўсишига чет эл талаби уларни сотиб олиш учун керак бўладиган миллий валютага нисбатан умум дунё талабини ошиши билан бирга юз беради. Бу экспортни камайишига ва импортни кўпайишига олиб келади. Соф экспортнинг қисқариши иқтисодиётга ушлаб турувчи таъсир кўрсатади, экспорт қилувчи ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ва бандлик пасаяди, ишсизлик даражаси ўсади. Шунинг учун бюджет дефицитининг биринчи рағбатлантирувчи таъсири нафақат сиқиб чиқариш самараси ҳисобига, балки соф экспортнинг салбий самараси ҳисобига ҳам кўпаяди. Лекин айни пайтда капитални кириб келиши ички ресурсларни оширади ва ички бозорда фоиз ставкаларини нисбий пасайиши сиқиб чиқариш самарасига нисбатан қисқаради

Салбий савдо баланси билан боғлиқ жорий жараёнлар ҳисобининг дефицити қуйидаги шаклларини қабул қила оладиган соф капитал ҳисобига молиялаштирилади:

1)Халқаро заёмлар. Чет мамлакатлардан, Халқаро валюта фондидан, Халқаро банкдан ёки чет элда жойлашган тижорат банклардан заёмлар ташқи қарз миқдорини оширади.

2)Чет эл инвесторларига активларни сотиш. Узоқ муддатли активларни сотишдан тушган маблағ жорий операциялар бўйича тўлов баланси тақчиллигини молиялашга ишлатилади.

3)Тўғри инвестициялар. Бунга мамлакатга чет эл валютасини янги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил қилиш мақсадида олиб кириш киради. Ушбу валюта жорий ҳисобнинг тақчиллигини қоплаш учун ишлатилиши мумкин.

4)Захиралардан фойдаланиш. Мамлакат тўлов балансини мувозанатлаш учун ўзининг расмий захирасидаги чет эл валюталарининг бир қисмини ишлатиши мумкин.

Ушбу юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирлардан бирининг амалга оширилишида мамлакатнинг соф чет эл активлари пасаяди.

Тўлов баланси инқирози билан ташқи қарз инқирозини бирлашиш хавфи қуйидаги ҳолатда, яъни қачон давлат қарзни жорий операция тўлов тақчиллиги миқдоридан сезиларли даражада кўп чет эл заёмлари ҳисобига кўпайтирса содир бўлади. Агар ушбу заёмлар миллий иқтисодиётга инвестиция қилишга эмас, балки бошқа давлатларда маълум бир миқдорда чет эл активларини сотиб олишга ишлатилса.

Шундай макроиқтисодий сиёсат ва капитал кочиши 1982 йилда ташқи қарз бўйича жаҳон инқирозининг келиб чиқиши сабаби бўлди. Бунда бир неча ўн қарздор мамлакатлар ўзларининг мажбуриятлари бўйича қарзни тўлай олмаслик ҳолатида эканликларини айтдилар. Катта миқёсдаги ушбу ҳодиса қарзни қайта таркиблаш (реструктуризация қилиш) бўлди. Бунда унга хизмат кўрсатиш шартлари қайта кўриб чиқилади. Қайта таркиблаш давлат бирин чи бор келишувга асосан берилган заёмларни ўз вақтида тўлай олмаслик шароитида амалга оширилади.

## 8.5.Қарз билан боғлиқ тангликк сабаблари ва давлат қарзини бошқариш стратегияси

Ташқи қарздорлик сабаблари қуйидагилар:

1)80-йилларда жаҳон хўжалиги конъюктураси реал фоиз ставкаларини ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви ва товар нархларининг пасайиши билан боғлиқ бўлган ёмонлашуви. Реал фоиз ставкасининг ўсиши хизмат кўрсатиш коэффициентининг ўсишига олиб келди. Қарздор мамлакатларнинг экспортини истеъмол қилувчи мамлакатларда товар нархларининг пасайиши ва ЯММ нинг ўсиш суръатини секинлашиши қарздор мамлакатлар учун қарзни тўлашнинг асосий манбаи бўлган экспорт камайишига ва экспортдан тушадиган даромаднинг пасайишига олиб келди. Натижада қарздор мамлакатлардан қарз оғирлиги ошди, чунки айни бир пайтда экспортдан тушадиган даромад пасайди ва қарзга хизмат кўрсатиш миқдори ошди.

2)Қарздор мамлакатларда иқтисодиётни қониқарсиз бошқарилиши. Умумий амалиёт бўлиб бюджет дефицити ва миллий валютанинг юқори курси хизмат қилди. Яқинлашиб келаётган валюта девальвациясида алмашув курсини кўтариш амалиёти чайқовчилик билан кузатилади. Валюта чайқовчилиги тез ўсувчи импорт шаклини ёки мамлакатдан чиқиб кетувчи «қочоқ» капитал шаклини олади, бу эса

мамлакат тўлов балансини ёмонлаштиради. Ушбу ҳолат ташқи заёмлардан [illegible] мақсадда фойдаланилмаганлиги туфайли, яъни ушбу заёмлар [illegible] [illegible] [illegible] фоизи билан [illegible] инвестицион [illegible] [illegible], [illegible] [illegible] ҳожайликлари [illegible] ривож топмайдиган дастурларни [illegible] туфайли юз беради.

3) Нотўғри макроиқтисодий сиёсат тижорат банкларининг [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]. [illegible] [illegible] янги заёмлар беришни сўраганда тижорат банклари тез ўсиб борувчи қарз микдорига эътибор бермай мамлакатларга ушбу [illegible] берганлар. Кредиторларнинг бундай ҳаракати бир қатор сабабларга асосланган. Улар қуйидагилар:

а) 1973 - 1974 йиллардаги ва 1979 - 1980 йиллардаги нефть шоклари дунё даромадининг салмоқли қисмини нефть [illegible] мойиллиги катта бўлган экспорт қилувчи мамлакатларга қайта тақсимлаш учун восита бўлиб хизмат қилди. Уларнинг иқтисодиётига катта инвестициялар қилиш учун жамғармаларнинг тўпланиши жараёнида, ушбу мамлакатлар лавҳида шаклидаги кредитлар беришлар [illegible] халқаро кредитлаш учун ресурсларни капиталлашишида манбаи бўлиб хизмат қилди.

б) Ушбу янги молиявий воситалар қарздор мамлакатларга [illegible] кредит шаклида берилар эди, шу вақтда қолусталар [illegible] инвестицион вазият ноаниқ эди. Шу билан бирга Шу билан бирга тўғри чет эл инвестицияларини чегаралаганлар [illegible] [illegible] қилиш ҳуқуқсиз, фоиз остида берилган ташқи заёмлардан [illegible] фойдаланардилар, бу эса ташқи қарз ўсишини рағбатлантирарди.

в) Катта тижорат банклари рақибларидан устун келиш [illegible] шундай [illegible] тўпламларни [illegible] [illegible] [illegible] қидирардилар.

Натижада халқаро кредитни [illegible] 1985 йилга келиб тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий миқдори улар томонидан қарзга хизмат кўрсатиш ва [illegible] [illegible] [illegible] ундириладиган тўловлардан кўра камайди. Бу нарса эса қарздор мамлакатлардан молиявий ресурсларнинг салмоқли қисмининг чиқиб кетишига олиб келади.

Бевосита 80- йиллар дунё конъюнктураси билан боғлиқ бўлган ташқи қарздорлик инқирозининг даврий қайтарилишининг умумийроқ сабаби, мустақил қарздор мамлакатларнинг қарз бўйича тўловлардан воз кечишга бўлган кучли рағбатининг борлиги бўлди.

Қарздор мамлакат чет эл заёмларини маълум бир вақтга қадар жалб қилади, яъни кредитлар миқдори, фоиз тўловлари ва унинг асосий қисмини амортизация қилиш шаклида тўланиб қолган қарзга хизмат кўрсатиш бўйича капиталлар оқиб кетиши миқдоридан ошгунича қадар. Сўнгра эса тўловларни тўлашни тўхтатиши тўғрисида эълон қилади. Халқаро ҳисоб - китоблар қарздор мамлакатларнинг қарз тўловларидан воз кечишни, уларнинг қарзга хизмат кўрсатиш учун ресурсларга эга бўлмаган ҳолларда эмас, балки бу нарса улар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлганида амалга оширилади.

мамлакат тўлов балансини ёмонлаштиради. Ушбу ҳолат ташқи заёмлардан [illegible] масалада [illegible] туфайли, яъни ушбу заёмлар [illegible] даромадини [illegible] инвестицион [illegible] ривож топмаганлиги [illegible] туфайли юз беради.

3) Нотўғри макроиқтисодий сиёсат тижорат банкларининг [illegible]. [illegible] янги заёмлар беришни сўраганда тижорат банклари тез ўсиб борувчи қарз миқдорига эътибор бермай мамлакатларга ушбу [illegible] берганлар. Кредиторларнинг бундай ҳаракати бир қатор сабабларга асосланган. Улар қуйидагилар:

а) 1973 - 1974 йиллардаги ва 1979 - 1980 йиллардаги нефть шоклари дунё даромадининг салмоқли қисмини эгаллаган жамғармаларни мойлиликни катта бўлган экспорт қилувчи мамлакатларга қайта тақсимлаш учун восита бўлиб хизмат қилади. Уларнинг иқтисодиёти катта инвестициялар қилиш учун жамғарманинг тўпланиши жараёнида, ушбу мамлакатлар [illegible] кредитлар беришда [illegible] халқаро кредитлаш учун ресурсларни катталашишига манба бўлиб хизмат қилган.

б) Ушбу янги молиявий воситалар қарздор мамлакатларга [illegible] кредит шаклида берилар эди, шу вақтда индустриал [illegible] инвестицион вазият ноаниқ эди. Шу билан бирга [illegible] билан [illegible] тўғри чет эл инвестицияларини чегаралар [illegible] ва [illegible] қилиш ҳуқуқсиз, фоиз остида берилган ташқи заёмлардан [illegible] фойдаланардилар, бу эса ташқи қарз [illegible] рағбатлантирарди.

в) Катта тижорат банклари рақибларидан устун келиш [illegible] шундай [illegible] йўлларни [illegible] олиш [illegible] қидирардилар.

Натижада халқаро кредитни активлаштириш 1985 йилга қадар тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий миқдори улар томонидан қарзга хизмат кўрсатиш ва [illegible] ундириладиган тўловлардан кўра камайди. Бу нарса эса қарздор мамлакатлардан молиявий ресурсларнинг [illegible] [illegible] чиқиб кетишига олиб келади.

Бевосита 80- йиллар дунё конъюктураси билан боғлиқ бўлган ташқи қарздорлик инқирозининг даврий қайтарилишининг умумийроқ сабаби, мустақил қарздор мамлакатларнинг қарз бўйича тўловлардан воз кечишга бўлган кучли рағбатнинг борлиги бўлди.

Қарздор мамлакат чет эл заёмларини маълум бир вақтга қадар жалб қилади, яъни кредитлар миқдори, фоиз тўловлари ва унинг асосий қисмини амортизация қилиш шаклида тўланиб қолган қарзга хизмат кўрсатиш бўйича капиталлар оқиб кетиши миқдоридан ошгунича қадар, сўнгра эса тўловларни тўлашни тўхтатиш тўғрисида эълон қилади. Халқаро ҳисоб - китоблар қарздор мамлакатларнинг қарз тўловларидан воз кечиши, уларнинг қарзга хизмат кўрсатиш учун ресурсларга эга бўлмаган ҳолларда эмас, балки бу нарса улар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлганда амалга оширилади.

харажатлари давлат бюджетининг харажатлар қисмини энг кам эластик моддаси ҳисобланади.

**Таянч иборалар:**

Давлат қарзи. Шахсий қарз. Ички қарз. Ташқи қарз. Давлат қарзини хизмати. Қарзни амортизацияси. Квази бюджет операциялари. Давлат бюджетини биринчи қарзи. Давлат қарзини қайта молиялаштириш. Ташқи қарз кризиси. Қарзни қайта таркиблаш. Қарзни сотиб олиш.

**Саволлар:**

1. Иқтисодий, молиявий ва ижтимоий хавфсизлик нима?
2. Иқтисодий хавфсизлик нима?
3. Ноконуний иқтисодиёт нима?

## 9 - боб. Молия сиёсати - иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида

### 9.1. Молиявий сиёсатнинг мақсади ва моҳияти

Охирги йилларда давлат молия сиёсатини олиб бориш ва ўтиш давридаги иқтисодиётни молиявий мувофиқлаштириш муаммоларига катта эътибор бериламоқда. Лекин, бу масалада олимлар томонидан бир фикрга келинмаган.

Шундай қилиб, йирик мутахассислар пул-кредит сиёсатига аниқ бир тушунча бермаганлар. Масалан, учун: Стенли Фишер, Рудигер, Дорнбуш ва Ричард Шмалензи молия сиёсатини мустақил тушунча сифатида эътироф этмайдилар. Шу билан бир қаторда улар ушбу мавзуни ўрганишда фискал сиёсат тушунчасини кенгайтириш билан амалга оширмоқдалар. Уларнинг ёзишича фискал сиёсат давлат томонидан фойда ва харажатлар тўғрисидаги қабул қилинган қарорлар ечимидир. Бошқа ғарб иқтисодиёт мактаблари вакиллари ҳам бу масалага худди шундай ёндошишади. Жумладан, Кемпбел Л., Макконел ва Стенли Л., Брю бюджет - молия ва фискал сиёсатларни бирлаштириб уларни давлат иш билан тўла бандликни ва инфляциясиз миллий маҳсулотни таъминлаш учун давлат солиққа тортиш ва давлат харажатларини ўзгартиришдир деб, эътироф этишади. Бундай таҳлил молия сиёсатини моҳиятини тушунишда ноаниқликлар киритади.

Марксчилар бу масалага бошқачароқ ёндашадилар. Улар молия сиёсати деганда, биринчи навбатда, давлат молия ресурсларини барқарорлаштиришдаги чора-тадбирларнинг бирлиги, давлат ўз функциясини бажариши учун уларни тақсимланиши ва ишлатилиши, давлат молия сиёсатини самараси ва ишлаб чиқариш кучларини ўсиши давлатнинг сиёсий тузумига боғлиқ деб кўрсатишади. Лекин бунга қарамасдан фикрлар теранлиги бузилади, чунки марксчилар мактаби вакиллари фискал сиёсат буржуа давлатининг даромад ва харажатларни тартибга солиш натижасида маълум бир ижтимоий -

иқтисодий мақсадларга эришиш молия тадбирларини бирлигидир деб фикр юритилади.

Шундай қилиб, маркста молия сиёсатини талқин қилишда аниқлик йўқ, фискал сиёсатнинг таъсир соҳаси молия сиёсати билан деярли бир хилда келади, ҳар икки ҳолатда ҳам давлат тартибга солиш тадбирлари ва молия ресурсларини тақсимлаш деганда даромадлар ва харажатлар бўйича бошқариш билан тушунтирилади, яъни нимагадир олиш учун аввало даромад олиш кейин эса харажат қилиш керак.

Молия сиёсатини моҳиятини англашда бизнинг (собиқ иттифоқдаги) иқтисодчиларимиз жуда катта ишлар қилишган.

Профессор В.В. Лавров, молия сиёсатини моҳиятини очишда унинг ишлаб чиқариш устидан назорат ва ҳисоб-китоб қилиш маҳсулотларнинг тақсимланиши ва иш ҳажми билан алоқасига эътибор берган. Бу масалалар миллий банклар соҳасида, ташқи савдони монополиялаштиришда, пул айланиши устидан давлат назорати, солиқларни киритишда, молия сиёсати масалаларини аниқлашда ва ечишда асосий восита бўлиб келган. Унда молия сиёсатига давлатни мувофиқлаштиришни асосий воситаси, молия марказлашувини таъминлаш, иқтисодиётни ўзгариши учун кучлар концентрациясини амалга оширувчи деб қаралади.

Бошқа бир иқтисодчи И.В. Левчук, ишлаб чиқаришнинг ўсишида молия сиёсатининг роли катталигини эътироф этиб, у бу сиёсат молиявий ресурслардан ва тақсимлашни бошқаришда марказлаштирилган ва демократик тамойилларни тўғри бирикмасидир деб таъкидлайди.

В.С. Павлов томонидан молия сиёсатини қизиқарли таърифи берилган. У ўз таърифида молия ва кредитни давлат бошқарувида узлуксиз боғлиқлигини ва молия - кредит сиёсатини давлатнинг реал иқтисодий шароити билан боғлайди, яъни иккинчи ҳолда молия сиёсати давлат ичидаги молия жараёнларининг натижаси сифатида.

Шундай қилиб, иқтисодчилар молия сиёсатини баҳо тизимида молияни ишлатиш сиёсати, товар ишлаб чиқаришни иқтисодий қонунларини пул шаклида реализацияси, иқтисоддаги пул муносабатларини молия тизими орқали марказлашган кўриниши, халқ хўжалигини натурал ва пул базаси фондларини тузиш ва ишлатиш орқали қайта тақсимлаш санъати сифатида эътироф этган.

Ҳақиқатдан ҳам молия сиёсатини бундай тушунтирилишини унинг асосий мақсадлари орқали исботлаш мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

1. Молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳажмини ва самарасини ошириш. Молия сиёсатини иқтисодиётга таъсирини оширишнй молия сиёсатини яратиш ва ўтказишда молия ҳисобидан бош тортиш ресурсларни йўқ бўлишига олиб келади.

2. Иқтисодиётни соғломлаштириш ва тузулмавий ҳолатини қайта қуриш: ишлаб чиқариш фойдасини ошириш, харажатларни

камайтириш, пул муомаласини яхшилаш ва пировард натижада сўмни конвертациясини тиклаш.

3. Ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш асосида аҳолини турмуш даражасини юқорироқ даражага кўтариш. Молия стратегияси ижтимоий йўналтирилиши нафақат молиявий ресурсларни кўпайтириш ва буни натижасида аҳолини турмуш даражасини яхшилашга, балки иқтисодий сиёсатни асосий мақсадига янгича ёндашишга олиб келади.

Баъзибир иқтисодчилар молия сиёсатини бошқа мақсадларини келтиради, булар: инфляция суръатини камайтириш (ҳозирда бунга жуда катта эътибор берилмоқда, чунки охирги пайтда аҳолининг яхши турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда), иқтисодий циклларни силлиқлашуви.

Демак юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, молия сиёсати давлатнинг молия реурсларини аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида мувофиқлаштириш сиёсати деган хулосани чиқаришга муваффақ бўлинади.

## 9.2.Молия сиёсатининг турлари ва уни амалга ошириш механизми

Қайта ишлаш ва молия сиёсатини тизимли ўтказишга эҳтиёж капитализмнинг ривожланиши билан пайдо бўлди. Молия сиёсати дастурларининг тузилиши ва амалга ошишига 1929-1933 йиллардаги бозор тизимида содир бўлган кризис давлатнинг фаол аралашувисиз бошқариш мумкин эмаслигини кўрсатади. Молия сиёсатининг тамойилларига Джон Мейнард Кейнс ва унинг давомчиларининг ишларида назарий асослари ўрин олган. 30-40 йилларда молия сиёсатини мақсадларини қайта ишлаш натижасида кризисларни иқтисодиётга таъсири сусайиб борди, хўжалик активларини юқори даражада ушлаб туришга ва тўлов талабини кенгайишига таъсир қилди. 60-йилларга келиб акцент алмашди ва унинг асосий вазифаси юқори даражага эришиш ва иқтисодий ўсиш суръатининг ортишини рағбатлантиришдир. 70-йиллардан эса замонавий молия сиёсатини ҳисобга олишда муҳим йўналишлардан бири инфляция масалалари билан умумлашган ҳолда кураш бошланди. Булар: юқори даражани таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантриш ва бошқалар.

Демак молия сиёсати олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодчилар молия сиёсатини 3 та турга ажратади: иқтисодий ўсиш сиёсати, барқарорлаштириш сиёсати ва иш фаоллигини чегараловчи сиёсат.

Иқтисодий ўсиш сиёсатида ЯММни ҳажмини кенгайтиришга ва бандлик даражасини кўтаришга йўналтирилган молиявий чора тадбирлар тизими тушунилади. Ушбу берилган рағбатлантирувчи молия сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

давлат харажатларининг ўсиши;

солиқни пасайиши.

Бошқа сўз билан айтганда, агар ҳозирги даврда балансланштирилган бюджет мавжуд бўлса, молия сиёсати бюджет

дефицити тушганда ва депрессия пайтида ўз йўналишига эга бўлиши керак.

Агарда хукумат фискал сиёсатини ва давлат харажатлар сиёсати чораларини қўлласа, шу билан бирга маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажмини типик маълум бир мамлакат даражасида ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини ушлаб туришга ҳаракат қилади, у ҳолда давлат томонидан барқарорлаштириш сиёсати ўтказилмоқда деб ҳисобланади. Барқарорлаштириш сиёсати рағбатлантирувчи ва ушлаб турувчи молия сиёсатининг ўрнига алмашади деб ҳисоблаш нотўғри, чунки бу тушунчалар орасида жиддий фарқлар мавжуд. Масалан: иқтисодий ўсиш сиёсати давлат томонидан бу мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бўлганда ва ишлаб чиқариш ўзининг потенциал даражасига етишга ҳаракат қилаётган пайтида ўтказилиши мумкин, айни пайтда эса барқарорлаштириш сиёсати бундай мақсадларни кўзламайди.

Иш активлигини чегароловчи сиёсат ўз навбатида аксинча, у ЯММ реал ҳажмини унинг потенциал даражасига нисбатан пасайтиришга йўналтирилган ва ҳукумат тарафидан ўсиш ёки пасайиш вақтида қайта ишлаб чиқариш, кризисдан қочиш ва ортиқча талаб таъсири натижасида содир бўладиган инфляцияни олдини олиш мақсадида олиб борилади.

Ушлаб турувчи сиёсат қуйидагиларни билдиради:

-ҳукумат харажатларининг камайиши;

-солиқнинг ўсиши

Бошқача қилиб айтганда, молия сиёсати ҳукумат бюджетининг ижобий сальдосига қараб йўналиши керак.

Молия сиёсатини амалга ошириш 3 босқичда олиб борилади:

иқтисодий қонунлар талабларини ўрганиш асосида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг ҳар тарафлама таҳлил қилиш билан ва аҳолининг истеъмол ҳолатларда шаклланадиган молия сиёсатини ривожлантиришни илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш:

молияларнинг келажакда ва жорий даврда ишлатилишига асосий йўналишларни аниқлаш, яъни стратегия ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда молия ресурсларининг ўсиши ва пасайиши имкониятларини ҳамда ташқи ва ички сиёсий иқтисодий омилларини ҳисобга олиш:

қўйилган мақсадларга эришиш учун, амалий ҳаракатларни амалга ошириш.

Табиийки, молия сиёсатининг тўғридан - тўғри таъсири фақатгина учинчи босқичда бошланади, лекин 1чи ва 2чи босқичларда аниқланади. Бироқ, бундай механизм молия назоратини ҳамма имкониятларини ҳисобга олмагани учун, қисман тўғри ҳисобланади. Молия сиёсати 2 хил бўлади:

1) дискрецион сиёсат ёки ҳукумат томонидан олиб бориладиган сиёсат.

2) нодискрецион сиёсат, яъни стабилизаторлар орқали олиб бориладиган сиёсат.

Юқорида келтирилган молия сиёсатини амалга ошириш усули, унинг 1-турига тўғри келади, 2-тури учун у нотўғри бўлади, бу эса охирги турнинг таърифи бўйича аниқланади.

Нодискрецион молия сиёсатида солиқ тизими ўзини-ўзи барқарорлаштириш тушинилади, унинг баъзи афзалликлари шундаки, бошқарув органлари аралашувсиз мамлакатда иқтисодий фаолиятни олиб боришдир.

Қуйидаги ҳолни кўриб чиқамиз.

Ишлаб чиқариш бўлимини ишини сусайтириш учун, бюджет ортиқчалиги зарур, яъни давлат бюджетининг даромадини ошириб харажатларни камайтириш керак. Бошқа тарафдан, тушимни ошириш учун, камомадли бюджет керак. Қўйилган мақсадларга эришиш учун 2 йўл мавжуд: 1- чиси солиқ тушумларини назорат қилиш, яъни биринчи навбатда солиқларни ошириш, иккинчида эса улар миқдорини камайтириш.

Фараз қилайлик мамлакатда ишлаб чиқаришни пасайиши кузатилмоқда, ҳукумат эса унга қарши чора тадбир кўра олмайди. Шунда фуқароларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даромади камайиши солиқ тушумларини камайишига олиб келади, бироқ бу иқтисодиётни барқарорлашга зарарлидир. Ҳақиқатдан ҳам, фуқароларнинг даромади ўсиши билан солиқ ҳам ўсади.

Солиқ стабилизаторларидан ташқари яна бир қатор стабилизаторлар мавжуд, улар ҳам иқтисодиётни мувозанатлашувига олиб келади. Улар орасида алоҳида 4 тасини ажратиш мумкин:

1) Ижтимоий тўловлар, унга ишсизликка ёрдам тўловлари киради. Ҳақиқатдан ҳам бандлик юқори бўлганда солиқлар ҳисобига молиялаштириладиган ишсизликка ёрдам тўловлари биргаликда ўсиб боради. Шунинг учун ҳам резерв фонди кризис пайтида кескин камаяди ва жуда катта харажатлар эвазига инфляция даражасини ушлаб туришга ҳаракат қилади. Аксинча, бандлилик суст бўлган пайтида резерв фонди даромадларнинг тўлови учун қўлланилади, бу истеъмолни қўллаб қувватлайди ҳамда тўлов талабининг қобилияти оширилади, бу ишлаб чиқаришни тушиш суръатини пасайишига ҳамда ишлаб чиқаришни тушишини енгиллаштиришга олиб келади.

Ёрдамларнинг бошқа турларига ижтимоий суғурталаш тизимидан ташқари эҳсон тўловлари ўзини автоматик антициклик бошқариш талабига кўра барқарорлаштирувчи турига киради.

2. Фермерларга ёрдам кўрсатувчи ривожланган капиталистик мамлакатлар учун долзарб дастурлар: тўлов пасайганда, федерал ҳукумат фермерларни маҳсулот ортиқчаликларни қамраб олган ҳолда субсидия қилади, инфляция бўлаётган ва нархлар ўсаётган пайтда, давлат олдинги сотиб олинган маҳсулотларни, ортиқча пул воситаларини қамраб олган ҳолда бозорга чиқаради, бу эса иқтисодиётда тенденцияни сусайтиради. Афсуски бундай стабилизатор

бизнинг иқтисодиётимизга тўғри келмайди, чунки Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги қайта ишлаб чиқариш кризислари билан қийналмайди.

3. Компанияларнинг ишонч самараси. Амалиёт шуни кўрсатадики, корпорация, сугурта жамоалари ва бошқа шунга ўхшаш юридик шахсларнинг стабил даромадларини яратиш учун қўйилган мақсадлар, тўланадиган дивидентларнинг олдинги даражасини сақлаб қолади, уларнинг даромадлари қисқа муддат ичида алмашиб турса хам. Бу эса товар ва хизматларга бўлган талабни сусайтиришга олиб келади. бошқа тарафдан буни қимматбахо қоғозлардан келадиган кўтарилган даромадлар эгаси тарафидан қилинган бўлар эди. Бошқа холатда эса вазиятни барқарорлаштирувчи самара кузатилади.

4. Истеъмолга бўлган мойилликни инертлиги. Шу билан ўз хаётий даражасини ушлаб туришга интилган шахс секин-аста ўз даромадларини оширишга кўпикиб боради.

Барқарорлаштиришга ўрнатилган солиқ тизимининг унумли қобилиятларига қарамасдан, иқтисодий вазиятга давлатнинг йўналтирилган мақсадларини аралашувисиз иш кўриб бўлмайди. Бунга 2 сабаб мавжуд:

1) Ўзини бошқариш жуда қаттиқ иқтисодий вазиятларни ўзгаришида етарли эмас, чунки хар бир қўшимча даромаддан бир қисмини олса, солиқлар олган пулларнинг таъсирини енга олмайди. Шу билан бирга стабилизатор фаолиятини сусайтирувчи мультипликация хисобга олинмайди.

2. Хукуматнинг пассив фаолиятига тўсқинлик қилувчи сиёсий ва иқтисодий тушунчалар.

Дискрецион сиёсат миллий махсулот ва бандликни ўзгартириш, инфляция, иқтисодий ўсишни тезлаштиришни назорат қилиш мақсадида солиқ ва хукумат харажатларини манипуляция қилишдир.

Дискрецион молиявий сиёсатнинг асосий қуроллари қуйидагилардир:

харажатлар билан боғлиқ жамоа ишлари ва бошқа дастурлар;

ижтимоий дастурлар;

хукуматнинг сотиб оладиган нарсалари;

давлат инвестициялари;

трансферт харажатларнинг ўзгариши.

Шундай қилиб молиявий сиёсатни ташкил қилувчи 2 асосий унсурни топиш мумкин:

1. давлат харажатлари сиёсати;

2.фискал сиёсат.

Биринчи унсурни тахлил қилиб чиқамиз. Унга давлат харажатлари билан боғлиқ хамма дастурларни киритиш мумкин. Биринчидан, агар иқтисодиётга депрессия ва унинг оқибати бўлмиш ишсизлик хавф туғдирмоқчи бўлганда, бу молия сиёсатини бошланғич поғоналарида қўлланадиган жамоа ишлари. Бундай дастурлар бандликни ошириш мақсадига эга ва кўпинча тезкор. Бунга бир мунча ижобий мисоллар хам мавжуд: урушдан кейин Германияда йирик воситалар янги йўллар ва автомобиль магистраллари қуриш

йўналтирилган эди, бу нафақат ишсизлик даражасини пасайтиради, балки ишлаб чиқариш даражасини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда мамлакатни дунёда энг йирик йўл тизими билан таъминлагани ҳолда, бу давлатнинг келажакдаги кутилган харажатлардан озод қилди.

Бироқ энди эса жамоат ишларидан чекиниш пайдо бўлди, бу эса вақт омили билан тушунтирилади. Бу йўл билан ҳукумат иқтисодиётни мамлакат хўжалигини вайрон бўлганидан кейингина тушиб кетиш стадиясига ўтганини билиб олишади. Масалан, ОПЕКга аъзо мамлакатлар нефтнинг нархини оширганида кам иқтисодчилар бу нархнинг ўсиб кетиши қандай натижага олиб келишини олдиндан кўра билганлар. Барқарорлаштирувчи сиёсат фақат бир неча ойдан иш фаолиятини пасайиши сезиларли даражада тушиб кетишидан кейингина юритила бошлайди.

Умумий қилиб айтганда, жамоа ишлари дискрецион сиёсатнинг самарасиз воситаси ҳисобланади.

Дискрецион молия сиёсатини 2 та воситаси бўлиб, ижтимоий муҳтожликларга бўлган харажатлр давлат дастури ҳисобланади. Бу билан ҳукумат инфляция пайтида қўшимча ижтимоий ёрдамни ишлаб чиқишдан четланади ва шунинг учун истеъмол талабини пасайишига эришади. Депрессия пайтида эса ҳукумат ижтимоий муҳтожликка маблағ ажратишни кўтаради.

Бироқ қисқа муддатли барқарорлик учун бўлган ёрдамнинг камлиги сиёсий соҳадаги омиллар ҳисобланади, бу дастурни аҳвол анча яхшиланганда қисқартириш қийинлиги ҳисобланади.

Учинчи энг асосий восита, бу ҳукуматни сотиб олишлари ва инфляциялар, улар ёрдамида эса молияларни, бошқариш амалга оширилади. Давлат инфляцияларнинг ортиши, шахсий харажатларнинг ўсиши каби, янги буюртмаларни қабул қиладиган саноатни ривожлантиришни рағбатлантиради. Берилган ҳолат қуйидаги макроиқтисодий қонунлар билан ифодаланади: S+M=In+Xn+G, яъни жамғарма ва импорт, истеъмол, инвестиция, соф экспорт ва давлат харажатлари қўшилмасига тенг. Бошқача қилиб айтганда, G ва In нинг ўсиши C+In+Xn+G эгри чизиғининг юқорига жамғарма ва импорт графиги каби силжишига, бу эса соф миллий маҳсулотнинг ортишига олиб келади.

Ниҳоят, молия сиёсатининг иккинчи унсури бўлмиш фискал сиёсатга ўтамиз, унинг афзаллиги бутун иқтисодий цикл ичида солиқ миқдорини маҳорат билан ўзгартиришдир.

Солиқ, пошлина ва шунга ўхшаш бошқа тўловлардан, тўғри келадиган даражанинг бюджетга ёки бюджетдан ташқаридаги фондларга қонуний активларга аниқланадиган тўловчилар орқали амалга ошириладиган зарурий тўловлар тушинилади. Давлат томонидан олинадиган солиқ ва бошқа тўловлар ҳамда шакли ва қурилиш усуллари фискал сиёсатнинг солиқ сиёсатини вужудга келтиради. Бунда солиққа тортиш объектлари жуда хилма-хилдир: улар орасида ҳам даромадлар, маълум товарлар нархи, солиқ тўловчилар фаолиятининг алоҳида

турлари, қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялар, табиий ресурслардан, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидан фойдаланиш.

Фискал сиёсатнинг воситаси каби солиқлар икки турга бўлинади. 1-тури мулк ва даромадлар солиғи, фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ва фирма даромадлари солиғи, ижтимоий суғурталашга, иш ҳақи фонди ва иш кучи солиғи, мулк солиғи, шахсий мулк солиғи унга ер ва бино солиғи киради. Улар конкрет юридик ва жисмоний шахслардан ундирилади, улар тўғри солиқлар деб аталади.

Шундай қилиб Ўзбекистондаги асосий солиқларга қуйидагилар киради:

1. солиқ тўловчининг йиллик даромадидан олинадиган йиллик солиқ тўлови;

2. корхона ва фирма даромадлари солиғи;

3. ижтимоий тўловлар, кисман ишчиларнинг ўзи иш билан таъминловчилар билан амалга ошириладиган бюджетдан ташқари фондларга йўналтирилган (нафақа, ишсизлик) ижтимоий тўловлар;

4. мулк солиғи, яъни мерос ва совғадан олинадиган солиқ;

5. товар ва хизматлар солиғи, аввало божхона тўловлари ва акцизлар, ҳамда ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи).

Фискал сиёсатнинг асосий тамойиллари:

А. Солиқ ставкасининг даражаси солиқ тўловчининг имкониятларига, яъни унинг даромадларига қараб ўрнатилиши лозим.

Б. Солиққа тортиш бир мартали характерга эга бўлиши керак, бўлмаса истеъмолчига етиб келадиган товар нархи ниҳоятда баланд бўлиб кетади, бу эса уни рақобат қилиш қобилиятидан маҳрум этади.

В. Солиқларнинг мажбурий тўлови. Жарима ва санкция тизими шундай бўлиши керакки, солиқни тўламаслик ва вақтида тўламаслик, вақтида ва тўғри тўлашдан камроқ афзал бўлиши.

Г Солиқ тўлаш жараёни солиқ тўловчилар учун содда тушунарли ва қулай бўлиши ва солиқ йиғувчи муассасалар учун тежамли бўлиши керак.

Д. Солиқ тизими эгилувчан ва ўзгарувчан сиёсий жамоа талабларига мослашувчан бўлиши керак.

Е. Солиқ тизими яратилаётган ЯММни самарали қайта тақсимланишини таъминлаши керак.

Фискал сиёсатни амалга ошириш учун давлатнинг 3 асосий солиққа тортиш функцияси ҳисобга олиниши керак:

1) давлат харажатларининг молиялаштиришини таъминлаш, яъни солиқнинг тўғри функцияси;

2) ижтимоий мувозанатни алоҳида гуруҳлар орасида даромадларни келишувини ўзгариши, улар орасидаги тенгсизликни бартараф этиш орқали қўллаб туриш;

3) давлатни иқтисодиётнинг антициклик ва инфляцияга қарши, секториал, тармоқли ва регионал бошқариш.

Ижтимоий функцияни моҳиятини очиб қараганимизда, шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг кўпчилиги ниҳоят кўп солиқ

тўлаймиз деб хисоблашади, аслида эса ижтимоий гурухлар жуда кичик солиқларни тўламоқдалар ва давлатнинг етарли даражада пул ажратмаётганини ва жуда кўп даражада ташқарига пул беришини хисоблашади.

Солиқларни давлат иш фаоллигини бошқарув воситаси деб тахлил қилаётган бир пайтда, уларнинг бошқарув функцияларига тўхталиб ўтиш зарур:

-солиққа тортиш тизимининг ўрнатилиши;

-солиқ ставкасининг аниқланиши;

-солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши - хукуматнинг иқтисодий сиёсат масалалари билан биргаликда капитал ва даромадларни солиқлардан озод этиш.

Солиқ ставкаларининг ўзгариши муҳим глобал пасайишнинг соф ролини ўйнайди. Шу билан солиқларнинг глобал пасайиши даромадларнинг ўсишига, хўжалик фаолиятни рағбатлантиришни кучайтиришга, капитал қўйилмаларни, талаб ва бандликни ўсишига олиб келади.

Даромад солигини ўзгартириш билан давлат капитал қўйилмаларни қўшимча рағбатлантириши ёки камайтириши мумкин, эгри солиқларнинг даражасини маневрация қилиш орқали товар ва хизматлар фондига таъсир кўрсатади.

Либерал ёки протекционистик ташқи савдо сиёсатини танлаб давлат божхона тўловларини ўзгартиради, бу билан савдо шерикларига ён босиш ё миллий экспорт шароитларини катакланувини ўз қўлига олади. Божхона тўловларининг эгри солиқлар турлари ошиб борса, импорт қимматлашиб, бунинг ортидан ўзимизнинг товарларимизнинг нархи ҳам ошади ва ташқи савдо обороти пасайиб кетади. Тўловларининг пасайиши ёки бекор қилиниши ички бозордаги рақобатнинг кескинлашувига, нархларнинг ўсишини кескинлашувига ва ташқи савдо оборотини тезлашишига олиб келади.

## 9.3.Молиявий дастурлаштириш ва молиявий секторнинг ривожланиш муаммолари

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, молиявий эркинлаштиришни фақатгина макроиқтисодий институционал ислоҳотлар билан бир вақтда ўтказиш лозим. Чунки молиявий эркинлаштиришни бошқа ислоҳотлардан олдин ўтказган давлатлар, барқарорликни издан чиқарувчи капитал оқими, фоиз ставкаларини ўсиши ва корпорациялар молиявий аҳволини ёмонлашиши каби салбий оқибатлардан азият чекдилар.

Жамғармалардан самарали фойдаланишга имкон яратиб берган барқарор молиявий тизим, бозор иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди. Ривожланган молия тизимига эга мамлакатлар, молия секторига етарли аҳамият бермаган мамлакатлардан кўра иқтисодий беқарорликни осон енгадилар ва иқтисодни ривожлантиришда кўпроқ натижаларга эгадирлар.

Молиявий тизимни иқтисодиётга қўшган улуши унинг иқтисодиётга кўрсатган хизматлар миқдори ва сифатига боғлиқ. Молия иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзини ўзи инвестиция орқали молиялаш қатор қийинчиликлардан халос бўлишга ёрдам беради, лекин хусусий корхоналар ресурслари бунга етарли эмасдир. Шунингдек, давлат сектори инвестицияларни жалб қилиши ҳам мумкин. Бунда қўшимча жамғармалар солиқ тизими орқали ҳаракатга келтирилади.

Молиявий тизим ривожланишининг йўналиши қуйидаги муҳим омиллар билан белгиланади: техник тараққиёт, аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиши, мулкчилик шаклининг ўзгариши, ҳақиқий иқтисодий секторнинг молиявий ресурсларга сезган эҳтиёжи.

Ҳозирги вақтда оммавий равишда телекоммуникация ва компьютер технологиялардан фойдаланиш, техник тараққиёт омили бўлиб ҳисобланмоқда. Бу эса ўз навбатида глобаллаштириш жараёнини тезлаштирмоқда.

Аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам бир қанча ўзгаришларга олиб келади. Биринчидан, алоҳида омонатчилар хоҳишининг ўзгариши турли хил молиявий активларга ҳам таъсир этади. Шунингдек турмуш тарзи ўсиши билан, аҳоли банк орқали кредитлашни эмас балки тўғридан - тўғри, пул маблағларини акция ва облигацияларга қўйишга ҳаракат қилади, бу ўз навбатида кўпроқ фойда келтирсада, аммо ликвидлиги паст ва хавфи каттароқдир. Иккинчидан, корпорациялар бошқарувида ва мулкчилик шаклида ўзгаришлар рўй беради. Молия тизимининг қуйидаги босқичлари бор:

1. банк босқичи
2. бозор босқичи
3. сеньоритизация

Биринчи босқичда банклар молия тизимини энг асосий ёки ягона институти ҳисобланади.

Иккинчи босқичда жамғармаларни тўплаш ва жойлаштириш каби функцияларни ўз зиммасига оладиган, банкларга тегишли бўлмаган молиявий институтлар вужудга келади.

Сеноритизация босқичининг характерли томони шундаки, унда пул ва қимматли қоғозлар бозори марказий ролни бажаради.

Индустрлашган мамлакатларда, турли хил молия институтлари зиммасига 80 - йилларда пул маблағлари қуйидагича тақсимланган:

махсус молия агентлари орқали 30%гача пул маблағлари тақсимланган, тижорат банклари зиммасига 30-35%, марказий банклар-5% ва банкка қарамайдиган молия институтларига 30-35% пул маблағлари тўғри келган.

Халқаро валюта фонди тадқиқотлари, узоқ муддатда иқтисодий ўсиш ва монетизация коэффициенти орасида жуда яқин алоқа борлигини кўрсатади.

Агар ҳукумат молия секторида бозор механизмини чеклаб қўйса, унда иқтисодиёт молиявий чекланган ҳисобланади.

Керакли молиявий ташкилотларни тузиш вақт ва маблағ талаб этсада, лекин ҳукумат кўпинча тез натижаларга интилади.
Бундан ташқари ҳукумат, молиявий тизимни, ресурсларни лойиҳаларга жойлаштириш, фойдаларни қайта тақсимлаш, давлат корхоналарига ёрдам бериш ва ташқи савдо сиёсати оқибатларини қоплаш каби мақсадларда ҳам ишлатади.

Ривожланаётган мамлакатларда бошқариш барча меъёрлардан чиқиб кетиши кузатилди. Уларнинг ҳукуматлари кредитларни жойлатиришни ўз зиммаларига олишади.

Мисол учун, 90-йилларда Покистонда 70% кредит давлатники бўлган, Ҳиндистонда ярмидан кўпи, Малайзияда деярли кредитларнинг 30%и банк портфелига тўғри келган бўлса, Корея эса ўз тарихида ҳукуматини 221та расмий директив кредит дастурини ўтказганини шоҳиди бўлган.

Ривожланган мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам молиявий тизимни барқарор сақлаб қолиш учун молиявий сектор ишлашига аралашиб туришган.

Айрим соҳалар директив кредитлашдан фойда кўрган бўлсалар ҳам, лекин иқтисодий ўсишга унинг қўшган улушини ҳисоблаш анча қийин.

Мажбурий захиралар меъёрини белгилаш, молия тизимидан пул маблағларини чиқиб кетишига олиб келиши мумкин, агар бу меъёр, банклар ўзлари хоҳлаган меъёрдан юқори бўлса. Сунъий равишда пасайтирилган фоиз ставкалари кредитларга бўлган ялпи талабни кескин ошириб юборади ва бунинг натижасида молиявий ташкилотлар заём бериша квота белгилаб қўйишларига тўғри келади.

Ҳукумат банкларга узоқ муддатли ва хавфли кредитлардан каттароқ фоиз олишни чеклаб қўйиб ривожлантириш керак бўлган соҳаларга ссуда беришдан банкларни кўнглини совутади.

Молиявий эркинлаштириш молиявий дастурлаштиришнинг муаммоларидан бири ҳисобланади. Молиявий эркинлаштириш деганда, банк ва бошқа молиявий ташкилотлар фаолиятига қўйилган чеклашларни олиб ташланиши, кредит беришда ўзларига кўпроқ эркинлик бериш, кредит ва депозитлар, фоиз ставкаларини белгилаш, қўйилган маблағларни мақсадларини аниқлаш каби масалалар тушунилади.
Аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг молиявий сектори институционал ривожланишнинг иккинчи босқичида-банкка тегишли бўлмаган молиявий агентларнинг ташкил топиши босқичидадир.

Одатда, банкдан ташқари пул маблағларини топа олган корхоналар-энг яхши мижозлар ҳисобланишади. Уларнинг йўқотилиши банклар учун кредит портфели хавфини оширади.
Баъзи ҳолатларда, хусусан давлат банклари мавжуд давлатларда банк ислоҳотларини ҳаётга тетбиқ қилишнинг энг маъқул йўли банкларнинг фаолиятини чеклаш ва параллел равишда хусусий банклар тизимини такомиллаштиришдир.
Молиявий дастур кетма-кетлиги.

Ислохотнинг кейинги боскичида турли хил бозор шакллари шаклланиши ва рақобатнинг кучайиши лозим.

Ислохотлар даврида етарли натижаларга эришилганда, хукумат ислохотларнинг сўнгги боскичига ўтиши мумкин, яъни фоиз ставкаларини эркинлаштириш, директив кредитлашдан воз кечиш, капитал оқими назоратини сусайтириш ва хорижий институтлар фаолиятига тўскинлик қилмаслик ва шу кабилар.

Директив кредитлаш кўпинча молия бозоридаги номувофиқликларни тузатиш учун эмас, балки маблағларни биринчи даражали соҳаларга йўналтиришдир. Лунга қарамай иқтисодий муаммоларни хал қилишнинг бундан хам самарали йўллари мавжуддир. Товар бозоридаги фойда тақсимланишига бевосита аралашув ёрдамида қишлоқ хўжалигида нарх наво ислохотлари, кам таъминланганларга ёрдам кўрсатиш ва шу кабилар. Бунинг натижасида кредитларни самарасиз ишлатилишига бархам берилади.

**Таянч иборалар:**

Молиялаштириш функциялари, технологик тараққиёт, ахоли турмуш даражаси, молиялаштиришнинг ривожланиш боскичлари, молиялаштиришнинг чегаралари, мажбурий захиралар меъёри, молиялаштиришни эркинлаштириш (либерализация). Молиялаштириш дастурларининг кетма - кетлиги.

**Саволлар:**

1. Молиялаштириш боскичлари?
2. Ахоли турмуш даражаси қандай?
3. Қандай молиявий дастурлар бор?
4. Қандай тараққиётлар бор?
5. Қандай солиқ ставкалари бор?

**Адабиёт:**


1.Агапова Т.А. Серёгина С.Ф. Макроэкономика. 16 боб, -М., 2001.
2.Менькю Н.Г. Макроэкономика. 7 боб, -М.: МГУ Ломоносова, 1996.
3.Макконел К., Брю С. Экономикс, 40 боб, -М., 1993
4.Долан Э. Макроэкономика. 16 боб. -М.: Прогресс, 1993.
5.Хейне П. Экономический обзар мышления. 21 боб. -М.: Дело, 1992.


## 10-боб. Иқтисодий, молиявий ва ижтимоий хавфсизлик.

### 10.1.Қонуний иқтисодиёт

Мамлакатнинг олий бошқарув органлари даражасида иқтисодий хавфсизликни аниқ бир тушунчаси йўқ. Бунга эришишнинг устуворликларини, вазифалари ва воситаларини таъминлаб беришга хизмат қиладиган унинг аниқ концепциялари ва стратегияси йўқдир. Ўзбекистон Республикасининг кейинги ривожланиши демократик хуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий шарти бўлиб, иқтисодий хавфсизликни таъминлаб беришга хизмат қилади

Иқтисодий хавфсизлик давлатнинг миллий хавфсизлигининг асосий компонентларидан бири ва мамлакат иқтисодий эҳтиёжларини кафолатланган таъминлаш йўллари, воситалари ва услубларига асосий қарашлар мажмуидир. Умуман айтганда у мамлакат иқтисодий потенциали ҳолатидан келиб чиқадиган иқтисодий хафвсизликнинг асосий омилларини таҳлил қилишга асосланган. Иқтисодий хавфсизликнинг давлат стратегиясини ишлаб чиқиш учун турли таҳдидлар, жумладан иқтисодий таҳдидларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиш зарурдир.

Иқтисодий хафвсизлик асосида ривожланиш ва ривожланишнинг барқарорлиги каби асосий компонентлар ётади. Ривожланишнинг барқарорлиги бу моддий объектларнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга олиб келишини, яъни унинг таркиб ёки структураси бўйича ўзгаришига олиб келадиган, қайтмайдиган, йўналтирилган қонуний ўзгаришдир. Ривожланишсиз иқтисодий равнақ бўлмайди. Барқарорлик бу жамиятнинг қийин шароитларда ўз эҳтиёжларини қондириш имконияти, ҳолатни қайта тиклаш имконияти, жамият фаолият кўрсатишининг барча соҳаларида ўтказиладиган ва унинг потенциалини мукаммаллаштириш, яшаш имкониятини таъминлашга қаратилган чора - тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий хавфсизликнинг тадқиқот мавзуси бу ташкил этиш ва мослаштириш зарур бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатидаги мамлакатнинг иқтисодий тизимидир. Иқтисодий хавфсизлик объекти бу реал мавжуд бўлган ҳолат, жараён ва муносабатлардир. Уларни ҳимоя этиш хавфсизлик сиёсатини стратегик мақсади ва асосий мазмунидир. Шу жумладан, иқтисодий муносабатлар баркамоллигини аниқловчи шахс, жамият ва давлат объектлари тоифасига киради. Иқтисодий хавфсизликнинг асосий кўрсаткичи: бўлиб, шахс, гуруҳ, жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига амал қилиш, уларнинг хафвсизлигини таъминлаш бўйича ўзаро масъулиятдир. Иқтисодий хавфсизлик субъекти бўлиб, функционал ва тармоқ вазирликлари ва идоралари, солиқ ва божхона хизмати, банклар, биржалар, фондлар, сугурта компаниялари ҳамда ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади.

Илк бор иқтисодий хавфсизлик атамасининг ишлатилиши, ресурслар чекланмаганлиги муаммоси вужудга келиши билан боғлиқ.

Иқтисодий хавфсизликнинг жуда кўп таърифлари бор. Шулардан бири - бу мамлакатнинг иқтисодий тизимига таъсир этувчи ва минимал харажатлар билан жамиятнинг барқарор, босқичма-босқич ривожланишнинг потенциал имкониятини ҳар томонлама реализация қилиш мақсадида миллий манфаатни тўла ифода этишга имкон берадиган шароит ва омилларнинг ички ва ташқи уйғунлиги ҳамда ҳар хил таҳдид ва йўқотишларга қарши тура олиш имконияти.

Иқтисодий хавфсизлик таҳдидлари ҳаётий муҳим бўлган миллий манфаатларга зиён етказиши мумкин бўлган омил ва шартлардир.

Ташқи таҳдидларга қуйидагилар киради: Ўзбекистонда хом ашё базаси ва сифатсиз, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотни

сотиш бозори ролини сақлаб қолишга бўлган интилиш; мамлакатнинг чет эл бозорига чиқишга, молиявий, иқтисодий ва савдони тартибга солиш ҳамда ҳамкорликнинг халқаро механизмларидаги унинг барқарорлиги, энг яхши технологияга эга бўлиш имкониятига қаршилик қилиш. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ҳудудидаги жаҳон иқтисодий тизимига, иқтисодий интеграциясига қаршилик қилиш; ташқи транспорт, информацион ва илмий-техник коммуникациялар ривожланганлиги.

Ички таҳдидларга қуйидагилар киради; тоталитар тизимда қолган иқтисодиётдаги чуқур ишлаб чиқариш, тармоқ ва ҳудудий диспропорциялар; ер, сув, минерал хом ашё ресурсларининг алоҳида асосий турларининг чекланганлиги; иқтисодиётдаги бўлган юқори демографик юк, айниқса айрим ҳудудларда; ишлаб чиқаришнинг юқори харажатларига ва рақобатбардош бўлмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келадиган иқтисодиётнинг кўп тармоқларидаги ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси; иқтисодиёт соҳасида янги ҳуқуқий базани ва унинг амалга ошириш механизмларини шаклланишининг тугалланмаганлиги; эски иқтисодий фикрлаш ва буйруқбозлик тизимига асосланган бошқариш сарфлари рецидивларининг сақланиб қолиши, хўжалик фаолияти механизмлари ва бозор тамойилларини алоҳида бошқарув идоралари томонидан етарли даражада қабул қилинмаслиги; иқтисодиётнинг турли соҳа ва секторларидаги бозор ўзгаришлари динамизми ва ривожланиш даражаларидаги узилиши, шунингдек, қишлоқ ва шаҳар орасида; бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги; пул муомаласи, молия банк-кредит ва валюта тизимидаги барқарорлик хавфи; иқтисодий соҳада жиноятнинг тарқалиши, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий ҳимояси механизмининг мукаммал эмаслиги.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари миллий манфаат устуворлигига, реал ва потенциал хавфга боғлиқ ҳолда аниқланади ва ўз ичига қуйидагиларни олади.

бозор иқтисодиётининг ва ҳуқуқий мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган бозор ислоҳотларини босқичма-босқич ўтказиш;

хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнеснинг ривожланишини рағбатлантириш;

- иқтисодий эркинлик фаолияти, хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи ҳуқуқий механизмини шакллантириш;

- барқарор ва динамик иқтисодий ўсиш асосида одамлар учун мақсадга мувофиқ яшаш шароитларини яратиш;

- инвестиция фаолиятининг фаоллашуви ҳисобига иқтисодиётда чуқур структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқарувчи замонавий ишлаб чиқаришни яратиш;

- макроиқтисодий барқарорлик, барқарор молиявий ва пул-кредит тизимини таъминлаш, миллий валютанинг қадрини ошириш;

- аграр секторда радикал ўзгаришларни ўтказиш, қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда эгалик ҳиссини туғдириш;

табиий, минерал хом ашё, иқтисодий ва илмий техник салоҳиятдан унумли фойдаланиш, мамлакат ҳудудини компекс ривожлантириш;

- иқтисодиётни фавқулодда вазиятларда барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- ташқи иқтисодий интеграцияни фаоллаштириш, чет эл капиталини кенг миқёсда жалб қилиш, экспорт имкониятини ривожлантириш, маҳсулот экспорт ва импорт қилиш йўлларини мукаммаллаштириш.

## 10.2. Ноқонуний иқтисодиёт

Бир неча ўн йилликдан аввал бутун дунё миқёсида бошланган ташқи иқтисодий ва хўжалик фаолиятни йириклашуви, барқарорлиги, хусусий секторнинг кенгайиши, коммуникация ва молиявий технологияларнинг ривожланиши жаҳон иқтисодиётида аҳамиятли ижобий ўзгаришларга олиб келди. БМТнинг маълумотларига кўра бутун дунё миқёсида жон бошига ўртача даромад 3 марта кўпайди. Агар 1975 йилда ўртача ривожланиш даражасидаги мамлакатларда сайёрамизнинг 55 % яшаган бўлса, ҳозирги пайтта келиб 65 % яшайди. 1972 йилда камбағал одамлар ернинг бутун аҳолисининг 20 % ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 10 % ни ташкил этади. ГАТТнинг ўрнига ташкил этилган ВТОнинг 5 йил амал қилиш даврида халқаро товар айланишнинг йиллик ҳажми 37% га етди ва 6 триллион долларни ташкил этди. Шу билан бир қаторда бу жараён камбағал ва бойлар орасидаги тафовутни чуқурлаштирди ва муҳим ижтимоий ўзгаришлар ўта оғир таркибий-хўжалик ўзгаришлари билан бир қаторда кетмоқда. Жаҳон банкининг президенти Д.Вульфенсоннинг гапларига қараганда ҳозирги кунда сайёрамизда бир миллиард уч юз минг одам кунига бир доллар харажат билан яшамоқда, яқинда бу рақам 2 миллиардга етади, 3 миллиард одам эса кунига фақат 3 долларга эга. Бундай ҳолат бир тарафдан уюшган жиноятчилик ва коррупция каби салбий ҳолат ва жараёнларнинг кучайишига олиб келса, бошқа тарафдан эса айнан шу ҳолат ва жараёнлар томонидан ҳалокатли равишда кучайтирилмоқда. Бу ҳолат ва жараёнларга жаҳон ҳамжамияти тарафидан ҳақиқий уруш эълон қилинган бўлса ҳам, улар кучайиб бормоқда. Бу иқтисодий жараёнларнинг эркинлашувига, тадбиркорлик фаолияти ва имкониятларни автоматик равишда қинғир йўл билан топилган пулларни ишлатишига янги имкониятлар яратиб бериши билан боғлиқ. Жиноий унсурларга қарши йўналтирилган қонунчиликни кучайиши қонуний бизнесга ҳам маълум даражада қийинчилик туғдиради, чунки бунда оладиган даромадларнинг қонунийлиги тўғрисида қўшимча ҳужжатларни кўрсатиш зарурияти пайдо бўлади ва бундан ташқари коррупцион фаолият ва амалдорларнинг ўз касбини суистеъмол қилишга олиб келади. Ҳар қандай жамиятда амалдаги қонунчиликка мос келувчи расмий алоқа

ва муносабатлар билан бир-қаторда, у екн бу даражада қонун ва умум қабул қилинган қоидаларни бузувчи норасмий иқтисодий муносабатларнинг кучайиши кузатилмоқда. Ривожланган капиталистик мамлакатларда 70-йиллардан, яъни бир гуруҳ мамлакатларнинг кўпчилигини ноқонуний иқтисодиёт ўсиш суръатларини қонуний иқтисодиёт ўсиш суръатларидан ўтиб кетгани кўзга кўрина бошлади. Б.Фрей ва Х.Велин маълумотларига кўра 70- йиллар ўрталарида ноқонуний иқтисодиёт Голландия ва Бельгияда энг кўп ривожланган эди. Австрия, Францияда ва Италия аҳамиятли улушга эга бўлди, Англия, АҚШ, Финляндия, Япония ва Швецарияда эса нисбатан камроқ эди. В.Совусаннинг айтишига қараганда 1980 йили Норвегияда 15 ёшдан катта аҳолининг 18% ноқонуний даромадга эга бўлган. 26 % ноқонуний соҳада фаолият кўрсатаётган шахслар хизматидан фойдаланилган, умуман олганда эса 37,5 % аҳоли ноқонуний фаолият билан боғлиқ бўлган. Тоталитар тузум ва ўтиш иқтисодиёти давридаги мамлакатларда ноқонуний хўжалик муносабатлар улуши демократик ривожланган давлатларга нисбатан юқори. В. Холтерснинг муълумотларига қараганда АҚШ да бу кўрсаткич ЯММнинг 8-12 % атрофида, Канада ва Францияда 5-8 %, Нарвегия ва Швецияда 6-7 %, МОТ маълумотларига қараганда ривожланаётган мамлакатларда у 5-35%ни ташкил этади. Африка мамлакатларида бу кўрсаткич 30 %га етади. Чехияда 18 %, Украинада 50 %, Россияда экспертларнинг баҳолашига кўра 1996 йилда хўжалик айланишида ноқонуний иқтисодиётнинг улуши 40 %ни ташкил этди ва унда 30 млн.дан ортиқ одам нисбатан муваффақиятли фаолият кўрсатди. Ғарб экспертларининг фикри бўйича, агар ноқонуний иқтисодиёт ЯИМнинг 40-50 %ни ташкил этса, буни ҳолатли вазият дейиш мумкин, чунки хўжалик ҳаётига яширин омилларнинг таъсири шунчалик кучайиб кетадики, қонуний ва яширин тузумлар орасидаги қарама-қаршилик жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида аниқ кўриниб туради. Умуман олганда, ноқонуний иқтисодиёт текис тузилган иерархия муносабатлар «пирамида»сига эга бўлган, унинг таркибидаги «ҳаракатланувчи» кучлар таъсири ва манфаатларидан келиб чиқадиган таркиби бўйича ҳар хил бўлган ижтимоий гуруҳларни қаттиқ субординация орқали бирлаштириб туради. Бу ерда иерархия ва ўзаро бўйсуниш уларнинг фаолият соҳасига, манфаатларни амалга ошириш усуллари ва шаклларига кўра тузилади. Вазиятга таъсир ўтказиш бўйича энг юқори имкониятга эга бўлган ноқонуний иқтисодиёт поғонаси бу ўрта жиноий унсурлардир, яъни наркотик, жиноят оламини уюштирувчилар ҳамда давлат мансаблари ва манфаатларини катта порага «савдо қилиш» имкониятига эга бўлган бошқарув органларининг юқори мансабли вакиллари.

Ўрта поғона бу «яширин» хўжалик эгалари. Бунга тижоратчи ва молиячилар, ишлаб чиқарувчилар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари киради. Умуман олганда улар бозор фаолиятининг «мотори»дир. Одатда улар асосли даромад олишлари мумкин ва баъзи бир ҳоллардагина даромадларини солиқ тўламаслик учун яширишади

(масалан, солиққа тортишнинг юқори ставкалари, амалдаги жарима ва пенияларнинг айланиши уларнинг бизнесда фаолият кўрсатишига таҳдид солса). Бу гуруҳ юқори погона таъсирига ўта сезгирдир, чунки норасмий битимларни бажариш учун арбитр этиб улар жиноий тузилмалар вакилларини жалб этишга мажбурдирлар. Бунда яширин хўжалик эгалари икки тарафлама зарба остида қоладилар, бири жиноий тизим; иккинчиси ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари. Шундай қилиб «Яширин пирамида»нинг ўрта погонаси умумий ҳолда ўз даромадларини қонунийлаштиришдан манфаатдорлар. Энг пастки погона бу ноқонуний иқтисодиётдан фойда олувчи ҳам жисмоний ҳамда ақлий меҳнатни таклиф қилувчи ёлланма ишчилардир, шунингдек даромадларининг асосий қисми порадан иборат бўлган майда давлат хизматчиларидир. Бу погона фаровон иқтисодиётга эга бўлган ривожланган давлатларда кам учрайди ва аксинча, профессионал ёлланма ишчилар қийин аҳволда яшайдиган паст социалистик давлатларда кўп учрайди. Масалан, ривожланган мамлакатларда ёлланма ишчи даромадларининг 70-80% асосий иш жойидан оладиган иш ҳақини ташкил этса, МДҲ давлатларида бу кўрсаткич учдан бир қисмдан озрогини ташкил қилади. Жиноий унсурлар таъсирининг кучайиши бу категория манфаатларига тўғри келмайди, чунки «оталиқ» учун тўланадиган ҳақ автоматик равишда товар ва хизматлар ҳақини кўтаради. «Ноқонуний пирамида»нинг бирламчи қатламлари учун умумий манфаат қонун чегарасидан ташқарида қўшимча даромад олишдадир. Бу манфаатни амалга оширишнинг умумий шакллари ҳам мавжуд. Масалан, капитални чегарадан ташқарига чиқариш яширин иқтисодиётнинг барча субъектларига хос. Жиноят ва ўрта погона вакиллари буни савдо ҳужжатларини сохталаштириш, инвестиция, хом ашё ва стратегик материаллар билан ноқонуний операциялар бажариш йўли билан амалга оширилса, ёлланма ишчилар экспорт учун фақат ақли ва иш кучини таклиф этишлари мумкин. Шундай қилиб, ноқонуний иқтисодиёт ўз моҳиятига кўра ҳар хил ижтимоий гуруҳларни ўз ичига олган турли таркибий уюшмадир. Ижтимоий гуруҳлар диаметри қарама-қарши мотивацион интилишларга эга (у интилишларнинг барчаси ҳам директив эмас ва жамият учун тўғри таҳдид қилмайди). Энг соддалаштирилган ҳолда ноқонуний иқтисодиётда қонун чегарасидан ташқари фаолият сифатида ҳар хил мўлжал, таъсир ва жамият учун таҳдид даражаси билан тавсифланадиган қуйидаги соҳаларни ажратиш мумкин: яширин, криминал ва коррупция. Уюшган жиноят каби соҳа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу моҳиятига кўра ноқонуний иқтисодиётнинг қолган соҳаларини бирлаштирувчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Яширин иқтисодиётга қонун тарафидан рухсат этилмаган, аммо расмий равишда амалга оширилмайдиган ҳамда манбаи ва даромадлар, айланма ҳажмини, ишлаб чиқилган сотилган товар ва хизматларнинг ҳажмини яширган ҳолда, бухгалтерия ва статистик ҳисоботда акс эттирилмасдан амалга ошириладиган хўжалик фаолиятининг барча турларига яширин иқтисодиёт дейилади. Амалдаги

**Таянч иборалар:**

Иқтисодий ўсишнинг мақсади, барқарорлаштириш сиёсати, фаолликни чегаралаштириш сиёсати, киритилган стабилизаторлар, дискрецион сиёсатнинг воситалари, солиқлар тизимлари, фискал сиёсатнинг томонлари, солиқ ставкалари.

**Саволлар:**

1.Иқтисодий, молиявий ва ижтимоий хавфсизлик нима?
2.Иқтисодий хавфсизлик нима?
3.Ноқонуний иқтисодиёт нима?

**Адабиёт:**

1.Агапова Т.А. Серёгина С.Ф. Макроэкономика, 16 боб, -М., 2001.
2.Менькю Н.Г. Макроэкономика, 7 боб, -М.: МГУ Ломоносова, 1996.
3.Макконел К., Брю С. Экономикс, 40 боб, -М., 1993.
4.Долан Э. Макроэкономика, 16 боб, М.: Прогресс, 1993.
5.Хейне П. Экономический обзар мышления, 21 боб. -М.: Дело, 1992.

**Асосий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура» 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон». 1996, 364 бет.
2. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 382 бет.
3. Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 367 бет.
4. Каримов И.А. «Бунёдкорлик йўлидан» 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 351 бет.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т.: «Ўзбекистон», 1997. 326 бет.
6. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. «Макроэкономика» С., -М., Ломоносов университет нашриёти 1997.
7. Борр Р. «Политическая экономика» в 2-х томах. 1-том Француз тилидан таржима. Москва, Халқаро муносабатлар. 1995.

8. М.К.Бункина, В.А. Семёнов. «Макроэкономика» М.1995.
9. М.Бурдо, Ч.Виплош. «Макроэкономика» (Европейский текст). С.Петербург. Судостроение. 1998.
10. В.М.Гальперин, С.М. Игнатов, В.И. Моргунов. «Макроэкономика» Том-1.
11. Ахмедов Д.К., Ирматов М. М, Шибаршова Л.И. Макроэкономика, Тошкент-Бишкек Венская школа, 1999 й. 5,5и.л.
12. Ишмухамедов А.Э. Жумаев К. «Макроиқтисодиёт» Тошкент ТДТУ, 1999 й, ва ТДИУ 2000й, 6 б.л.
13. Йўлдошев З., Қосимов М.С. «Макроиқтисодиёт асослари». Т.: Ўқитувчи. 1994.
14. М.А. Ҳакимова. «Макроиқтисодиёт». Т.: «Меҳнат». 1997.
15. Д. Джеффри, Д. Сакс и др. «Макроэкономика. Глобальный подход». М. Из-во «Дело». 1996.
16. В.Н.Костюк. «Макроэкономика». М.1998.
17. Т. Агапова, Гайгер. «Макроэкономика теория и переходная экономика». М. 1996.
18. Макконелл Кемпбелл Р, Брю Стенли Л. «Экономика. Принципы проблемы и политика». 2- жилд, инглиз тилидан таржима иккинчи нашр. М. Республика.1992.
19. В.Ф.Максимова, и др. «Рыночная экономика: учебник в трёх томах, 2-том. М. Сомннтек. 1992.
20. Н.Г.Менкью. «Макроэкономика». Из-во Московского университета. 1994.
21. Н.Самуэльсон. «Экономика вводный курс». М.Прогресс. 1996г.
22. П.Хейнс. «Экономический образ мышления». Перевод с англ. М. Изд. Новости при участии. 1991.
23. Эдвин ДЖ.Долан. «Макроэкономика». С. Петербург. 1994.

## Атама ва иборалар изоҳли луғати

**Акселератор (accelerator)** - иқтисодиётда истеъмолчилик сарф-харажатларининг ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалар ҳажмини ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсаткич.

Акселерация принципининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётда истеъмолчилик харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажмини динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмолчилик харажатларининг сезиларли ўсиши инвестицион фаолликни юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

**Активлар (assets)** - иқтисодий фаолият субъектларнинг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондларнинг қиймати.

**Амортизация (depreciation)** - фойдаланиш жараёнида асбоб-ускуналар қийматининг улар эскирган сайин маҳсулот ҳисобига ўтказиш жараёни.

Асосий жамғармалар истеъмол нархини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга оширилидиган нархини тўлатиши заруп

Асосий жамғармалар сарфини қоплаш учун уларга кетган сарфларни тайёрланаётган маҳсулотга кетган сарфни тайёрланаётган маҳсулотга сингдириб бориш асосий жамғармаларининг амортизациясини ташкил этади. Асосий жамғармаларининг амортизацияси маҳсулот таннархини ўз ичига олади, бу корхона, ташкилотларга асосий жамғармаларининг моддий ва маънавий сарфини қоплаш учун маҳсулотларни сотиш орқали маблағ тўлашларга имкон беради.

**Тижорат банк (Commercial bank )** - қўйилмалар шаклидаги пул капиталлари ва жамғармалар ҳисобига барча тармоқ корхоналари учун универсал банк харажатларини амалга оширувчи кредит муассасаси. Тижорат банки кредит тизимининг етакчи бўғинидир. Унинг харакатларида саноат ва савдо корхоналарини кредитлаш асосий ўрнини эгаллайди. Банк, шунингдек, воситалик муомалаларини ҳам олиб боради.

**Марказий банк (Central bank)** - мамлакатларнинг жами кредит тизимига раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монопол ҳуқуқда амалга оширади.

**Тўлов баланси (balance of payment )** - бу шундай иқтисодий категорияки, у орқали мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатларининг ҳолатини, жаҳон иқтисодиётларига мавқеини халқаро миқёсда тўловга қобиллигини билиши мумкин. Тўлов баланси - бу шундай хужжатки, мамлакатларнинг хорижий давлатларга тўлаган ва хорижий давлатлардан келган барча тўловларни ва тушумларнинг ҳақиқатдаги суммасини ўзида акс эттиради. Шартномаларда кўзда тутилган, аммо ҳали келиб тушмаган тўловлар ёки тушумлар суммаси ўз аксини топади.

**Ишсизлик ( unemloyment)** - аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши, меҳнат резерв армиясига айланиши.

**Ишсизликнинг даражаси ( unemloyment rate )** ишсизлар умумий сонининг ишчи кучига бўлган нисбати.

**Ишсизликнинг табиий даражаси ( natural rate of unemloyment )**- реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулотни ўсиши бир-бирига мос келадиган иқтисодий ривожланиш даври оралиқларига хос бўлган ишсизлик даражаси.

У шунингдек иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва таркибий ишсизлик кўрсаткичларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланиши мумкин. Шунингдек NAIRU терминини ишсизликнинг ўсмайдиган даражаси кўрсаткичида ҳам қўлланилади. Бу кўрсаткич ижтимоий жиҳатдан нисбатан нейтрал бўлиб инфляцияни турғун, барқарор темплари ҳамда реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) мос тушиши ҳолатдаги ишсизлик даражасини акс эттиради.

**Фрикцион ишсизлик (frictionl unemloyment )** - бир ишдан бошқа бир ишга ўтиш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишсизлик. Яширин ишсизлик ( hidden , lateint, olisgrised ) - ишлаб чиқариш жараёнида

объектив ҳолда ишчилар сонини ҳам талаб этадиган, лекин амалда ишлаб чиқаришда ортиқча бўлган ишчилар сони.

**Таркибий ишсизлик (structural unemloyment)** иқтисодиётни таркибий қайта қуришни, эскирган мутахасисликларнинг бартараф этилишни, ишчи кучини малакасининг даражаси пастлиги ёки умуман йўқлиги натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизликнинг кўриниши.

**Давлат бюджети тақчиллиги (state budget, local budget)** - давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

**Ялпи миллий маҳсулот - ЯММ (budget difficit)** истеъмолчиларнинг йил давомида маҳсулот яратиш учун қилган харажатлари қийматини жамлаш орқали, яъни маҳсулотни умумий пул қиймати аниқланиши орқали ҳисобланади. Ҳозирги ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблашда жамиятда иқтисодий ўсиш аниқланади, ялпи ва хусусий инвестиция тушунчалари қўлланмоқдаки, бунда улар йил давомида қурилган уйлар, фабрика, завод, машиналарни ифода этади.

**Номинал ЯММ (gross national product - GNP)** - жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий маҳсулот

**Реал ЯММ (potential GNP)** - солиштирма доимий нархлар орқали акс эттирилган ЯММ.У жорий нархларда ҳисобланган ЯММ нархларининг ўзгариши кўрсаткичи ( инфляция даражаси) ҳисобига тўғрилаш йўли билан ҳисобланади.

**Потенциал ЯММ ( potential GNP )** - мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

**ЯММ даражалардаги фарқлар ( GNP gap)** потенциал ва реал ЯММни даражалари орасидаги фарқ.

**Ташқи дунё** - шу мамлакатни ташқи иқтисодий алоқалар олиб борувчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институционал сектор.

**Альтернатив вариантлардан танлов (tradeoff)** танлаб олинган вариантни альтернатив вариантдан воз кечиш эвазига амалга оширилишини - тақозо этувчи қарорни қабул қилиш зарурати. Макроиқтисодий атамалар доирасида иқтисодий атамалар сиёсатни чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнида у ёки бу томларни танлов муаммоларини белгилаш учун ишлатилади. Масалан, ишсизликнинг ўсиши ва инфляция жадаллиги, фойданинг ўсиши ёки иш ҳақининг ўсиши орасидаги танлов муаммоси.

**Девальвация (devaluation)** - мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилиши.

**Пул базаси - МО (monetary)** - муомаладаги нақд пуллар, кассадаги корхоналарнинг пуллари ва миллий банкдаги тижорат банк резерви.

**Муомаладаги пуллар (currency)** мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг ўрни (олтин, кумуш, қоғоз); пулга тенглаштирилган тўлов воситалари: пул ҳисоб- китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш жараёнларида қатнашади.

**Дефляция (deflation)** - инфляция даврида чиқарилган муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул- кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади.

**Депозитлар (deposits)** - омонат асраб қўйилган 1) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар; 2) банк дафтаридаги ёзувлар: 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар ( акция ва облигация).

**Талаб этилгунга қадар сақланадиган депозитлар (demand deposits)** - тижорат банклари қўйилмаларида талаб этилгунга қадар сақланадиган пул воситалари.

**Дивиденд (dividend)** - ҳиссадорлик жамғармалари фойдасининг бир қисми бўлиб, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили ҳиссадорлар орасида тақсимланади.

**Дисконт (dicount)** - марказий банк томонидан тижорат банкларга бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.

**Даромад (income)** - ишлаб чиқариш натижасида тушган пул ( фойда).

**Шахсий даромад (personal income)** - Жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

**Миллий даромад (national income)** - миллий ишлаб чиқаришда олинадиган даромад ёки иқтисодиётнинг барча турдаги даромадининг баҳоси.

**Даромаднинг мавжуд миқдори (disposable income)** сарф, аражатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг қўлида мавжуд бўлган даромадлар. Даромадлар ва тўғри солиқлар орасида фарқ билан аниқланади.

**Омиллик даромади (factor income)** - ишчи кучи, капитал, мулк, ишлаб чиқариш омилларининг қўлланиши натижасида юзага келадиган даромад.

**Қарзлар - «заёмлар» (borrowing)** - маълум бир муддатга қайтариб олиш шарти билан берилган маблағлар. Қарзлар қуйидагича бўлиши мумкин: фоизсиз тижорат шаклидаги қарзлар, имтиёзли қарзлар ҳамда ички ва ташқи қарзлар. Иқтисодий сиёсатда қарзлар қуйидаги ҳолатларда фойдаланилади: жисмоний юридик шахслар қарзлари ички қарзларга киради.

**Аҳолининг бандлиги (employees)** - ижтимоий ишлаб чиқаришни фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган меъёрларга мос равишда ҳисобга олинадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

**Жами банд аҳоли (employees)** банд бўлган аҳоли ва ҳарбий хизматчилар.

**Бандлик даражаси (rate of employees)** - бандларни умумий сонини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбати.

**Иш ҳақи ( wage , nominal )** -пул, қиймат шаклидаги иш ҳаки.

**Реал иш ҳақи ( real wage )**- нархлар ўзгариши даражаси ҳисобига тузатиш киритилган номинал иш ҳақи (ёки номинал иш ҳақидан нархлар ўзгариши даражасини ҳисобга олингани).

**Импорт ( import )** - мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У халқ хўжалиги, вақтни тежаш, халқ эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

**Инвестиция ( investment )** - ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

**Нархлар индекси ( price index )** - икки ҳар хил вақт оралигида товар ва хизматларга нархнинг мувозанатини ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

**Истеъмол нархлар индекси ( consumer price index )** - ўртача оила томонидан одатда истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврига нисбатан ўзгаришини ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

**Ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси ( producer price index)** базис даври оралигида хом ашё материаллар ва оралиқ товарлар нархини ўзгаришини ўртача даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. ЯММни максимал даражада деталлаштирилган компонентлари нархини солиштирма нархларга ўтказишда ишлатилади.

**Индекслар- ЯММ дефляторлари ( GNP deflators )** ЯММ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи, буларга нархларни агрегат индекси, ЯММ мавҳум дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлар индекси, шунингдек махсус ташкил қилинган индекслар киради.

**ЯММни мавҳум дефлятори нархлар индекси ( GNP implicit price deflator)** - жорий нархлардаги ЯММни солиштирма нархлардаги ЯММга нисбатан тавсифловчи кўрсаткич ёки бошқача қилиб айтганда номинал ЯММни реал ЯММга нисбати.

**Индексация (indexation)** иқтисодиётдаги нархларни ўртача даражасини ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш тизими.

**Инфляция (inflation)** - пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очиқчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

**Инфляция даражаси (rate of inflation)**- маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоиз ўзгариши.

**Кутилаётган инфляция даражаси (expected rate of inflation)** - мавжуд ижтимоий иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлгуси даврдаги инфляция даражаси

**Гиперинфляция (hyper - inflation)** - ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг муддат билан ўсиши, пул қадрининг тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан характерланади.

**Бартараф этилган инфляция** - бошқариладиган ёки қатъий, қўйилган нархларни бошқаришга бўлган иқтисодиёт доирасида инфляцион жараёнларнинг ўзига хос кўриниши. Директив тарзда белгиланган нархлар даражаси сақланган ҳолда инфляция муомаладаги пул миқдорини кўпайиши ва уни сотиб олиш қобилиятини қадрсизланиши орқали намоён бўлади. Бундан ташқари шуларнинг натижасида, таъсири остида кескин талабни ошиб бориши ҳамда товар ва хизматларнинг дефицити орқали намоён бўлади.

**Доимий, давомий инфляция (cronic inflation)** - нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узоқ муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга мисол қилиб, Бразилия, Исроил, Мексика, Перу, Аргентинани келтириш мумкин.

**Нархлар корректировкаси (price adjustment)**- бозор вазияти ўзгаришига нархларнинг мослашув жараёни.

**Қарз бериш (crediting)**- пул ёки товарларни қайтариш шарти билан маълум муддатга бериш.

**Тижорат кредити ( comerecial credit )** - қисқа муддатли қарз ( 1 йил муддатгача берилади) сотиб олинадиган товарларга тўлаш учун пул қарзи кўринишида берилади.

**Банк кредити ( banking credit )** - даромад ( %) кўринишида олиш мақсадида банк томонидан қарзга пул бериш.

**Истеъмол кредити ( consumer credit )** - марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсатининг воситаси (инструменти). У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредитнинг максимал миқдорининг расмий равишда белгиланишини тақозо этади.

**Ликвидлик (liquidity)** - турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти.

**Макроиқтисодиёт (macroeconomics)** барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини ёки мулкдорлар синфини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий таркибни мустаҳкамлаш.

**Солиқлар (taxes)** - миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шакли. Солиқ - бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

**Қадрсизланиш (depreciation)** - миллий валютанинг нархи чет эл валюталарининг баҳосидан камайиши.

**Валюта курси** - мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

**Номинал алмашув курси ( nominal exchange rate )** - миллий валюта ва чет эл валюталари бирликларини одатда мавжуд бўлган нисбати. Ушбу нисбат ҳам қатъий белгиланган, ҳам чайқалиб турувчи асосда амалга оширилиши ҳам мумкин.

**Реал алмашув курси (real exchange rate)** - иккала мамлакатдаги нархлар даражасининг ўзаро нисбати. муносабатини ҳисобга олувчи алмашув курси. Солиштирилаётган мамлакатлардаги номинал алмашув курсини нархлари индексларини ўзаро нисбатига бўлиш орқали ҳосил бўлади.

**Ўзгарувчан алмашув курси (flexible exchange rate)** ички мувозанатни тиклаш мақсадида мамлакат алмашув курсига эга бўладиган халқаро ҳисоб-китоблар тизими.

**Белгиланган алмашув курси ( fixed exchange rate )**- миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан анъанавий тарзда белгиланадиган ва ўзгармас тизими.

**Асосий фондлар ва уларнинг баҳоси (capital stock)** - молияси турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул маблағини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштириш ва ишлатишни билдиради.

**Бюджет-солиқ сиёсати (fiscal policy)**- бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини шакллантирган ҳолда 3 хил бюджет сиёсатини юритади. Бюджет харажатлари, трансферт харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан, чиқарилмаган қимматбаҳо қоғозлар реализациясидан ва бюджет томонидан, маълум қисми марказ томонидан банк эмиссияси ҳисобига ёпилишидан. Шунга кўра давлат харажатлар ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсати юритилади.

Солиқ сиёсати - солиқ сиёсати ривожлантириш учун капитал қўйилмаларни молиялаштиришда мажбурий жамғармалар ташкил қилувчи асосий омиллардан биридир.

**Паритет (parity)** - тенглик, тенг ҳуқуқли, тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий ( сиёсий) ҳаракатда иштирок этиш.

**Истеъмол (consumption)** - кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси.

**Истеъмол харажатлари** макроиқтисодиётда истеъмол харажатлари, уй хўжалик харажатлари, қурилиш харажатларини қамраб олади.

**Давлат истеъмоли** маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмоли харажатлари.

**Оралиқ истеъмол (intermediate consumption)** ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришнинг бошқа босқичида меҳнат унсурлари сифатида ишлатилиши.

**Ортиқча таклиф (excess suply)** мавжуд нархларда товар ва хизматларнинг таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган

иқтисодий вазият. Шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш деб ҳам аталади.

**Жами таклиф (aggregate suply)** - мамлакатда ишлаб чиқилган ҳамма товар ва хизматларни жами қиймати, шунингдек, миллий маҳсулот деб ҳам аталади.

**Фойда (profit)** қўшимча маҳсулотнинг пул шакли: корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткич. Корхонанинг молиявий аҳволи, иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш имкониятлари, бюджет ва юкори турувчи органлар бўйича мажбуриятларининг бажарилиши фойда ҳажмига боғлик.

**Хусусийлаштириш (privatization)** давлат мулкини, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин соҳибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

**Меҳнат унумдорлиги (labour productivity)** - меҳнатнинг маҳсулотлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашма кўрсаткичлардан бири.

**Ишлаб чиқариш функцияси (production function)** маҳсулот ишлаб чиқариш учун мазкур корхонага зурур бўлган барча кишилар ва меҳнат қуроллари ҳаракатларининг мажмуи.

**Фоиз (interest)** - даромад, ўз мулкини бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериб, шундан фойда олиш.

**Фоиз ставкаси (interest rate)** - кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловни фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул миқдорини бир бирликка тўғри келадиган йиллик тўловини акс эттиради.

**Номинал фоиз ставкаси (nominal interest rate)** маълум давр ичида (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори. Депозит ҳисобларидан ва қимматли қоғозларда активларни номинал қиймати ўзгармас бўлганидаги фоиз ставкалари дейилади.

**Реал фоиз ставкаси (real interest rate)** маълум давр ичида депозит ҳисоб-китобларидаги ва қимматли қоғозлардаги активларни реал қиймати ўсиши юз берадиган фоиз ставкаси.

**Ишчи кучи (labour force)** - одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

**Ишчи кучи ҳиссаси (labour fore rate)** - одамларнинг меҳнат кобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида у ишга соладиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

**Иш вақти (hours of work)** - ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақт ҳажми.

**Иш вақтининг умумий соатлар сони (total hours of work)** - ўртача статистик ишловчи банд бўлган иш вақтини ўртача соатлар сони

**Бозор мувосабати (market clearing)** бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиққан бўлади.

**Сарф- харажат баланси (spending balance)** - макроиқтисодиётда ЯММ ни ишлаб чиқаришга кетган жаъми харажатлари ва яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг охирги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасида баланс.

**Рационал кутишлар (rational expectations)** - ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларида мавжуд бўлган барча ижтимоий-иқтисодий маълумотлар асосида энг рационал тарзда ўз иқтисодий ҳаракати: режалаштирадилар деб таъкидловчи назария.

**Банк резервлари (reserves)**- тижорат банкларида сақланаётган нақд пулларнинг марказий банкда сақланаётган фоизсиз депозитларини ўз ичига олади.

**Ревальвация (revaluation)** мамлакат пул бирлиги расмий курсини чет эл валюталарига нисбатан ошириш.

**Иқтисодий ўсиш** - реал миллий даромаднинг ёки реал миллий даромадни ( маҳсулотни) аҳоли жон бошига ўсиши сифатида аниқлаш мумкин.

**Импорт қилишга мойиллик (propensity to import)** даромадда импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

**Инвестицияларга бўлган мойиллик (propensity to invest)** истеъмол харажатларнинг инвестициядаги ҳиссаси.

**Истеъмол қилишга мойиллик (propensity to consume)** - истеъмол харажатларнинг даромаддаги ҳиссаси.

**Жамғармага мойиллик (propensity to save)** - даромадда жамғарма ҳиссаси қанчани ташкил этиши.

**Мулк (property)** - қийматга эга бўлиб, бирон бир шахс нарсасига қарашли бўлади.

**Пасайиш (recession)** - иқтисодий активликнинг пасайиши бўлиб, ўсиш суръатининг пасайиши билан характерланади.

**Пулга бўлган талаб (demand for money)** - мамлакат аҳолиси жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва ҳар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган миқдор. Истеъмол, фоиз ставкаси, операцион харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

**Ортиқча талаб (excess demand)** мавжуд нархлар ҳолатида товарлар ва хизматларга бўлган талаб таклифлардан устун бўладиган иқтисодий вазият. Шунингдек дефицит деб ҳам аталади.

**Жаъми талаб (aggregate demand)** - мамлакатни реал сотиб олиш қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич. Жаъми харажатлар деб ҳам аталади. Унга давлатнинг истеъмол харажатлари, хусусий сектор истеъмоли, жаъми инвестициялар ва экспорт-импорт харажатлар савдоси киради.

**Солиштирма афзаллик (comparative advantages)** - айрим иқтисодий агентларнинг товар ва хизматларни камроқ харажатлар эвазига ишлаб чиқариш хусусияти. Макродаражада солиштирма афзалликлар принципи ишлаб чиқариш ва экспортни самарали структурасини шакллантириш учун қўлланилади.

**Субсидия (subsidy)** - давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

**Узоқ муддат давомида ишлатилувчи товарлар (durable gods)** - истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиладиган (1 йилдан кўп) товарлар. Узоқ вақт хизмат қиладиган товарларга машина, совутгичлар ва бошқа маиший хизмат турлари киради.

**Ички истеъмол учун мўлжалланган товарлар (nontraded goods)** - ташқи бозорда реализация қилинмайдиган ички ишлаб чиқариш товар ва хизматлари ( кўчмас мулк, хизматларни айрим турлари ...)

**Савдо баланси (merchandise trade balance)** - бунда экспорт ва импортдан келадиган тушумлар ва тўловлар ўз аксини топади. Савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар балансда ўз аксини топмайди.

**Савдо балансининг дефицити (trade deficit)** ҳисоб даврини охирига келиб импорт бўйича қилинган жами харажатларни экспорт даромадлардан устун келиш вазияти.

**Савдо балансини ижобий сальдоси (trade surplus)** ҳисобот даврининг охирига келиб экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келиш вазияти.

**Трансферт тўловлари (transfer payment)** - ўтказма тўловлар, яъни давлат бюджетидан аҳолига ва хусусий тадбирларга бериладиган тўловлар. Ижтимоий эҳтиёжларда аҳолига пенсия ва нафақа тўловларига бўлинади.

**Филлипс эгри чизиғи (phillips curve)**- инфляция даражаси динамикаси ва ишсизлик даражаси динамикаси ёки реал ЯММни потенциалдан ошиши орасидаги ўзаро боғлиқликни тавсифлайди ва график ифодалаб беради.

**Баҳо, нарх (phice)** - товар қийматнинг пул орқали ифодаланиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ва фойдани кўрсатеди.

**Асосий нарх (base price)** - халқ хўжалигини ривожлантириш ва статистик ҳисоб олиб боришда, индексларни ҳисоблаш ва тўлашгача ҳисобланган нарх.

**Ишлаб чиқарувчилар нархи (producers price)** - ўз ичига товар ва хизматнинг базис нархини, солиқларни қамраб олади ва субсидиялар олиб ташланади.

**Бозор нархи (market price)** иқтисодиётда жами талабларнинг ўзгармас ҳолда қолувчи нархлари.

**Қимматбаҳо қоғозлар (securities)** унинг эгасига қандайдир капитал ёки мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ва фоиз дивидент кўринишида даромад келтирувчи ҳужжат.

**Саноат цикли (business cycle)** ҳозирги давр иборасида иқтисодиётни доимий бўлмаган ҳолда қайтариб турувчи иқисодиётни турли ривожланиш босқичлари. Умумий ишбилармонлик фаоллигини ошиши ва тушумларидан, пасайишларидан иборат.

**Соф миллий маҳсулот (net product)** - макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, у ЯММни ва амортизация ажратмалар жами миқдорининг айирмаси ҳисобланади.

**Ёпиқ иқтисодиёт (closed economy)** ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодиёт.

**Очиқ иқтисодиёт (open economy)** - ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо- иқтисодий ва молиявий алоқаларга эга бўлган иқтисод.

**Капитал экспорти** - тижорат мақсадда амалга ошириш.

**Экспорт (export)** ташқи бозорда товарлар, хизматлар ва капиталларни реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

**Товар экспорт қилиш** - ички ишлаб чиқарилган маҳсулотларни четга сотиш ҳамда хорижлаги шерикларга ишлаб чиқариш ва талаб характерига эга бўлган хизматларни кўрсатиш.

**Шахс сармояси** - алоҳида шахсга тегишли капитал. Унинг салбий томони шундан иборатки, бундай қарашлар ижтимоий муаммолар ва меҳнатнинг капитал томонидан эксплуатация қилинишни ҳақидаги фикрларга уланиб кетишига олиб келади. Бу ерда капитал меҳнатни эксплуатация қилар экан, у ҳолда инсон капитали ҳам меҳнатни эксплуатация қиладими деган фикрларни келтириб чиқаришга уриниб кетишади.

Инсонга капитал сифатида ёндашувнинг ижобий томони шундан иборатки, бундай ёндашувда ресурслардан самарали фойдаланилади, улар, оқилона тақсимланади.

**Монетаристлар (monetarists)** уларнинг нуқтаи назарига кўра бозор рақобатдан жуда ривожланиб макроиқтисодиётни барқарорлаштириб туради. Монетаристлар сиёсатга катта аҳамият беради ва пул ёрдамида иқтисодиётни кўтаришни таклиф қилади. Монетаристлар пул муомаласига асосий хавф ҳукумат фаолиятидан келиб чиқади деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли улар бюджет камомадини марказий банк кредити ҳисобидан қопланишига қатъиян қарши чиқадилар. Бу назарий қоиданинг аҳамиятлигини жаҳон амалиётида бир неча бор гувоҳи бўлинди. Хусусан Олмония марказий банки мисолида яққол намон бўлди. Бизга маълумки, икки немис давлатининг қўшилиши билан боғлиқ харажатларнинг ҳар йили 25-30 миллиард маркаси Олмония федерал бюджети ҳисобидан молиялаштиришмоқда.

Бюджет харажатларини нисбатан қисқартириш мақсадида ҳукумат Бундесбанк раҳбариятидан ҳисоб ставкасини пасайтиришни сўраган эди. Аммо улар рози бўлишмади. Чунки ҳисоб ставкасини

атиги 0,5 фоизга пасайтириш, муомаладаги пул массасининг 5-6 фоизга ошишига олиб келарказ. Бу эса миллий валютанинг харид қувватини пасайтиради олиб келади.

**Иқтисодиёт ва бизнеснинг асосий тушунчалари**

1. **Монополия** бу бозордаги хукмронлик ходисаси. Сотувчи ёки харидорлар ўз иқтисодий қудрати ва имкониятларига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ўз тазйиқларини ўтказадилар, ўз манфаатларига тўла йўл очишга харакат қиладилар. Натижада рақобат сусайиб, истеъмолчилар манфаатига зарар келтиради.

2. **Рақобат ва монополия** холатига қараб тўрт хил *бозор модели* юзага келади: а) соф рақобатли; б) монопол рақобатли; в) олигопол рақобатли; г) соф монополли.

3. **Аксмонопол сиёсат.** Бу монополия хукмронлигига қарши қаратилган давлат сиёсатини билдиради. Бунда қонунчилик ва бюджет пул, кредит пул сиёсатларидан фойдаланилади.

4. **"Ёввойи рақобат"** ва **"цивилизациялашган рақобат"** тушунчалари. Бирингчиси асосан ривожланмаган бозорга хос бўлса, иккинчиси асосан аралаш иқтисодиёт ва ривожланган бозорга хосдир.

ИЛОВА 1.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2001 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШИНИ БАХОЛАШ

2001 йили республикада иқтисодий ва ижтимоий сохаларда ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг хамда унинг етакчи тармоқ ва секторларида мунтазам ўсиш тенденцияси кузатилди.

2001 йили илк бор мустақиллик йилларида ялпи ички махсулот хажми ислохотларгача бўлган давр даражасидан ортиб, 1991 йил даражасига нисбатан 103 фоизни ташкил этди ва 4868,4 млрд. сўмга етди. Ялпи ички махсулот 2000 йилга нисбатан 4,5 фоизга ўсди.
Ялпи ички махсулот ишлаб чиқариш суръатлари республика ахолиси жон бошига 103,1 фоизни ташкил этди, ахолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга кўпайди.

Ялпи ички махсулотнинг ўсиши саноат махсулотининг (108,1 фоиз), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг (104,5 фоиз), қурилиш ишларининг (103,3 фоиз), ички савдо хажмининг (109,5 фоиз) ва ташқи савдо хажмининг (103,1 фоиз) янада ортиши хисобидан таъминланди.
Республика ташқи савдо баланси ижобий шаклланди, экспорт импортдан 128 млн. АҚШ долларига ортди.

Ўтказилаётган молиявий ва пул-кредит сиёсати натижасида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, иқтисодиётнинг умуман

давлат миқёсида, шунингдек, минтақалар ва тармоқлар миқёсида молиявий мутаносиблиги мустаҳкамланди.
Хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди.
Инвестиция дастури доирасида иқтисодиётда таркибий қайта тузишларни янада чуқурлаштириш ҳамда инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб этиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилди.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (1194,2 млрд. сўм) 2000 йилга нисбатан 3,7 фоизга ортди, бу эса, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этди. 2001 йилда капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминланишида маълум қисми чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига ортди. Уларнинг улуши 2000 йилга нисбатан 7,6 фоизга ортди ва асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 29,3 фоизини ташкил этди. Капитал қўйилмалар таркибида, шунингдек, корхоналарнинг ўз маблағлари улуши 1,1 фоизга ортиб, 27,5 фоизни ташкил этди.

Инвестицияларнинг анча қисми ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Уларнинг ҳажми 744,6 млрд. сўмни ёки ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 62,4 фоизини ташкил этди.

2001 йилда энергия ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, нефт-газ мажмуи, кўмир, металлургия, кимё, пахтани қайта ишлаш, енгил саноат, ипак, чарм - пойабзал, мебел ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқлари корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш дастурлари изчил амалга оширилди.
Темир йўл ва автомобил транспорти коммуникацияларининг модернизацияси ва янги қурилишлари фаол олиб борилди.

Экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўтган йили 200 дан ортиқ қўшма корхона, шу жумладан, республиканинг барча минтақаларида чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этиш дастурини амалга ошириш доирасида 90 та қўшма корхона барпо этилди.

2001 йил 1 январ ҳолатига республикада чет эл инвестициялари киритилган 3301 та корхона рўйхатга олинди. Кўплаб қўшма корхоналар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея, Хитой, Туркия, Россия, Украина ва бошқа мамлакатлар инвесторлари иштирокида барпо этилди.

Кичик ва ўрта бизнеснинг қонунчилик, меъёрий ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш, «бир йўла» кичик ва ўрта бизнес субъектлар ИЕСИ рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Тадбиркорлар учун солиққа тортиш тизими, бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисоботини соддалаштириш натижасида рўйхатга олинган кичик, ўрта корхона, микрофирмалар сони 201,9 мингтага етди ва хўжалик юритувчи субъектлар умумий сонидан 90,5 фоизни ташкил этди

2001 йилда иқтисодиётнинг кичик ва ўрта секторининг маҳсулот ишлаб чиқариши, ишлар бажариши ва хизмат кўрсатиши юқори суръатлар билан ўсди. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг хўжалик юритувчи субъектлари (деҳқон хўжаликларисиз) томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 24,4 фоизи ишлаб чиқарилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни жадаллаштирилган ривожлантиришнинг давлат дастурини амалда бажариш натижасида мазкур секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилга нисбатан 2,8 фоизга ортди. Аҳолини иш билан таъминлашда кичик ва ўрта бизнес муҳим омил бўлмоқда. 2001 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 4842,5 минг киши банд бўлган ёки иқтисодиётда барча банд бўлган аҳолининг 53 фоизини ташкил этди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича чора - тадбирлар изчил ўтказилди.

Ўтган йилда республикамизда жами 1449 та корхоналар хусусийлаштирилиб, улар негизида 775 та хусусий корхона, 240 та очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ва 674 та турли ташкилий - ҳуқуқий шаклдаги нодавлат корхоналари тузилди. Хусусийлаштириш натижасида давлат бюджетига тушган пул маблағлари ҳажми 23,2 млрд. сўмни ташкил этди.

2002 йил 1 январ ҳолатига таркибий ўзгаришлар натижасида нодавлат секторда мамлакат барча корхона ва ташкилотларининг 87,1 фоизи фаолият кўрсатди.

2001 йилда нодавлат секторда ялпи ички махсулот ҳажмининг 74,1 фоизи, саноат маҳсулотининг 70,8 фоизи ишлаб чиқарилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99 фоизи етиштирилди, қурилиш ишларининг 83,9 фоизи бажарилди. Чакана товар айланмасининг 97,1 фоизи, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 59,4 фоизи нодавлат секторда шаклланди. Жами иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 76 фоизи нодавалат секторга тўғри келди.

Иқтисодиётнинг хусусий сектори мустаҳкамланди, бир қатор (қишлоқ хўжалик, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси) тармоқларида эса ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг анча қисми унинг улушига тўғри келди. 2001 йилда 62,5 минг корхона (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ўз фаолиятини хусусий мулкчилик доирасида амалга оширди. Хусусий корхоналарнинг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳасида, ҳар олтинчиси саноатда фаолият кўрсатмоқда.

2001 йилда республика саноатида 2884,5 млрд. сўмлик маҳсулот (2000 йилга нисбатан 8,1 фоизга кўп), 1329,1 млрд.сўмлик истеъмол моллари (10,9 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Янги турдаги ишлаб чиқариш ва тармоқлар жадал суръатлар билан ривожланди. 2001 йилда республика саноат корхоналари томонидан 467 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Автомобил саноати, қишлоқ

хўжалик техникаси ишлаб чиқариш, қурилиш индустрияси ва бошқа соҳаларнинг қатор корхоналарида маҳаллий хом ашё негизида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда ижобий натижаларга эришилди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ижобий ўзгаришлар қўлга киритилди.

2001 йилда қишлоқ хўжалик ширкатларини шакллантириш давом этди. Кам самарали, зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш давом этди.

2002 йил 1 январ ҳолатига ширкатларга айлантирилган хўжаликлар сони 1,9 мингни ташкил этди. 2002 йил 1 январга фермер хўжаликлари сони 55,4 мингтага (2001 йил 1 январига нисбатан 26,7 фоизга ортиқ) етди. Уларга 1054,7 минг гектар ер бириктирилган бўлиб, бир хўжаликка ўрта ҳисобда 19 гектар ер тўғри келди.
Ишлаб чиқарилган дон маҳсулотларини 18,5 фоизи, пахтанинг 21,6 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилди.

Умумий ҳисобда 2001 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 2086,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2000 йилга нисбатан 4,5 фоизга ошди. Барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 353,7 минг тонна гўшт (2000 йилга нисбатан 1,4 фоизга ортиқ) етиштирилди, 3667,2 минг тонна сут (1 фоизга ортиқ) сотиб олинди, 1287,4 млн. дона тухум (2,6 фоизга ортиқ) олинди.

2001 йилда ноишлаб чиқариш соҳасига жами инвестицияларнинг 37,6 фоизи йўналтирилди. Умумий майдони 7098,7 минг кв. м дан иборат 65,7 минг квартира, шу жумладан қишлоқ жойларида 6343,5 минг кв. м., 26 минг ўқувчи ўринли умумтаълим мактаблари, 790 ўринли касалхона, бир сменада 13,5 минг қатновли амбулатория-поликлиника муассасалари, шу жумладан 12,9 минг қатновли қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 1,9 минг км водопровод ва 3,2 минг км газ тармоқлари ишга туширилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техник базасини маблағ билан таъминлаш ва ривожлантириш дастури доирасида 2,5 минг ўқувчи ўринли 4 академик лицей ва 450 ўқувчи ўринли 2 ётоқхона, 53,7 минг ўқувчи ўринли 81 касб-ҳунар коллежи, 8,2 минг ўқувчи ўринли 54 ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий соҳада амалга оширилган дастурий чора - тадбирлар аҳолининг бандлилиги ҳамда даромадлари ошишига, аҳолининг кам таъминланган қатламига давлат томонидан йўналтирилган манзилли ёрдам янада ортишига имкон берди.

Шундай қилиб, 2001 йилда республикада макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқ ва соҳаларини ислоҳ қилиш, ижтимоий дастурларни амалга оширишда қўлга киритилган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш

юзасидан белгиланган чора-тадбирларни изчил амалга оширишни давом этди.

ИЛОВА 2.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2001 ЙИЛДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Макроиқтисодий кўрсаткичлар

| | 2001 йил амалдаги нархларда, млрд.сўм | 2001 йил 2000 йилга нисбатан фоиз хисобида |
|---|---|---|
| Иқтисодий индикаторлар | | |
| Ялпи ички маҳсулот | 4868,4 | 104,5 |
| Саноат маҳсулоти ҳажми | 2884,5 | 108,1 |
| Саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар баҳо кўрсаткичлари | х | 142,2 |
| Истеъмол моллари ишлаб чиқариш | 1329,1 | 110,9 |
| Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 2086,8 | 104,5 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 1194,2 | 103,7 |
| Қурилиш ишлари | 544,4 | 103,3 |
| Юк ташиш, млн.т. | 770,7 | 95,8 |
| Юк айланмаси, млрд. т-км | 55,9 | 102,3 |
| Йўловчи ташиш, млн. киши | 3438,1 | 96,6 |
| Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км | 31,6 | 102,6 |
| Чакана товар айланмаси | 2697,0 | 109,5 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 471,2 | 114,4 |
| Ташқи савдо айланмаси, млн.АҚШ доллари | 6401,8 | 103,1 |

| | 2001 йил амалдаги нархларда, млрд. сўм | 2001 йил 2000 йилга нисбатан фоиз хисобида |
|---|---|---|
| Ижтимоий индикаторлар | | |
| Аҳоли пул даромадлари | 3614,4 | 152,0 |
| Аҳоли жон бошига пул даромадлари, минг сўм | 144,2 | 149,9 |
| Пул сарф-харажатлари ва жамғармалар | 3507,7 | 153,5 |
| Аҳоли жон бошига пул сарф- | 140,0 | 151,6 |

| | | |
|---|---|---|
| харажатлари ва жамғармалар, минг сўм | | |
| Аҳолининг товар харид қилиши ва хизмат тўловлари пул сарф-харажатлари | 3080,3 | 151,5 |
| Аҳоли жон бошига товар харид қилиш ва хизмат тўловлари пул сарф-харажатлари, минг сўм | 122,9 | 149,6 |
| Иш қидирувчилар сифатидаги рўйхатда турган фуқаролар сони (ҳисобот даври охирига), минг киши | 43,6 | 104,0 |
| Шу жумладан: | | |
| Расман рўйхатга олинган ишсизлар сони, минг киши | 37,5 | 105,9 |
| Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида | 0,4 | X |

**Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш**

(жорий нархларда; млрд.сўм)

| | 2000 й. | 2001 й. | 2001 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 3255,6 | 4868,4 | 104,5 |
| Шу жумладан: | | | |
| Товар ишлаб чиқариш | 1645,1 | 2459,0 | 103,7 |
| Якунга нисбатан фоиз ҳисобида | 50,5 | 50,5 | X |
| Хизмат кўрсатиш | 1202,8 | 1806,8 | 105,4 |
| Якунга нисбатан фоиз ҳисобида | 37,0 | 37,1 | X |
| Маҳсулот ва экспорт-импорт муамолаларига соф соликлар | 407,7 | 602,6 | 104,5 |
| Якунга нисбатан фоиз ҳисобида | 12,5 | 12,4 | х |

Ялпи ички маҳсулот.

| | Млрд.сўм. | 2000 йилга нисбатан фоиз ҳисобида | |
|---|---|---|---|
| | | жами | Аҳоли жон бошига |
| Ўзбекистон Республикаси | 4868,4 | 104,5 | 103,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 123,3 | 96,8 | 95,6 |
| Вилоятлар: | | | |
| Андижон | 407,1 | 108,8 | 107,2 |
| Бухоро | 325,7 | 103,3 | 102,0 |
| Жиззах | 130,6 | 104,2 | 102,6 |
| Қашқадарё | 314,5 | 105,3 | 103,2 |
| Навоий | 196,0 | 102,7 | 101,9 |
| Наманган | 244,5 | 104,8 | 103,1 |
| Самарқанд | 358,4 | 104,2 | 102,7 |
| Сурхондарё | 253,0 | 108,0 | 106,0 |
| Сирдарё | 104,9 | 105,2 | 104,0 |
| Тошкент | 473,3 | 104,5 | 103,7 |
| Фарғона | 458,2 | 100,3 | 99,1 |
| Хоразм | 189,8 | 103,5 | 101,8 |
| Тошкент ш. | 697,1 | 104,1 | 104,2 |

Ялпи ички маҳсулот пировард истеъмол йўналиши бўйича

(жорий нархларда)

| | 2000й. | | 2001й. | |
|---|---|---|---|---|
| | Млрд.сўм. | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида | Млрд.сўм. | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
| Ялпи ички маҳсулот | 3255,6 | 100 | 4868,4 | 100 |
| Шу жумладан: | | | | |
| Пировард истеъмол сарф-харажатлари | 2623,7 | 80,6 | 3898,5 | 80,1 |
| Улардан: | | | | |
| Уй-жой хўжалиги | 1985,2 | 60,9 | 2957,3 | 60,8 |
| Давлат бошқарув идоралари | 607,3 | | | |
| Уй-жой хўжалигига хизмат | 31,2 | 1,0 | 43,7 | 0,9 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар | | | | |
| Ялпи жамғарма | 637,2 | 19,6 | 982,9 | 20,2 |
| Шу жумладан: | 781,0 | 24,0 | 1252,7 | 25,7 |
| Асосий капитал | -143,8 | -4,4 | -269,8 | -5,5 |
| Моддий айланма маблағлар захираси ўзгариши | -5,3 | -0,2 | -13,0 | -0,3 |
| Товар ва хизматлар экспорт-импорт қолдиғи | | | | |

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар сони**

(1 январ ҳолатига)

| | Жами минг | Шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида | |
|---|---|---|---|
| | | Давлат | Нодавлат |
| Ўзбекистон Республикаси | 223,1 | 11,7 | 88,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 11,3 | 9,7 | 90,3 |
| Вилоятлар: | | | |
| Андижон | 22,2 | 11,3 | 88,7 |
| Бухоро | 14,6 | 8,2 | 91,8 |
| Жиззах | 11,0 | 9,1 | 90,9 |
| Қашқадарё | 17,9 | 13,4 | 86,6 |
| Навоий | 8,8 | 11,4 | 88,6 |
| Наманган | 15,2 | 13,8 | 86,2 |
| Самарқанд | 25,0 | 10,8 | 89,2 |
| Сурхондарё | 12,4 | 16,1 | 83,9 |
| Сирдарё | 7,4 | 14,9 | 85,1 |
| Тошкент | 17,6 | 13,1 | 86,9 |
| Фарғона | 19,1 | 14,1 | 85,9 |
| Хоразм | 12,7 | 11,0 | 89,0 |
| Тошкент ш. | 27,9 | 9,7 | 90,3 |

## Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари

| | Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар | | Хусусийлаштиришдан олинган маблағ | |
|---|---|---|---|---|
| | Бирлик. | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида | Млн.сўм. | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
| Ўзбекистон Республикаси | 1449 | 100 | 23195,6 | 100 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 99 | 6,8 | 1425,0 | 6,1 |
| Вилоятлар: | | | | |
| Андижон | 134 | 9,3 | 1297,2 | 5,6 |
| Бухоро | 102 | 7,0 | 1038,5 | 4,5 |
| Жиззах | 58 | 4,0 | 770,2 | 3,3 |
| Қашқадарё | 99 | 6,8 | 871,8 | 3,8 |
| Навоий | 63 | 4,3 | 846,0 | 3,6 |
| Наманган | 83 | 5,7 | 736,4 | 3,2 |
| Самарқанд | 110 | 7,6 | 1354,7 | 5,8 |
| Сурхондарё | 71 | 4,9 | 615,8 | 2,6 |
| Сирдарё | 51 | 3,5 | 621,4 | 2,7 |
| Тошкент | 140 | 9,7 | 1457,5 | 6,3 |
| Фарғона | 158 | 10,9 | 2476,0 | 10,7 |
| Хоразм | 134 | 9,3 | 877,9 | 3,8 |
| Тошкент ш. | 147 | 10,2 | 8807,2 | 38,0 |

## Иқтисодиётда банд бўлганлар сони

| | Жами, минг киши | Шу жумладан фоиз ҳисобида | |
|---|---|---|---|
| | | Давлат сектори | Нодавлат сектор |
| Ўзбекистон Республикаси | 9136,0 | 24,0 | 76,0 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 494,6 | 28,4 | 71,6 |
| Вилоятлар: | | | |
| Андижон | 847,8 | 17,5 | 82,5 |
| Бухоро | 596,7 | 21,4 | 78,6 |
| Жиззах | 298,0 | 24,8 | 75,2 |
| Қашқадарё | 736,2 | 23,2 | 76,8 |
| Навоий | 330,7 | 41,1 | 58,9 |
| Наманган | 620,2 | 21,6 | 78,4 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Самарканд | 936,1 | 22,5 | 77,5 |
| Сурхондарё | 583,1 | 20,2 | 79,8 |
| Сирдарё | 252,6 | 23,4 | 76,6 |
| Тошкент | 906,9 | 21,2 | 78,8 |
| Фарғона | 1042,0 | 19,9 | 80,1 |
| Хоразм | 468,3 | 24,0 | 76,0 |
| Тошкент ш. | 1022,8 | 35,1 | 64,9 |

* Бахо.

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича корхона ва ташкилотлар фаолияти молиявий натижалар**

| | Фойда, зарар (-) | |
|---|---|---|
| | Млрд. сўм. | 2000 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
| **Жами** | 443,1 | 144,2 |
| Шу жумладан: | | |
| Саноат | 136,5 | 150,9 |
| Транспорт | 95,8 | 106,8 |
| Алоқа | 24,6 | 167,3 |
| Қурилиш | 20,0 | 141,7 |
| Савдо ва умумовқатланиш | 40,2 | 151,8 |
| Моддий-техника таъминоти ва сотиш | 28,7 | 2м. |
| Уй-жой хўжалиги | 0,8 | 3м. |
| Коммунал хўжалик | 1,8 | 61,0 |
| Фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 1,5 | 119,0 |
| Бошқа тармоқлар | 93,3 | 176,0 |

**Корхона ва ташкилотлар фаолияти молиявий натижалари**

| | Фойда, зарар (-), млрд. сўм. | 2000 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 443,1 | 144,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 6,3 | 118,7 |
| Вилоятлар: | | |
| Андижон | 8,5 | 135,2 |
| Бухоро | 18,1 | 106,3 |
| Жиззах | 3,0 | 161,4 |
| Қашқадарё | 40,8 | 179,5 |
| Навоий | 28,9 | 136,4 |
| Наманган | 8,5 | 164,4 |

| | | |
|---|---|---|
| Самарқанд | 10,2 | 132,5 |
| Сурхондарё | 6,7 | 147,4 |
| Сирдарё | 3,8 | 2,3м. |
| Тошкент | 48,0 | 151,0 |
| Фарғона | 26,9 | 149,8 |
| Хоразм | 9,8 | 151,6 |
| Тошкент ш. | 189,9 | 131,8 |

**Ташқи савдо айланмаси таркиби**

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида)

| | Ташқи савдо айланмаси | Экспорт | Импорт |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 100 | 51,0 | 49,0 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 100 | 58,3 | 41,7 |
| *Вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 100 | 34,4 | 65,6 |
| Бухоро | 100 | 79,8 | 20,2 |
| Жиззах | 100 | 49,8 | 50,2 |
| Қашқадарё | 100 | 56,9 | 43,1 |
| Навоий | 100 | 47,9 | 52,1 |
| Наманган | 100 | 68,2 | 31,8 |
| Самарқанд | 100 | 54,8 | 45,2 |
| Сурхондарё | 100 | 88,4 | 11,6 |
| Сирдарё | 100 | 84,7 | 15,3 |
| Тошкент | 100 | 52,6 | 47,4 |
| Фарғона | 100 | 46,4 | 53,6 |
| Хоразм | 100 | 64,8 | 35,2 |
| Тошкент ш. | 100 | 33,9 | 66,1 |

**Ташқи савдо айланмаси товар таркиби**

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

| | Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида | |
|---|---|---|
| | 2000 й. | 2001 й. |
| Ташқи савдо айланмаси | 100 | 100 |
| Экспорт | 52,6 | 51,0 |
| Импорт | 47,4 | 49,0 |
| Экспорт таркиби | 100 | 100 |
| Пахта толаси | 27,5 | 24,3 |
| Кимё маҳсулотлари, | 2,9 | 2,6 |

| | | |
|---|---|---|
| пластмасса ва ундан ясалган буюмлар | | |
| Қора ва рангли металлар | 6,6 | 6,8 |
| Машина ва асбоб-ускуналар | 3,4 | 3,8 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 5,4 | 3,8 |
| Энергия ресурслари | 10,3 | 9,9 |
| Хизматлар | 13,7 | 14,1 |
| Импорт таркиби | 100 | 100 |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 12,3 | 10,8 |
| Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар | 13,6 | 12,7 |
| Қора ва рангли металлар | 8,6 | 10,9 |

**Айрим узоқ хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси таркиби**

(якунга нисбатан фоиз ҳисобида)

| | Экспорт | | Импорт | |
|---|---|---|---|---|
| | 2000 й. | 2001 й. | 2000 й. | 2001 й. |
| Узоқ хорижий мамлакатлар бўйича жами | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Шу жумладан: | | | | |
| Австрия | 1,1 | 1,0 | 2,2 | 1,4 |
| Афғонистон | 0,5 | 0,5 | 0,0 | 0,0 |
| Бельгия | 1,8 | 2,2 | 2,2 | 1,6 |
| Болгария | 0,3 | 0,2 | 0,2 | 0,2 |
| Венгрия | 0,0 | 0,0 | 0,6 | 0,5 |
| Буюк Британия | 11,3 | [illegible] | 3,2 | 4,1 |
| Германия | 1,7 | 1,8 | 14,0 | 12,4 |
| Дания | 0,0 | 0,0 | 0,4 | 0,6 |
| Ҳиндистон | 0,5 | 0,8 | 0,8 | 0,8 |
| Исроил | 0,3 | 0,4 | 1,1 | 1,4 |
| Эрон | 3,4 | 3,8 | 2,5 | 2,4 |
| Ирландия | 0,5 | 0,0 | 0,2 | 0,1 |
| Италия | 3,4 | 2,3 | 2,3 | 2,0 |
| Хитой | 1,1 | 0,7 | 4,0 | 4,7 |
| Корея | 5,1 | 6,4 | 15,8 | 17,7 |
| Латвия | 3,1 | 3,1 | 1,6 | 1,9 |
| Литва | 0,3 | 0,1 | 2,1 | 1,4 |
| Лихтенштейн | 0,1 | 0,5 | 0,0 | 0,0 |
| Нидерландия | 4,0 | 3,5 | 1,4 | 1,9 |
| БАА | 0,7 | 1,2 | 1,4 | 1,2 |
| Покистон | 0,2 | 0,1 | 0,3 | 0,1 |
| Польша | 0,4 | 0,2 | 2,6 | 1,4 |
| Руминия | 0,0 | 0,2 | 0,1 | 0,2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Сингапур | 1,0 | 0,9 | 0,4 | 0,2 |
| Сурия | 0,0 | 0,1 | 0,1 | |
| АҚШ | 2,4 | 4,2 | 14,1 | 10,3 |
| Туркия | 4,7 | 3,8 | 5,3 | 5,4 |
| Франция | 2,0 | 1,8 | 4,6 | 6,4 |
| Чех Республикаси | 0,1 | 0,1 | 1,2 | 1,3 |
| Швейцария | 13,0 | 9,3 | 1,4 | 1,9 |
| Эстония | 0,3 | 0,3 | 0,4 | 0,4 |
| Япония | 0,7 | 0,6 | 3,0 | 6,7 |

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони**

(1 январ ҳолатига; бирлик)

| | Рўйхатга олинганлари, жами | Шу жумладан ишлаб турган юридик корхоналар | Рўйхатга олинганлар сонидан ишлаб турганлари |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 3301 | 1958 | 59,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 28 | 18 | 64,3 |
| Вилоятлар: Андижон | 89 | 78 | 87,6 |
| Бухоро | 53 | 40 | 75,5 |
| Жиззах | 41 | 19 | 46,3 |
| Қашқадарё | 52 | 29 | 55,8 |
| Навоий | 28 | 23 | 82,1 |
| Наманган | 76 | 66 | 86,8 |
| Самарқанд | 115 | 96 | 83,5 |
| Сурхондарё | 51 | 25 | 49,0 |
| Сирдарё | 22 | 21 | 95,5 |
| Тошкент | 196 | 160 | 81,6 |
| Фарғона | 74 | 47 | 63.5 |
| Хоразм | 34 | 24 | 70,6 |
| Тошкент ш. | 2442 | 1312 | 53,7 |

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар ташқи савдо айланмаси ҳажми**

(минг АҚШ доллари)

| | 2000 й. | 2001 й. | 2001 й. 2000 й.га нисбатан фоиз хисобида |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 1212070,5 | 1354097,4 | 111,7 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Республикаси | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2316,7 | 2615,0 | 112,9 |
| Вилоятлар: Андижон | 275364,1 | 314895,5 | 114,4 |
| Бухоро | 8622,2 | 9386,3 | 108,9 |
| Жиззах | 8335,5 | 31995,3 | 3,8м |
| Қашқадарё | 2568,9 | 48159,5 | 18,7м |
| Навоий | 179310,6 | 181690,8 | 101,3 |
| Наманган | 31192,5 | 29083,9 | 93,2 |
| Самарқанд | 45726,0 | 28539,5 | 62,4 |
| Сурхондарё | 2488,3 | 497,6 | 20,0 |
| Сирдарё | 24844,5 | 12417,6 | 50,0 |
| Тошкент | 127190,3 | 174547,3 | 137,2 |
| Фарғона | 43289,9 | 122461,3 | 2,8м |
| Хоразм | 1358,1 | 10043,8 | 7,4м |
| Тошкент ш. | 459462,9 | 387764,0 | 84,4 |

**Мулкчилик шакллари бўйича саноат корхоналари тақсимоти**

(1 январ ҳолатига; фоиз ҳисобида)

| | Корхоналар сони | | Маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми | | Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Давлат | Нодавлат | Давлат | Нодавлат | Давлат | Нодавлат |
| Ўзбекистон Республикаси | 7,6 | 92,4 | 29,2 | 70,8 | 22,4 | 77,6 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 9,8 | 90,2 | 12,3 | 87,7 | 11,1 | 88,9 |
| Вилоятлар: Андижон | 0,9 | 99,1 | 3,9 | 96,1 | 2,9 | 97,1 |
| Бухоро | 2,0 | 98,0 | 30,2 | 69,8 | 5,0 | 95,0 |
| Жиззах | 16,5 | 83,5 | 6,6 | 93,4 | 19,4 | 80,6 |
| Қашқадарё | 28,5 | 71,5 | 26,7 | 73,3 | 15,9 | 84,1 |
| Навоий | 14,8 | 85,2 | 66,6 | 33,4 | 76,6 | 23,4 |
| Наманган | 0,5 | 99,5 | 4,3 | 95,7 | 3,1 | 96,9 |
| Самарқанд | 1,1 | 98,9 | 6,2 | 93,8 | 11,5 | 88,5 |
| Сурхондарё | 5,5 | 94,5 | 3,1 | 96,9 | 6,6 | 93,4 |
| Сирдарё | 13,8 | 86,2 | 2,9 | 97,1 | 8,6 | 91,4 |
| Тошкент | 3,6 | 96,4 | 18,4 | 81,6 | 19,9 | 80,1 |
| Фарғона | 10,6 | 89,4 | 46,3 | 53,7 | 19,8 | 80,2 |
| Хоразм | 1,5 | 98,5 | 5,3 | 94,7 | 8,8 | 91,2 |
| Тошкент ш. | 5,5 | 94,5 | 11,2 | 88,8 | 12,7 | 87,3 |

**Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми**

| | Млрд.сўм | 2000 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 2884,5 | 108,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 43,7 | 97,4 |
| Вилоятлар: Андижон | 276,7 | 128,9 |
| Бухоро | 183,0 | 108,7 |
| Жиззах | 41,5 | 118,9 |
| Қашқадарё | 246,6 | 105,7 |
| Навоий | 302,7 | 100,0/103,0 * |
| Наманган | 102,7 | 120,8 |
| Самарқанд | 144,9 | 104,1 |
| Сурхондарё | 62,5 | 105,9 |
| Сирдарё | 40,8 | 122,8 |
| Тошкент | 408,1 | 112,6 |
| Фарғона | 320,5 | 102,9/117,2 * |
| Хоразм | 73,5 | 100,6 |
| Тошкент ш. | 427,[illegible] | 112,1 |

* - Зарафшон-Ньюмонт қўшма корхонасисиз.
Фарғона нефтни қайта ишлаш заводисиз.

**Истеъмол моллари ишлаб чиқариш**

| | Жами млрд.сўм. | Аҳоли жон бошига, сўм |
|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 1329,1 | 530330,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 32,6 | 21219,7 |
| Вилоятлар: Андижон | 197,1 | 88012,8 |
| Бухоро | 122,1 | 84196,6 |
| Жиззах | 20,5 | 20389,2 |
| Қашқадарё | 77,8 | 34765,7 |
| Навоий | 26,1 | 32766,9 |
| Наманган | 60,7 | 30737,1 |
| Самарқанд | 155,6 | 56832,7 |
| Сурхондарё | 35,8 | 19982,8 |
| Сирдарё | 24,4 | 37118,6 |
| Тошкент | 147,6 | 61658,8 |
| Фарғона | 145,8 | 53496,9 |
| Хоразм | 46,4 | 34130,1 |
| Тошкент ш. | 228,8 | 106156,6 |

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар маҳсулоти, иш ва хизматлар ҳажми**

(млрд.сўм)

| | 2000 й. | 2001 й. | 2001 й 2000 йилга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 386,7 | 611,7 | 158,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,7 | 3,0 | 183,6 |
| Вилоятлар: Андижон | 72,0 | 154,4 | 2,1 м |
| Бухоро | 0,6 | 3,2 | 5,4 м |
| Жиззах | 0,8 | 1,3 | 157,7 |
| Қашқадарё | 3,9 | 5,2 | 131,9 |
| Навоий | 43,3 | 54,5 | 126,1 |
| Наманган | 13,7 | 16,4 | 119,8 |
| Самарқанд | 19,5 | 24,3 | 124,9 |
| Сурхондарё | 2,3 | 3,9 | 168,2 |
| Сирдарё | 1,3 | 2,1 | 165,6 |
| Тошкент | 35,0 | | |
| Фарғона | 15,8 | 31,1 | 196,5 |
| Хоразм | 1,2 | 1,7 | 138,7 |
| Тошкент ш. | 175,6 | 251,3 | 143,1 |

**Инвестиция фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**

| | Асосий капиталга киритилган инвестициялар | | Шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари | |
|---|---|---|---|---|
| | млрд. сўм | якунга нисбатан фоиз ҳисобида | млрд.сўм. | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
| Ўзбекистон Республикаси | 1194,2 | 100 | 630,7 | 100 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 47,4 | 4,0 | 29,6 | 4,7 |
| Вилоятлар: Андижон | 54,1 | 4,5 | 26,5 | 4,2 |
| Бухоро | 43,4 | 3,6 | 32,3 | 5,1 |
| Жиззах | 53,1 | 4,4 | 30,4 | 4,8 |
| Қашқадарё | 206,7 | 17,3 | 86,0 | 13,6 |
| Навоий | 95,7 | 8,0 | 48,3 | 7,7 |
| Наманган | 47,2 | 4,0 | 31,2 | [illegible] |
| Самарқанд | 59,2 | 5,0 | 45,0 | 7,1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Сурхондарё | 43,6 | 3,6 | 31,2 | 5,0 |
| Сирдарё | 23,5 | 2,0 | 16,4 | 2,6 |
| Тошкент | 86,4 | 7,2 | 40,1 | 6,4 |
| Фарғона | 103,1 | 8,6 | 39,6 | 6,3 |
| Хоразм | 45,2 | 3,8 | 34,8 | 5,5 |
| Тошкент ш. | 230,6 | 19,3 | 108,5 | 17,2 |

**Маблаг билан таъминлаш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция таркиби**

| | Жами инвестиция, млрд.сўм | Қуйидаги манбалар ҳисобидаги маблаг билан таъминлаш, умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Республика бюджетидан | Корхона ва аҳоли маблағларидан | Банк кредитлари ва қарз маблағлардан | Чет эл инвестицияси ва кредитларидан | Нобюджет фондлардан |
| Ўзбекистон Республикаси | 1194,2 | 23,1 | 38,8 | 8,7 | 29,3 | 0,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 47,4 | 31,7 | 42,1 | 13,9 | 11,6 | 0,7 |
| Вилоятлар: Андижон | 54,1 | 23,0 | 42,3 | 5,5 | 28,9 | 0,3 |
| Бухоро | 43,4 | 18,4 | 68,4 | 5,6 | 7,6 | - |
| Жиззах | 53,1 | 19,1 | 39,6 | 13,2 | 28,1 | - |
| Қашқадарё | 206,7 | 12,2 | 41,5 | 6,7 | 39,6 | 0,0 |
| Навоий | 95,7 | 10,0 | 37,6 | 10,9 | 41,5 | 0,0 |
| Наманган | 47,2 | 25,1 | 47,8 | 8,0 | 19,1 | - |
| Самарқанд | 59,2 | 19,9 | 59,8 | 6,4 | 13,9 | - |
| Сурхондарё | 43,6 | 37,9 | 58,3 | 0,4 | 2,1 | 1,3 |
| Сирдарё | 23,5 | 14,5 | 43,4 | 19,7 | 21,8 | 0,6 |
| Тошкент | 86,4 | 20,9 | 44,2 | 6,0 | 28,6 | 0,3 |
| Фарғона | 103,1 | 9,6 | 28,7 | 16,2 | 45,4 | 0,1 |
| Хоразм | 45,2 | 25,9 | 48,9 | 5,2 | 20,0 | 0,0 |
| Тошкент ш. | 230,6 | 32,3 | 26,6 | 10,3 | 30,8 | 0,0 |

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимоти**

| | 2000 й. | 2001 й. |
|---|---|---|
| Жами | 100 | 100 |
| Шу жумладан: | | |
| Давлат мулки | 65,4 | 59,3 |
| Нодавлат мулк | 34,6 | 40,7 |
| Ундан: | | |
| Фуқаролар хусусий мулки | 15,5 | 13,4 |
| Хўжалик бирлашмалари мулки | 11,1 | 12,8 |
| Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки | 6,9 | 13,6 |
| Мулкчиликнинг бошқа шакллари | 1,1 | 0,9 |

**Мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби**

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

| | Давлат мулки | Нодавлат мулк | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Фуқаролар хусусий мулки | Хўжалик бирлашмалари мулк | Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки | Бошқа шакллар |
| Ўзбекистон Республикаси | 59,3 | 13,4 | 12,8 | 13,6 | 0,9 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 87,5 | 9,9 | 2,3 | 0,1 | 0,2 |
| Вилоятлар: Андижон | 28,8 | 17,1 | 15,3 | 35,2 | 3,6 |
| Бухоро | 35,9 | 26,9 | 32,7 | 2,7 | 1,8 |
| Жиззах | 28,0 | 9,1 | 25,6 | 37,1 | 0,2 |
| Қашқадарё | 82,2 | 5,1 | 12,3 | 0,2 | 0,2 |
| Навоий | 62,5 | 6,2 | 0,4 | 30,8 | 0,1 |
| Наманган | 55,2 | 21,1 | 21,7 | 1,4 | 0,6 |
| Самарқанд | 43,2 | 41,6 | 5,7 | 7,6 | 1,7 |
| Сурхондарё | 50,4 | 40,0 | 7,8 | 1,0 | 0,8 |
| Сирдарё | 46,5 | 24,3 | 26,8 | 1,9 | 0,5 |
| Тошкент | 47,8 | 10,9 | 21,3 | 19,2 | 0,8 |
| Фарғона | 38,0 | 15,8 | 14,0 | 30,1 | 1,3 |
| Хоразм | 41,0 | 35,0 | 9,3 | 7,5 | 7,2 |
| Тошкент ш. | 66,6 | 5,8 | 12,1 | 15,2 | 0,3 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 5,5 | 5,5 | 1,6 | 11,6 |
| Вилоятлар:<br>Андижон | 15,6 | 15,3 | 4,5 | 28,9 |
| Бухоро | 3,3 | 2,9 | 0,9 | 7,6 |
| Жиззах | 14,9 | 13,2 | 4,3 | 28,1 |
| Қашқадарё | 81,7 | 80,9 | 23,4 | 39,6 |
| Навоий | 39,7 | 36,7 | 11,4 | 41,5 |
| Наманган | 9,0 | 1,0 | 2,6 | 19,1 |
| Самарқанд | 8,2 | 5,0 | 2,3 | 13,9 |
| Сурхондарё | 0,9 | 0,9 | 0,3 | 2,1 |
| Сирдарё | 5,1 | 5,1 | 1,5 | 21,8 |
| Тошкент | 24,8 | 23,7 | 7,1 | 28,6 |
| Фарғона | 46,8 | 46,5 | 13,4 | 45,4 |
| Хоразм | 9,0 | 5,0 | 2,6 | 20,0 |
| Тошкент ш. | 70,9 | 62,5 | 20,3 | 30,8 |

Мулкчилик шакллари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш

| | Жами Млрд.сўм | Шу жумладан мулкчилик шаклидаги корхоналар бўйича, фоиз ҳисобида | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Давлат | Нодавлат | Ундан | | |
| Ўзбекистон Республикаси | | | | Қўшма корхоналар чет эл фуқаролари ва ташкилотлар | Хўжалик бирлашмалари | Фуқаролар хусусий мулки |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 349,7 | 52,2 | 47,8 | 33,7 | 1,2 | 12,9 |
| Вилоятлар:<br>Андижон | 5,5 | 100 | | - | - | - |
| Бухоро | 3,3 | 58,0 | 42,0 | 23,4 | - | 18,6 |
| Жиззах | 14,9 | - | 100 | 91,9 | - | 8,1 |
| Қашқадарё | 81,7 | 75,2 | 24,8 | 0,1 | - | 24,7 |
| Навоий | 39,7 | 45,2 | 54,8 | 54,0 | - | 0,8 |
| Наманган | 9,0 | - | 100 | 0,3 | - | 99,7 |
| Самарқанд | 8,2 | 36,0 | 64,0 | 42,9 | - | 20,1 |
| Сурхондарё | 0,9 | 7,7 | 92,3 | 10,8 | - | 81,5 |
| Сирдарё | 5,1 | 40,3 | 59,7 | - | - | 59,7 |
| Тошкент | 24,8 | 21,5 | 78,5 | 58,7 | 13,8 | 6,0 |
| Фарғона | 46,8 | 30,2 | 69,8 | 58,9 | - | 10,9 |
| Хоразм | 9,0 | 61,4 | 38,6 | 36,8 | - | 1,8 |
| Тошкент ш. | 70,9 | 72,6 | 27,4 | 25,8 | 0,9 | 0,7 |

Ишмуҳамедов Анвар Эгамқулович, Ҳайдаров Мирсоли Тожиевич,
Раҳимова Мукаррам Раҳимовна

**Макроиқтисодиёт-2**
(Ўқув қўлланма)

Муҳаррир: Файзиева Д.Ю.

---

Теришга берилди 17.10. 2003. Бичими 60x80 1/16
Шартли босма табоғи 8,1. Адади 300 нусха.
Буюртма № 189

---

700063, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси 49 - уй,
ТДИУ босмахонаси.